

R 496
1998/4

2000
1998/4

الاحتفال

4
1998





Шарафиддин Али Яздийнинг «ЗАФАРНОМА» китобига ишланган миниатюра. Соҳибқироннинг зафарли юриши.

УЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ АКАДЕМИГИ ШОМАҲМУД МУҲАММАДЖОНОВ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Мир Алишер Навоий. «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» достони.
Толиблик — поклик йиллари. Миниатюра. 1997 йил.



Ўзбекистон

R 496

4

1998

июль-август

Ижтимоий-сиёсий,
илмий-оммабоп ва
бадний безакли журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Абдумўмин БОЙМАТОВ,
Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Асқар МАҲКАМ

(бош муҳаррир ўринбосари),
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,
Жасур РАСУЛТОВЕВ,

Маънура НАБИЕВА
(масъул котиб),

Мухсин ҚОДИРОВ,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,

Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,
Дехқонбой ҲУСАНОВ.

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган.

J

УШБУ СОНДА

Муҳаррир минбари. Ўзбекистоннинг тараққиёт кафолатлари (Олтинчи мақола).....	2
Рўзимат ЖЎРАЕВ. Мустақиллик қадрияти.....	5
Нодира СОАТОВА. Мангулик қўшиғи.....	9
Э.МИРҚОСИМОВА. Муסיқий оҳанглар.....	11
Абдуғаффор УМАРОВ. Аллаё, алла!.....	12
Рафаил ТОҚТОШ. Махоратли мусаввир.....	14
Дехқонбой ҲУСАНОВ. Нафосат ижодкорлари.....	16
Чингиз АЙТМАТОВ, Мухтор ШОХОНОВ. Ёвузликнинг илдизи борми?.....	18
Ботир ЖАББОРОВ. Сулола.....	22
Бахтиёр ҲАСАНОВ. Эркин тафаккур мевалари.....	24
Маҳмуджон МАМАТОВ. Улкан обидалар ва қадриятлар ўлкаси.....	25
Ўткир АМИРОВ. Аҳмад ал-Фаргоний.....	26
Бахтиёр СУННАТОВ. Ҳадислар ва истиқлол маънавияти.....	27
Шарифа САЛИМОВА. Оланим дуолар бўлди, онажон! (Шеърли туркум).....	28
Ёқуб РАҲМОНОВА. Беруний юлдузлари.....	30
Ҳамид ВОХИДОВ, Дилором ВОХИДОВА. Жаҳидлар ва миллий мустақиллик.....	31
ГУЛИРАҲНО. Сиз – малика, биз – Ғулум.....	32
"ФАРФОНА ТОНГ ОТГУНЧА..." Қўқон шоирлари шеърларидан намуналар.....	34
Абдуғаффор ОРТИҚОВ. Илмий фаолият ва тараққиёт.....	36
Сергей НЕМЦОВИЧ. Зар қадрини билган заргар.....	37
Алижон УМАРОВ. Эзгулик учун яралган умр.....	38
Мўминжон АБДУВАЛИЕВ. Яшнар унинг боғи.....	39
Маҳмуда АБДУЛЛАЕРОВА. Бир даста гул... (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира РАҲМАТИЛЛАЕВА билан мулоқот).....	40
ЗИЁ КЎКАЛП. Шеърлар.....	43
Мухсин ҚОДИРОВ. Карсак ўйини.....	45
Тоҳиржон ЙЎЛДОШЕВ. Санъаткор саодати.....	48
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. Маснавий (Давоми).....	49
Маънура НАБИЕВА. Аёл вафоси билан... (Сухандон Дилором Умарова билан суҳбат).....	56
Сайёра ШОДИЕВА. Маънавиятнинг қутлуг даргоҳи (Алишер Навоий номидаги давлат миллий кутубхонасининг директори Абдусалом Умаров билан мусоҳаба).....	58
Ойбек ВЕЙСАЛ ЎҒЛИ. Турк киносининг оммабоп жанрлари.....	60
Оқилжон ҲУСАНОВ. Уятчанлик боиси. Вақтнинг қадр. Ҳажвийлар.....	63
Қутби НОСИР қизи. Ибратли келинчак.....	64



Муқованинг биринчи бетиди:
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист
Замира РАҲМАТИЛЛАЕВА.

Журналимизнинг бир неча сонларида Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида илгари сурилган, бизнинг тараққиёт ва истиқболимиз учун назарий асос бўла оладиган фикрлар, мулоҳазалар ва ғояларни ўқувчилар оммасига етказишга ҳаракат қилинди.

Бу китоб наинки маънавият, фалсафа ва маърифат масалалари билан, айна чоғда, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва мафкура муаммолари билан шуғулланувчи барча раҳбарларга, ўқувчи-талабалар ва тарбиячи-устозларга назарий-методологик жиҳатдан қўлланма вазифасини ўтайди.

Китобнинг яна бир назарий-амалий жиҳати шундаки, унда мураккаб давримизнинг, XX асрдек зиддиятларга бой асрнинг XXI аср бўсағасидаги барча муаммолари устида гап боради ва ўқувчини яқинлашиб қолган уч мингинчи йилдаги фаолияти учун методологик қўлланма вазифасини бажаради. Монографияда Ўзбекистон тажрибаси асосида жаҳон халқлари олдида турган долзарб муаммолар ечими устида чуқур ва кенг қўламли мулоҳазалар юритилди.

Ўтган етти йил мобайнида Ўзбекистонни суверен давлат сифатида танилиши бўйича жуда катта ишлар қилинди. Натижада дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакати биз билан расмий дипломатик алоқаларни ўрнатди, Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихоналарини очди.

Бу жаҳон ҳамжамиятида ўрнатилган ҳамкорликнинг ёрқин намунасиدير. Ўзбекистон жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирди, энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қила бошлади. Республикамызда 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтди.

Ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни бундай кенгайтиб ва кучайиб боришида Ўзбекистон куйидаги асосий тамойилларга амал қилди:

- ўзаро манфаатларни ҳар то-

Ислом КАРИМОВ



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ТАРАҚҚИЁТ
КАФОЛАТЛАРИ**

(Олтинчи мақола)

монлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуңлиги;

- тенг ҳуқуқлилиги ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

- халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

"Биз, - деб ёзади Ислом Каримов, - ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантиришни хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати деб биламиз. Ўзбекистон дунё учун очиқ. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун энг яхши кафолатдир".

Ана шу тариқа Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан кенг қўламли интеграциялашган замонавий демократик давлатни қуришдан иборат стратегик вази-фани амалга оширмоқда.

Дунёда жўғрофий-сиёсий аҳамияти жиҳатидан жуда катта ва ноёб ўзгаришлар содир бўлмоқда. «Совуқ уруш» даврида халқаро муносабатлар асосини ташкил этган кўпгина қоидалар, ғоялар ва тамойилларни тубдан қайта кўриб чиқишга тўғри келмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, «Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ».

Жаҳон халқлари ва мамлакатларининг ана шундай интеграцион тараққиёти XXI асрда бу жараён янада кенгайтиши ва чуқурлашишдан дарақ беради.

Муस्ताқиллик биз учун фақат ўз эркинлигимизни англашгина эмас, шунингдек, ўз ҳаётимизни, истиқболимизни, миллий манфаатларимизни ўйлаган, кўзлаган ҳолда ўз келажагимизни ўз қўлимиз ва онгимиз билан қуриш ҳуқуқини

ҳам берди. Шунинг учун биз мамлакатимиз озодлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини чекламайдиган интеграция тарафдоримиз.

Ўзбекистон барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва эркин интеграция ҳамкорлигини давом эттиради. «Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда - дунё микросида ва минтақа кўламида - интеграция жараёнларида қатнаша-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир».

Интеграция жараёни дунё халқлари ўртасидаги ҳамжихатлик ва тинчликни сақлашда катта аҳамият касб этмоқда. Ер юзидagi мамлакатлар ва давлатларнинг хавфсизлиги ҳам уларнинг интеграция жараёнларида қатнашиш режасига боғлиқ бўлиб бормоқда. Тарихий тараққиёт шундан далолат бермоқдаки, қайси мамлакат бошқа давлатлар билан қанчалик интеграция алоқалари билан боғланса, унинг хавфсизлигига таҳдид шунчалик кам бўлади.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганига 1998 йил 2 мартда олти йил тўлди. Бу давр ичида Ўзбекистон БМТнинг фаол аъзосига айланди. Масалан, Ўзбекистон ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар муваффақиятли ўтди. Унда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатлари ва давлатларининг дипломатия ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этишди.

И.А.Каримов БМТнинг жаҳон халқлари ва давлатлари орасидаги тинчликни сақлаш ва интеграция жараёнларида тутган ўрнини таъкидлаш билан баробар ва ташкилотнинг таркибий тузилиши ва

фаолиятини такомиллаштириш гоёсини ўртага ташлайди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқалари ҳам тобора кенгайиб бормоқда: «Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашга халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар - Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тиклиниш ва тараққиёт Банки ва бошқалар ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Биз мамлакатимизнинг ҳар йили Давос шахрида ўтadиган Жаҳон иқтисодий анжумани ишида қатнашиш катта аҳамиятга эга деб биламиз. Анжуманда қатнашиш Ўзбекистонни ва унинг имкониятларини таништириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун муҳим аҳамиятга молик».

Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО, ЭКО, ОИК, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Шуниси эътиборга моликки, Ўзбекистон советлардан кейинги маконда Россиядан сўнг иккинчи бўлиб Европа иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзолади. Бу Битим иқтисодий, маданий, илмий соҳалардаги ҳамкорликдан ташқари, Ўзбекистонда демократик жамият муваффақиятли амалга оширилаётганини, халқларимизни инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаролик эркинликлари ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятлар бирлаштириб турганлигини яққол тасдиқлайди.

Халқаро ҳамкорлик ва интеграциялашув жараёнида туркий тилли давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳам салмоқли ўрин олмақда.

«Туркий тилли давлатлар бошиқларининг 1996 йил октябр ойда Тошкентда ўтказилган IV учрашуви бунинг далили бўлди, - деб ёзади И.Каримов - Мазкур учрашув туркий тилли давлатлар муносабатларининг асоси, яъни улар халқларининг тарихий, эт-

ник-маданий ва маънавий яқинлигидан иборат эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу ҳол ушбу мураккаб минтақада тинчлик ва хавфсизликнинг кучли кафолатини яратадиган».

Бу учрашувда туркий тилли мамлакатларнинг фан, маданият, таълим, иқтисодий, транспорт алоқалари бўйича икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Эндиликда «Буюк Ипак йўлини тиклаш: мариший туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

Дунёнинг етакчи давлати ҳисобланган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва интеллектуал салоҳиятга молик АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон учун устувор аҳамият касб этади.

Шунингдек, минтақавий барқарорлик, минтақа кўламида интеграция жараёнларини такомиллаштиришда илгари Совет Иттифоқи таркибига кирган мамлакатлар ўртасида вужудга келган ва келаётган муносабатлар алоҳида ўрин тутди:

- МДХ мамлакатлари икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик ва ҳамкорликни ривожлантирмоқдалар;

- МДХ мамлакатлари халқлари орасида табиий интеграция жараёнлари содир бўлмоқда. Давлатлар ўз мустақиллигидан воз кечман ҳолда интеграцияга ҳеч ким қарши чиқаётгани ҳам йўқ.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари билан интеграциялашиш жараёнига қўшилган экан, биринчи навбатда, мустақиллик ва эркинлик гоёларига асосланган ҳамда асосий стратегик масала эски империяни қайта тиклашга йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Марказий Осиё мамлакатлари орасидаги интеграция эса ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб ту-

ради. Бу интеграция ўз моҳияти билан халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай давом этмоқда. Чунки «Бутун тарих давомида бу минтақа халқлари ажнабий босқинчилар ҳукмронлигига қарши елкама-елка туриб курашиб келганлар. Бу халқларнинг вакиллари мустақилликни қўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш гоёлари бирлаштирган. Бу халқлар Туркистон деб ном олган улкан ҳудудда асрлар давомида яшаб келганлар. Аввало шунга таяқид-ламоқчимизки, Марказий Осиё халқларининг интеграцияси орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиҳа эмас, бу - бор нарса, бу - мавжуд воқелик бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шакллarga муҳтождир».

Марказий Осиёдаги давлатлар интеграцияси ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги муштараклик, сув ҳўжалиги ва энергетика объектларидан биргаликда фойдаланиш эҳтиёжи тақозо этган объектив заруриятдир. Асрлар давомида томирлари бир-бирига чирмашиб кетган халқларнинг маданий, тил ва маънавий муштараклиги бу интеграция учун ниҳоятда муҳим ва муқим омил ҳисобланади.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг бу суверен мамлакатлар ўртасида ягона иқтисодий маконни ташкил этиш ҳақидаги Тошкентда имзоланган Шартнома жуда кагта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлди.

Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашуви учун дастлабки шарт-шароит ва сабаблар мавжуд:

- бу мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бошланғич даражаси бараварлиги;
- ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бир хиллиги;
- ягона транспорт-энергетика

коммуникацияларига, сув захиралигига муштарак эгаллик;

- ушбу минтақада яшаётган барча халқларнинг хавфсизлиги учун муштарак бўлган таҳдидларнинг мавжудлиги:

а) Оролнинг қуриб бораётганлиги;

б) наркотик моддалар, қурол-яроғ, терроризм, диний фундаментализмнинг кириб келиши;

в) Афғонистон томонидан кескинлик ва беқарорликнинг ёйилиш хавфи ҳамда бошқа бир қатор омиллар.

Бинобарин, Марказий Осиё Ҳамдўстлигининг келажакига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд:

- зарур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган;

- давлатлараро кенгаш тузилган;

- Ҳамдўстлик дастурларини рўйбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган;

- қатнашувчи давлатлар иқтисодий интеграциясининг 2000 йилгача мўлжалланган, 53 та муайян лойиҳани ўз ичига оладиган дастури ишлаб чиқилди;

- ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш учун асос солинмоқда.

Марказий Осиё Ҳамдўстлиги, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, шунчаки интеграция олушига эргашши, устун бўлиб олиш ёки ўз таъсир доирамизни кенгайтиришга интилиш эмас. «Бу XXI асрда бизнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлимиздир. Ишончим комилки, - давом этади Ислом Каримов, - бу бирлиكنи амалга ошириш, ҳеч шубҳасиз, халқларимизнинг манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустақамлашга ёрдам беради. Марказий Осиё давлатлари, гарчи ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий жиҳатдан хилма-хил бўлса-да, биргаликда куч-ғайрат сарф-

лаб, хавфсизликка ташқаридан туғилаётган таҳдидларга қарши туриш учун, бутун минтақани барқарор ривожлантириш учун қулай муҳитни яратади, амалда бу минтақани хавфсизлик ва барқарорлик минтақаси сифатида шакллантиради. Шу тариқа бу минтақа давлатлари бутун дунё қўламини тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшади».

Демак, халқлар, мамлакатлар ва минтақалар тақдири, тарихи ҳамкорлик ҳамда тинчлик эвазига юксалади, бунга интилиш эса барчанинг ва ҳар кимнинг муқаддас ижтимоий-сиёсий ва шахсий вазифаси, масъулиятидир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш учун жаҳон халқлари олдида турган барча ижтимоий-сиёсий ва маънавий вазифалар чуқур таҳлил қилинган ва очиб берилган. Инсоният олдида турган муаммолар Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тажрибалиридан келиб чиқилган ҳолда қаламга олинган.

Тадқиқ этилган хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш учун ислохотларни амалга ошириш зарурлиги ва ана шу асосда одамларимизнинг фаровонлиги ва муносиб турмуш кечиришини, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашнинг таъминлаш - моҳият-эътибори билан давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришишнинг асосий мазмуни, абадий мақсади эканлиги кўрсатиб берилган.

Она диёримизда яшаётган ҳар бир виждони пок ва ватанпарвар инсон ушбу китобни мутолаа қилиб, тарихимизни, Ватанимиз, Ўзбекистонимиз эга бўлган куч-қудратни, моддий бойликларни, маънавий қадриятларни ва беқийёс имкониятларни тасаввур этиб, шубҳасиз, ифтихор ҳиссини бошидан кечиради.

МУСТАҚИЛЛИК ҚАДРИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси XXI асрга қадам кўяр экан, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида мустақилликнинг улкан қадриятларини ўз ҳаётига синдириб бормоқда. Жумладан, юртимизни дунёнинг 165 мамлакатга тан олиши, 120 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши, пойтахтимизда 35 дан ортиқ давлатлар ўз элчихоналарини очиши жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнинини топишимиздан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 88 та чет эл ваколатхоналари, 24 та ҳукуматлараро ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Халқаро муносабатларда миллий манфаатларимизнинг устуворлиги, тенг ҳуқуқлилик ва манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тинчлик ва ҳавфсизликка содиқлик, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурматлаш, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни ўрнатиш каби тамойиллар давлатимиз дипломатиясининг асосий дастурий тамойилларидир. Шу маънода юртбошимиз И.А. Каримов халқаро алоқаларни тараққиёт, ҳавфсизликни ва барқарорлиқни таъминловчи тамойиллар сифатида баҳолаши сиёсий ва жамоат арбоблари эътиборига тушди.

Республикамизнинг халқаро ҳамжамиятдан ўрнини топишида давлат йўли билан бирга нодавлат ташкилотларнинг, яъни халқ дипломатиясининг шаклланиши мустақиллигимизнинг қадрияти бўлиб қолди. Юртимизда ҳозирги пайтда 13 дан ортиқ ноҳукумат ташкилотларнинг ишлаб туриши илк ютуқларимиздандир. Кейинги йилларда халқ дипломатияси масаласини бир қатор олимлар ва жамоат арбоблари қизгин муҳокама қилмоқдалар. Бутун дунёдаги давлатлар халқаро муносабатларнинг ривожлани-

шида жамоат, спорт, туристик, диний ташкилотларнинг халқаро алоқаларини ҳар томонлама кўллаб-қувватламоқда. Жумладан, юртбошимиз И.Каримов маданий алоқаларни ривожлантиришда нодавлат ташкилотларнинг фаоллигини таъминлаш мақсадида ўтган йилнинг 25 майида фармон чиқариши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур фармон халқ дипломатиясини мустақиллигимизнинг муҳим қадрияти сифатида мустаҳкамлади. «Халқ дипломатияси» деганда одатда фанда нодавлат ташкилотлар, яъни, давлатдан ташқари маданий-маърифий ташкилотларнинг дунё халқлари билан дўстона алоқалар ўрнатиши назарда тутилади. Барча халқаро алоқаларимизнинг бош мақсади - халқимизни жаҳон халқлари билан яқинлаштириш, дунёни кўриш, танишиш, уларни ҳам ўз навбатида юртимиз билан танишишига кенг имкониятларни очиб беришдир.

Кейинги йилларда «халқ дипломатияси»нинг спорт соҳасидаги қадамлари мақтовга сазовордир. Ўзбек спортчиларининг Европа ва Осиё ўйинларидаги муваффақиятлари, Олимпиадаларда муносиб иштироки миллимизни жаҳонга танитмоқда.

Халқаро шартномалар бўйича халқ ҳўжалигининг турли соҳа вакиллари ва делегацияларининг чет эллардаги иштироки, юрдошларимизнинг чет эл корхоналарида технологияларни ўрганишлари бевосита чет давлатлардаги аҳоли билан яқинлашувга олиб келадиган мустақиллик хабарчилари бўлиб майдонга чиқди. Ўз навбатида чет эллик сармоядорлар ва мутахассисларнинг ишлаб чиқаришининг турли соҳаларидаги ҳамкорликлари уларни халқимиз ҳаёти билан бевосита танишувларига имкон туғдирди.

Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури бўйича олий ва ўрта махсус таълим тизимидagi мутахассисларимиз ва талаба-

ларимизни чет элларда касб малакаларини ошириши ҳам жуда катта имкониятларни очиши табиийдир. Айниқса, ёшларимизнинг фанлар бўйича халқаро олимпиадалардаги совринли ўринларни эгаллашлари ҳам халқаро алоқаларимизни ривожлантиришда муҳим йўналиш сифатида шаклланди.

Юртимиздаги бой маданий-тарихий обидаларни зиёрат қилиш иштиёқи барча халқларни азалдан қизиқтириши халқ дипломатиясининг ўзига хос қадрият бўлиб қолишига ишонч туйғуларини мустаҳкамлайди.

Давлатимиз диний ташкилотлар вакилларининг халқаро алоқалар ўрнатишларига кенг имкониятларни очиб бermoқда. Ҳар йили ҳаж ва умра ибодати бўйича минглаб юрдошларимиз доимий алоқаларда мусулмон дунёси билан яқинлашмоқда.

Мустақиллик йилларида халқимиз учун дунё мамлакатларига чиқиш учун кенг имкониятлар очилди. Собиқ Совет Иттифоқи таркибида яшаганимизда, халқаро алоқаларни халқимиз номида Москва ўрнатар, ким билан қандай алоқаларни ўрнатиши Россия хал қилар эди. Бунинг учун минглаб бюрократик маҳкамалардан рухсат олиниши лозим эди. Шунинг учун ҳам кенг халқ оммасининг дунё юзини кўриши, халқаро алоқалар ўрнатишдаги эркинлик мустақиллигимизнинг энг буюк неъмати бўлиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, халқ дипломатияси давлатимиз мустақиллиги йилларида халқаро алоқаларнинг ривожланишида ўзига хос миллий қадриятимизга айланиб, юртбошимиз И.Каримов баркамол давлат арбоби, ажойиб бош «халқ дипломати» бўлиб дунёга танилганининг шохиди бўлиб турибмиз.

Рўзимат Жўраев,

Наманган дорилфунуни.

ТЕАТР ВА ЗАМОН

Бугунги ўзбек театр санъати муаммолари мутахассису ихлосмандларни қизиқтириши, безовта қилиши табиий ҳол. Мустақиллик шароитида бу муаммолар қандай ҳал этиляпти? Театр санъати сўнгги етти йил мобайнида қандай англичликларни қўлга киритди? Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги шу йил 26-27 февраль кунлари «Мустақиллик ва ўзбек театр санъати» семинар-кенгашида соҳа ютуқ ва камчиликлари, ечилиши лозим бўлган муаммолари атрофлича таҳлил қилинди.

Семинар-кенгаши Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Х.Жўраев табрик сўзи билан очди. Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Т.Қўзиев, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси Б.Кориева ўз фикр-мулохазаларини билдириб, кенгаш ишига муваффақият тиладилар.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Мухаммадали Абдуқудузов вазирлик театр санъатини ривожлантириш учун олиб бораётган тадбирлар, амалга оширилган ва мўлжалланган режалар ҳақида батафсил тўхталиб, семинар-кенгаш ишини бошлаб берди. Театр санъатининг айрим муаммолари, вазирлик тизимидаги театрларнинг 1997 йилги иш фаолияти ва 1998 йил режалари хусусида фикр юритди. Вазир ўринбосари театршунос олимларни театр ишларига фаол аралашушга ундаб ўтди. Шундан сўнг санъатшунослик номзоди Тоир Исломовга сўз берилди.

«Мустақиллик ва театр санъати: ютуқ ва камчиликлар» мавзусида маъруза қилган Т.Исломов ҳозирги давр, мустақиллик ҳақида фикр юритар экан шундай деди:

«Мана етти йилдирки, Ўзбекистон Республикаси жондор давлатлари орасида ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Биз ҳақонини чуқурроқ англамоқдамиз, жaxon бизни тобора кашф этмоқда... Театр, томоша муассасалари худуди ана шу жараённинг фаол иштирокчиларидир. Хусусан

театр санъатининг табиати, бурчи, одамлар, уларнинг кечинмалари, фикрлари, дунёқарашларини акс эттиришга қаратилган. Демак, театрнинг жамият олдидаги вазифаси миллий манфаат ахамиятига молик. Шунинг учун мустақиллик жараёнида ўзбек миллий театр санъатидаги жараёнга умумий бир назар керак.

Авалло шуни айтиш керакки, Озодлик, Ватан мустақиллиги эркин фикрлаш, эркин ижод қилиш имконини беради. Очiq айтиш керакки, таъқиқланган мавзу йўқ. Инсон маънавий манфаатлари, ҳур Ватан равнақи йўлида хоҳлаган мавзунини ёритиш мумкин. Театрларимиз амалиётида бунинг энг ёрқин ифодаси – соҳибқирон бобомиз Амир Темур мавзусини кенг ва объектив равишда тикланиши деб айтиш мумкин.

Узоқ йиллар давомида Амир Темур ҳақида адолатли фикр айтиш мумкин эмасди. Энди-чи? Қисқа муддат ичида театр санъатида соҳибқиронга бағишланган ўндан ортиқ асарлар пайдо бўлди.

... Умуман олганда миллатимиз ўз шарафли ўтмишини янгидан кашф этмоқда. Бизнинг ҳозирги давримиз том маънода уйғониш давридир. Ўзбек театри ана шу даврга монанд фаолият кўрсатишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Театрларнинг сўнгги йиллардаги фаолияти келажакка умид билан қарашга имкон беради. 1995 йилда Иккинчи Жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган кўрик, 1996 йилдаги драматик ва мусиқали театрларда болаларга бағишланган спектакллар кўриги, шу йилги мамлакатимизда ва бутун жаҳонда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан театрларнинг бир қисми соҳибқиронга бағишлаб асарлар яратгани, ўша йил охирида Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ўтказган Амир Темур образларини яратган артистлар иштирокида спектакллардан парчалар кўриги, 1997 йил наврўз арасида Амир Темур ҳақидаги спектаклларнинг Тошкентда беллашувдек ўтказилган фестивали ва, ниҳоят, ўтган йил охирида «Энг яхши аёл роли ва

энг яхши эркак роли ижроси» ғолибни аниқлашга бағишланган кўриклар республика жамоатчилиги эътиборини қозонган воқеалардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу кўрик ва фестиваллар шунчаки кампаниялар эмас, балки театр санъати профессионал синови бўлди. Ана шу жараён мобайнида республикамиздаги театрлар актёр ва режиссёр ижодий ҳолати, моддий ва маънавий имкониятлари комплекс тарзда қараб чиқилди.

«Мен бўлиб ўтган кўриклар натижалари ҳақида гапирмоқчи эмасман, улар ҳаммага маълум, – деди Тоир Исломов. – Лекин кейинги йилларда кўзга ташланаётган айрим ижобий ва салбий тенденциялар ҳақида баъзи мулохазаларимни ўртоқлашмоқчиман.

Маърузачи театрнинг ижодий қиёфасини репертуар белгилаши, унинг мазмундорлиги режиссёрга боғлиқлиги, театрнинг бош режиссёри ижодий жамоанинг бадиий фаолиятини бошқаришини таъкидлади. Шу жиҳатдан олганда жумҳурият театрларининг аҳоли нотекис эканини, изланувчан режиссёрлар бoш бўлган театрларда репертуар қизикқарли, кўп жанрли, спектакллар чуқур фикрлигини айтиб ўтди. Сурхондарёдаги Маннон Уйғур номидagi театр, Қашқадарёдаги «Эски мачит» студия театри, Андижондаги Аббос Бакиров номидagi театр, Қорақалпоғистон республикасидаги театрлар, Сирдарёдаги Олим Хўжаев номидagi театр, Тошкентдаги Аброр Хидоятлов номидagi театр, М.Горький номидagi рус академик драма театри ўз программаси ва истиқболли режасига эга жамоа эканлигини кўрсатди. Маърузачи бошқа театрларда ҳам бадиий пишиқ асарлар борлигини, аммо улар ниҳоятда камлигини гапирди. Ҳамид Олимжон номидagi театрда режиссурани заиф деб топди.

«Қиёсан яхши ва режиссурасида камчиликлар бор деган театрларимизнинг жуда кўплари учун репертуар устида жиҳдий ишламаслик умумий хусусиятдир, – деди олим. – Семинар-кенгашдан мақсад, фақат мажлис эмас, балки айрим муаммоларни ўртага ташлаб, атрофлича

муҳокама қилиб, ечимлар топиш деб ўйлайман.

Шундан сўнг у театрларда спектаклларни бадий кенгашга кўрсатиш, жамоатчилик фикрини олиш, баъзи театрларда бўш, бадий сазё асарларнинг пайдо бўлиш йўллари ҳақида гапирди. У спектаклларнинг савияси ҳақида тўхталиб шундай деди:

- Жойларда театр бадий кенгашлари пьесани ва спектаклнинг бадий савиясини етарли даражада баҳолашдан оғиз, «Кўк бўри», (Ўзбек ёш томошабинлар театри), «Сохибқирон» (Ҳамза номидаги театр), «Эшмат тажанг ўйланади», «Кувёллар конкурси», «Келин танлов» ва шунга ўхшаш асарлар репертуардан кенг ўрин олган. Фикримча, пьесалар тақдирини хал қилишни Репертуар-тахрир хайъатига тўлалигича топшириш, бунинг учун хайъатни тиклаб, мутахассислар билан мустаҳкамлаб, хал қилиш ваколатларини бериш керак.

... Мустақиллигимизнинг еттинчи йилга келдик. Аммо сир эмаски шу пайтгача янги замонамиз ва унинг муносиб қахрамонлари ҳақида арзирли асар йўқ. Ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар эса изланувчан драматург ва режиссёрларга истаганча мавзу беради, хоҳлаганча қахрамонлар ҳам топилади.

Шу ўринда қалам ҳақи масаласи ўртага чиқиши табиий. Ҳақиқий пьеса ва спектакль ҳамма вақт кашфиёт ҳисобланиб келинган. Машаққатли интеллектуал меҳнат натижаси сифатида дунёдаги бошқа мамлакатлардаги каби баҳоланса, репертуар масаласи сифат ўзгаришларига эришиши мумкин, деб ўйлайман.

Маърузачи ёш драматурглар учун семинар ташкил қилиш, буни Маннон Уйғур номидаги санъат институти қошида уюштириш мумкинлигини тақлиф этди.

- Ҳукуматимиз кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа ҳужжатлар шундан далолат беради, - деди санъатшунослик доктори Мухсин Қодиров «Маданиятимиз ва санъатимизга миллий кадрлар тайёрлаш: режалар ва муаммолар» мавзусидаги докладда. Нотиқ асосий вазифа ва мақсад кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ва бу соҳада жаҳондаги тараққий этган мамлакатларга етиб олиш эканлигини, театр таълими соҳасидаги ислоҳот 1997-2001 йиллар мобайнида уч босқичда амалга оширилишини уқтирди. Маърузада ўқитувчи-профессорлар малакасини ошириш, актёрлик маҳорати, режиссура, кинотелеоператорлик, кўғирчоқ театри, мусиқа назарияси,

хонандалик каби амалий машғулотларда услубий изланишлар бўлса-да, туб ўзгаришлар сезилмаётганини, лекин санъат тарихи бўйича дарс берувчи ўқитувчилар ўз нуқтаи назарларини мустақиллик санъати олдига қўяётган вазифалар асосида ўзгаришларини, кўпгина соҳалар бўйича янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзиш, театр, кино, телевидение, драматургия, театршунослик, киношунослик, сахна беазаги соҳалари бўйича давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш, шартнома асосида кадрлар тайёрлашни кучайтириш масалалари таҳлил қилиб берилди.

Мухсин Қодиров ўз фикр-мулоҳаза ва тақлифларини бирма-бир баён этар экан, таълим тизимини юзага келтириш анчадан буён ечилмай келаётган муаммо бўлиб, институтга кадр тайёрлайдиган қуйи бўғин яратилмаганини сўзлади. Санъат институти учун таянч бўладиган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ташкил этиш кераклигини уқтирди. Олим ёш педагоглари ишга жалб этиш, институтда ишлаётган катта олимлар олиб бораётган тадқиқотлар, тажрибали режиссёрларни ёшларга устоз-мурабийлик қилиши ҳақида алоҳида тўхтади. Институтнинг ҳозирги аҳоли ва истиқбол тўғрисида гапирди, шундай деди:

«Маълумки, институтнинг рассомлик факультети негизда янги институт ташкил топди... Театр, кино, телевидение соҳалари бўйича ўқитиш анча қийинлашиб қолди. Аудиториялар, устaxonалар етишмайди. Маданият ишлари вазирлигининг қўллаб-қувватлаши билан янги икки факультет тузилиб, институт шу кунларда қуйидаги тартибда ишламоқда: театр санъати факультети, кўғирчоқ театри ва рассомлик факультети, кино ва телевидение факультети. Мана шу тартибда ўз навбатида янги муҳим йўналишлар бўйича мутахассислар етиштиришнинг имкони яратилди.

Шундан сўнг сўз олган драматург Ҳайитма Расул миллий драматургия масалалари ҳақида фикр юритди.

- Мустақиллик адабиёт ва санъатга, хусусан, драматургия ва театрға хайъти ҳаққоний тасвирлашга, тарихий қадриятларни кенг оммага етказишда катта йўл очиб берди, - деди Ҳайитма Расул. - Масалан, буюк сохибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб Ҳамза номидаги академик драма театрида Абдулла Ориповнинг «Сохибқирон», Сурхондарё театрида Қилич Абдуназаровнинг «Амир Темур ва Елдириш Боязид», Аброр Ҳидоятлов номидаги театрда «Ипак йўли», Жизнас театрида Одил Ёқубовнинг «Авлодларга васият», Сир-



Уйғун. "Зебуннисо". Шоҳжаҳон - Ё. Аҳмедов, Зебуннисо - Г. Жамилова.

дарё театрида Ҳ.Жовиднинг «Амир Темур», Фаргона театрида Тўра Мирзонинг «Амир Темур ва Тўхтамиш» асарлари сахналаштирилди.

Драматург Ҳамза номидаги театрда Уткир Хошимовнинг «Қатагон», Усмон Азимовнинг «Кундузсиз кечалар», Андижон вилоят театрида Тўлан Низомнинг «Чўлпон», Аббос Бакиров номли театрга Зиё Нажимийнинг «Занжирбанд шер» асарларини мустақиллик медалари деб атади. У мустақиллик қадрини оширадиган, унинг мустақамлиги йўлида тер тўқаётган ҳақрамонлар сиймосини яратиш ҳақида фикр юритиб, драматурглар, режиссёрлар изланишлари-га халақит қилаётган тўсиқлар ҳақида сўзлади.

– Шахсан менинг фикримча бу ерда... драматургларимизнинг изланишлари-га иқтисодий имкониятларнинг ночорлиги бир сабаб бўлса, иккинчиси , етуқ театрлар, истеъдодли режиссёрлар билан драматургларнинг ҳамкорликда фаол иш қилмаётганликларидир. Биргаликда санъат асари яратишга қизикмасликлари деб биламан, – деди нотик.

У театрларда бир вақтлар ижодий лабораториялар бўлганини, драматург ва режиссёрларнинг ҳамкорликда асл асарлар яратишдан ташқари адиблар, жаҳон драматургияси намуналарини таржима қилишга жалб этилганини эслатди. Ҳозирги даврда Баҳодир Йўлдошев, Мансур Равшанов, Маннон Хамидов, Маматсоли Усупов, Валижон Умаров, Наби Абдурахимов каби режиссёрлар устозлар аънанасини давом эттираётганликларини айтди.

– Андижон вилояти Аббос Бакиров номидаги ёшлар драма театри ҳузурда театр студияси ташкил этилган, – деди нотик. – Шу студияда таълим олган ёш актёрларнинг бир нечтаси ҳозир ёш артистлар қаторида туриб, жуда яхши роллар ўйнамоқда. «Наргис фожиаси», «Занжирбанд шер» спектакллари фикримизга далил бўла олади. Режиссёр Маннон Хамидов ўз театрида драматурглар лабораториясини ташкил этгани қувонарли ҳол. Эргаш Собиров, Зиё Нажимий каби истеъдодли драматурглар бевосита шу лабораторияда таҳсил олиб, буй кўрсатишди.

Фаргона вилоят театри қошида ҳам студия йш олиб бормоқда.

Режиссёрлардан Валижон Умаров ҳам, Мансур Равшанов ҳам қизгин ишлашяпти. Масалан, М. Равшановнинг режиссёрлик лабораториясида бадий пишитилган, мулақо янгича режиссурага асосланган «Амир Темур ва Елдириш Боязид» спектакли фестивалда режиссурада янгича талқин совринига эга бўлди. Валижон

Умаров томонидан янгича вариант қилиниб, Ҳамза номидаги академик драма театрида сахналаштирилган «Кундузсиз кечалар» спектаклининг муваффақиятли чиқиши истеъдодли режиссёрнинг изланишлари меваси деб биламан. Ана шу эзгу жараёнга бошқа режиссёрларимиз ҳам фаол аралашиларини тилаймиз.

Нотик сўзини тамомлар экан, мустақиллигимиз талабидан келиб чиққан ҳолда миллий руҳда асарлар ёзиш йўлида изланиш кераклигини уқтирди.

Санъатшунослик доктори Мухаббат Тўлахўжаева «Янги давр ва драматургия муаммолари» мавзусида сўзлаб: «Драматургия проблемлари» деган жумланing ўзидек кўпларда «бу тўғрида қанча гапириш мумкин» деган нохуш кайфият пайдо қилади. Театр мавзусига бағишланган биронта мажлис Ёзувчилар уюшмаси, Театр арбоблар уюшмасининг биронта йиғилиш ва семинари драматургияга бағишланган умумлаштирувчи докладыс ўтмасди. Аммо бугун театр жараёнини кузатаётган киши драматургия проблемалари зарбдор ва муҳим масалалар эканини идрок этмай қолмайди. Факт қайсар нарса, лекин ана шулар кейинги беш-олти йил мубайнида жиддий ва баркамол пьесалар жуда кам ёзилганини кўрсатиб турибди. Булар мамлакатимиздаги ўттизта театрининг талабини қондира олмайди.

Агар мен драматургия нусха олувчи машинка эмас, драматург эса нусхачимас, санъат – буралорблиқнинг бадий образлар инъикоси, пьеса яратиш жуда мураккаб, меҳнатталаб ижодий жараён десам ҳеч қандай сирни очмаган бўламан. Шундай билан ўтиб бораётган ва тез ўзгариб туривчи серкира ҳаёт янгилликларини илғаш ҳамда унга мослашиш осон эмас. Иззат Султон, Саид Аҳмад, Эркин Ҳоҳидов каби драматурглар шу боис сукут сақлашаётган бўлса керак. Машраб Бобоев, Шароф Бошбеков, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Шукур Ҳолмирзаев, Ҳайитмат Расул, Муҳаммаджон Ҳайруллаев каби ўрта бўгин вақиллари ҳам шу боис жим туришибди, шекилли.

Театрнинг аҳволини репертуар белгилайди. Масалан, беш театрини олайлик. Кейинги пайтларда Ҳамза номидаги академик драма театрида қандай оригинал асарлар қўйилди. А.Ориповнинг «Сохибқирон», Э.Ҳушвақтовнинг «Машраб», «Чимиллик», У.Азимовнинг «Кундузсиз кечалар»ини айтиш мумкин. Озгина, аммо бор, – яширининг нима хожа-ти бор, бир вақтлар пьесалар кўп эди, репертуар коллегия муаллифларга тақриз ёзиб улгурмасди.

Республикамизда мустақиллик

кўлга киритилгач, ҳуқуқий демократик давлат қуришдек олижаноб гоя юзага чиқди. Биз янги жаҳият қуряпмизки, унинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан адабиёт ва санъат, хусусан драматургия ва театр арбоблигига ҳам боғлиқ. Ўз кўламига кўра муҳим, маърифатпарварлик йўналишидаги гоя, ўзига хос миллий маданиятнинг тиклинишига кенг йўл очди.

... Аммо барча қийинчиликлар бизнинг онгимиз узок йиллик диктатурага бўйсунушдан тўла қутула олмаганида. Энди биз ижод кенгликлариде ўз йўлимизни ўзимиз мустақил излаб топишимиз керак. Фақат ичимизда цензор қолиши лозим, бадийят манзилларини белгилашда ниҳоятда юксак ички маданият, баланд заковат зарурдир.

Олима драма қонунларини ҳеч ким бекор қилмаганини, гўзаллик сарҳадлари ва чўққиларини белгилашда ҳамон у ўз қувватиде эканини, бундан ўн-ўн беш йил муқаддам драматургия муаммолари маҳорат билан боғлиқ бўлса, ҳозир видеофильмларни кўравериш, талаб ўзгарган томошабинни қандай мавзу, қандай фожеалар, тўқнашувлар қизиқтириши, ҳаёжонга солиши асосий масалалардан бири эканини айтиб ўтди. Драматургларнинг галдаги вазифалари миллий кадриятларимизни намоён этиш, халқимиз тарихи, ажайиб мутафаккирлари, олимлари, гўзал афсоналари, дostonлари, ривоятлари кўпчилиги, томошабинларга улар ҳақида ҳикоя қилиб, халқимизнинг ҳақрамонона сифат ва фазилатлари, инсонпарварлигини кўрсатиш кераклиги айтилди. Шунингдек олима режиссёрлар фаолияти ҳақида ҳам фикр билдирди. Режиссёрлар театр репертуаридаги бўшлиқни тўлдиришлари лозимлигини, театр бадий раҳбариятига кўп нарса боғлиқлигини сўзлади. Мумтоз сахна адабиётига мувожаат қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкиф этди. Б.Йўлдошев, М.Вайл олиб бораётган ишларни намуна сифатида қайд этди. Миллий драматургиянинг жонланишига умид билдирди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси Бернора Қориева, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев билан суҳбат-учрашув ўтказдилар. Қўғирчоқ театрида режиссураси хусусида доцент М.Ашурова билан суҳбатлашдилар.

Семинар-кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов иштирок этди.

Ўз мухбирилимиз.

Дангүллик күчшиғи

Миллий қадриятларимизсиз миллатимиз келажagini тасаввур этиши мумкин эмас. Урф-одатларимиз, инсоний фазилатлар ва ўтмишимизга эътибор кучайган бир пайтда ҳурматли юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган фармонлар ҳамда қарорлар айни муддаодир. Зеро, она-Ватан битта. Юрт учун хизмат қилиш ўтмишимизни, аجدодларимиз меросини ўқиб-ўрганиш мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас бурчдир.

Яқинда «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг тантаналарини нишонлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Шу қарор муносабати билан биз Термиз Давлат университетининг бир гуруҳ ўқитувчилари — филология фанлари доктори Қудрат ЖҮРАЕВ, ўзбек тилшунослиги кафедрасининг mudiri, профессор Холмирза ХОЛИЁРОВ ҳамда филология фанлари номзоди, доцент Рўзиқул МУСТОФАҚУЛОВлар билан суҳбатда бўлдик.



— Қудрат ака, Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг тантаналарини нишонлаш ҳақидаги қарори университетда қандай кутиб олинди? Кейинги пайтда воҳада дostonчилик мактабини яратиш учун қандай амалий ишлар қилинмоқда?

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз ўзлигимизни таний бошладик. Мустабид тузум даврида миллий анъаналар ҳақида сўзлаш у ёқда турсин, ҳатто ўйлаш ҳам мумкин эмас эди. Биз шундай ўқитилдик. Минг шукрлар бўлсинки, ҳаммаси ортда қолди, қутлуг озодлик насимлари кўксимизга теғди. Бу қарорни университетимиз жамоаси зўр шодиёна билан кутиб олди десам хато қилмайман. Чунки «Алпомиш» дostonининг яратилиши тарихига назар ташласак, биринчидан, айнан бизнинг Сурхон воҳамиз билан боғлиқлиги барчамизда фахр туйғуларини ўйғотади. Иккинчидан, бу дoston бутун Туронзаминда яшаб ўтган халқимиз ижодининг асосий жанрларидан бири ҳисобланиб, аждодларимиз томонидан севиб куйланган, қадимий, навқирон ва ҳеч вақт унутилмас бебаҳо мерос эканлиги билан ҳам улуғдир.

Бизнинг филология кулліетимизда узоқ йиллардан бери «Алпомиш» дostonи ва унинг яратилиши ҳақида илмий ишлар, изланишлар олиб борилмоқда. Бир қанча олимларимиз, жумладан, Рўзиқул Мустафоқулов каби изланувчан ўқитувчиларимизнинг «Алпомиш» дostonининг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган томонлари ҳақида яратган китоблари тартибланмоқда. Булар нашр этилса, халқимиз, ёшларимиз ўзбек халқ дostonчилиги, миллий ўйинларимиз, кўшиқларимиз, айтишувларимиз ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлади. Бундан ташқари алпомишшунос олимларни жалб этиб, олимларнинг катта мақолалар тўпламини тайёрлаялмиз. Термиз, Шеробод ва Бойсун шаҳарларида учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ўтказишни режалаштирганмиз.

Ҳозирда дostonчилик мактаблари ҳақида сўзлайдиган бўлсак, вилоятимизда дostonчилик анъаналарига катта эътибор қаратилмоқда. Бахшилар макони ҳисобланган юртимизда Шеробод дostonчилик мактаби катта доврўқ қозонган мактаблардан бири бўлиб, бахшичилик санъатининг таниқли вакиллари айнан шу ерда униб ўсганлар.

- *Домла, шу кунларда «Алпомиш» илмий экспедициясини тўзаетган экансизлар, шулар ҳақида сўзлаб берсангиз. Ва бу экспедицияда кимлар иштирок этди, экспедиция асосан қаерларда бўлади?*

- Биз «Алпомиш» номидаги илмий экспедиция тузишни бир неча йиллардан буён ўйлаб келар эдик. Файзли қарор муносабати билан ишларимизни жонлатириб юрдик. Экспедицияда асосан экспедиция илмий раҳбари сифатида мен, филология фанлари номзоди, доцент, ўзбек адабиёти кафедраси мудир, экспедиция раҳбари муовини Абдулла Бароталиев, ўзбек адабиёти кафедраси доценти, фольклоршунос олим Ҳайдар Оқбўтаев, филология фанлари номзоди Давлат Йўлдошев, филология фанлари номзоди, доцент Рўзikuл Мустофакулов, ўзбек тили кафедраси мудир Илҳом Ханжаров ҳамда бахши шоирларимиз Шоберди Болтаев ва Хўшбоқ Мардонакуловлардан иборатдир.

Илмий-амалий экспедиция аъзолари Ўзбекистондаги бахшичилик мактаблари яратилган марказларда бўлишади. Ҳозирча биринчи йўналишимиз Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларини ташкил этади.

- *Ҳолмирза ака, «Алпомиш» дostonи қачон яратилганлиги ҳақида аниқ далилий ҳужжат, бунга ойдинлик киритадиган илмий асарлар сақланиб қолганми?*

- «Алпомиш» дostonи туркий халқларнинг, айниқса, ўзбек халқининг қадимий, бебаҳо мероси ҳисобланади. Дoston биринчи марта халқ бахшилари томонидан тахминан 630 йилларда ёзиб олинган. Уша вақтда номи ҳозиргидек «Алпомиш» деб эмас, «Алпомиш ҳақида ривоятлар» деб аталган ва куйланиб келинган. Шунинг учун аниқ ишонч билан айтиш мумкинки, бу тарихий манба бизнинг 1500 йиллик қадимги эпосимиздир

- *Дostonдаги аёлларга муносабат ҳақида ҳам тўхтавалас, «Алпомиш» дostonи исломдан аввал яратилганми ёки кейин. Бунинг дostonда аксини топган аёлларга муносабат, аёлларнинг тутган ўрни каби ижтимоий ҳодисалар мисолида кўриш мумкинми?*

- Дoston VII асрнинг бошларида куйланган. Ислом дини эса бизда XIII асрда ёйила бошлаган. Шарқда, Ўрта Осиёда қадимдан аёлларга муносабат юксак даражада бўлган. Бу биргина «Алпомиш» дostonида эмас, балки аждоқларимиз томонидан яратилган тарихий ва бадий

асарларда ҳам ўз аксини топган.

- *Рўзikuл ака, қардош халқларимиз ҳам ўзларининг «Алпомиш» ларига эга. Бу дostonларда ҳам Алпомишнинг юрти Бойсун эли деб куйланадими? Олтинсой туманида Алпомишнинг зиндонбанд этилган жойи аниқланган экан. Бу ҳақиқатми ёки халқимизнинг афсоналар асосида чиқарган мулоҳазаларими?*

- Олтинсой туманидаги Навобод жамоа ҳўжалигига қарашли Ҳовуз қишлоғида истиқомат қилган бир кекса отахон Алпомишнинг асл ватани Чепда зиндонга тушгани, ва бу зиндон шу Ҳовуз қишлоғида эканини, ҳатто айтишларига қараганда бир дарахт шу зиндон ичидан ўсиб чиққанини ҳам айтади. Бунга ҳозир аниқ бир нарса дейиш кийин. Экспедиция давомида буларга аниқлик киритамиз деган умиддан. Дostonда тасвирланган кўллар, тепаликлар дostonнинг айнан Сурхон воҳасида вужудга келганлигини асослайди, бахшиларимиз Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли ва Шерназар Бекназар ўғли томонидан куйланган дostonларда ҳам Алпомишнинг юрти айнан Бойсун, Кўнғиротлар юрти эканлиги айтилади. Тарихий нуқтаи назардан ёндошсақ, дostonда аксини топган жой номлари ҳозиргача туманларимизда сақланиб қолган. Ҳозирда тилшунос-филолог олимларимиз дostonдаги исmlар, жой номлари ҳақида иш олиб бораётган бўлсалар, тарихчи археолог олимларимиз жой номлари билан шуғуллибди, изланишлар олиб бормоқдалар.

- *Қудрат ака, Президентимиз Туркия, Қозғистон, Қирғизистон Республикалари билан «Абадий дўстлик» шартномасини имзолаган эдилар. Шу шартнома ва унинг бузунги кунимиздаги ўрни ҳақида сўзлашасак...*

- Бу шартнома қимматли аҳамиятга молик бўлган шартномалардан биридир. Адабий илмий соҳалардаги алоқаларимизни ўрнатишда олимларимиз ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар. Талқичотчиларимиз, олимларимиз ва талабаларимизнинг қардош юртларда бўлиб малака ошираётганликлари, ўқётганликлари, у ёқларда эса қардошларимиз бизнинг юртимиз учун илмий, амалий ва бошқа турли соҳаларда изланишлар олиб бораётганлиги тузилган бу шартноманинг ҳосилаларидир. Туркия бизнинг мустақиллигимизни биринчи бўлиб қутқалган, бизнинг озоқ юртимиз билан кўп соҳаларда ҳамжиҳатликда иш олиб бораётган бўлса, ўтган йили

Қирғизистонда кенг нишонланган «Манас» эпосининг минг йиллигига бағишланган байрам тантаналарида бизнинг ёзувчи ва олимларимиз ҳам дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини жипслаштириб иштирок этишди. Туркменистон билан ҳам худди шундай кўшничилик алоқаларимиз мавжуд. Биргина бизнинг университетимизда биз билан бирга туркман миллатига мансуб жуда кўплаб талаба ва ўқитувчи олимлар фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун Марказий Осиёдаги, қолверса, жаҳоннинг жуда кўплаб мамлакатлари билан тузилган шартномаларимиз бугунги кунда ҳам, эртанги кунда ҳам қутилган самараларни беради дея ишонч билан айтиш мумкин.

Яқинда университетимизда шундай дўстлик анжуманларидан бири бўлиб ўтди. Унда йирик адабиётшунос олимларимиздан – ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг директори, профессор Т.Мирзаев, XX аср ўзбек адабиёти бўлимининг бошлиғи, профессор Наим Каримов ва фольклоршунослик бўлимининг бошлиғи Б.Саримсоқов каби олимларимиз ҳамда сурхондарёлик таниқли бахшиларимиз иштирок этишди.

Ўзбек дostonчилиги мактаби ҳали очилмаган кўриқ мисоли бағрида қанчадан-қанча ноёб, ҳали ҳеч ким ўқиб-ўрганмаган хазиналарини берктириб ётибди. Тўғри, Х.Зарифов, М.Саидов, Б.Каримов, М.Афзалов, В.М.Жирмунский, М.Алавия, Б.Саримсоқов, Т.Мирзаев сингари олимларимизнинг бу соҳадаги таҳсинларга лойиқ илмий изланишларини сўзламай бўлмайди. Бироқ бу изланишлар ва яратилган асарлар мафкуравий тузум соясси остида унинг кўрсатмалари билан яратилган, дostonларимизга бир ёқлама баҳо берилган. Эндиликда биз мустақил бўлдик. Мустақиллик бизга ўзлигимизни, унутган қадриятларимизни қайтиб берди. Алоқаларимиз олимлар - юртининг суянчи, деган эканлар. Зеро, шундай экан, изланувчан олимларимиз олдида эгалланмаган юксак доволар турибди.

Сўхбатдош:
Нодира СОАТОВА.



МУС ИҚИЙ ОХ АН ГЛА Р

Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номли Давлат мукофотининг совриндори, профессор Сайфи Жалил замонавий ўзбек мусиқаси ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган композиторлардан биридир. У 10 та мусиқали драма ва комедия, 4 та опера учун мусиқа ёзди, 2 та торли кватрет, 2 та фортепиано учун туркум асарлар яратди. Бир неча фильмлар учун «Тошкент манзаралари» симфоник сюитаси, талайгина қўшиқ ва камерчолғу асарлари миллий мусиқа олтин захирасидан ўрин олган.

Сайфи Жалил Ўзбекистон композиторлари орасида виолончель ва оркестр учун концерт, хор учун акапелла жанрларига илк бор мурожаат қилган ижодкордир. Ўзбек композиторлари орасида биринчи бўлиб, тажриба сифатида орган учун асар ёзди, бу композиторнинг ижодий имконияти кенглигидан ҳамда мусиқада янгилик излашга интилишидан дарак беради.

Сайфи Жалил буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг 660 йиллигига атаб фортепиано учун яратган саккиз миниатюраси радио, телевидение орқали мунтазам янграмоқда. Композитор ўзининг бу асарига умумлаштирувчи ягона ном бермаган, чунки бу пьесаларда Шарқ эртаклари, афсоналари, достонлари образлари билан алоқадорлик сезилиб туради. Бу «Темур дарвозаси», «Юлдузли осмон», «Ой шуъласи», «Карвон», «Фикр» ва бошқа пьесаларида яққол сезилади.

Биринчи миниатюра «Темур дарвозаси» деб аталади. Бу пьесанинг ёрқин, байрамона колоритига ижодкор томонидан ўзига хос мусиқий услуб берилган. Пьесанинг Темур дарвозаларини мустаҳкамлигини ифодаловчи қисмлари ҳаёт ва мамот, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги ўйларни ифодалайди.

«Юлдузли осмон» деб аталган иккинчи пьеса асар образлари ҳақида маълумот беради. Олисдаги сайёра ва юлдузларнинг хаёлий рақсида, инсон бир зарраси бўлган коинотнинг поёнсизлиги унинг ўзга олами ёрқин сезилади.

Туркумнинг «Қўшиқ» деб номланган учинчи пьесаси маълум даражадаги эмоционал ҳордиқ вазифасини ўтайди. Гуё муаллиф узоқ ўтмиш билан сирли суҳбатлашаётгандек, дардлашаётгандек

таассурот қолдиради, тингловчини ҳаяжонлантиради.

«Ой шуъласи» деб аталувчи тўртинчи миниатюра «Юлдузли осмон» пьесаси билан ҳамоҳанг. Бу табиий, чунки бу икки пьеса мазмунида ягона образ, тун табиати, тун дунёси унинг ўзлиги ифодаланади. Бу миниатюраларнинг тузилиши ҳам ўхшашдир: қатор динамик тўлқинлар ҳаракати ўз кульминациясига интилади ва аста-секин мутлақ янги образ - одамларнинг мавжудлиги ва инсон ҳис-туйғуси ифодаланган табиатдай гавдаланади. Бу миниатюраларда импрессионистик образлар таъсири, товуш таъсирлари кузатилади. Сўнги аккордлар худди сукутнинг оқаётган томчиларига ёки ой шуъласининг жилвасига ўхшаб кетади.

Бешинчи миниатюра - «Само» аслида ички микроциклнинг учинчи қисмидир («Юлдузли осмон» - «Ой шуъласи» - «Само»). «Само» микроциклнинг шиддатли авжи, энг юқори нуқтасидир.

Фалсафий пландаги еттинчи пьеса «Фикр» деб аталади. Пьесанинг тематикаси лирик куйчан характерда, товуш жамламаларининг бир меъёрдаги ҳаракати осийшталик туйғуларини эслатади. Тингловчи тасаввурида бепоён коинот ва узоқ юлдузлар сиридан воқиф шарқ донишмандининг образи намоён бўлади. Сўнги миниатюра «Токатта» туркумда алоҳида ўрин тутади. Ўз мазмуни ва образлилиги билан у олдинги пьесалардан фарқ қилади, чунки у поэтик манбалар билан боғланмаган.

Сайфи Жалилнинг миниатюралар туркуми ижрочилар олдига образлилик муаммолари, жанр генезиси, фортепиано техникаси каби масалаларни қўяди

Ўзбек халқ чолғулари ижрочилик усулларининг симфоник оркестр чолғулари орқали ифодаланиши фақат пьесаларни безабгина қолмай, балки оркестр чолғулари ифода дунёсини ҳам бойитади.

Сайфи Жалилнинг фортепиано учун саккиз миниатюра янги туркуми замондошларимизга ўтмишнинг чуқурроқ тушуниш, муҳаббат, яхшилик, табиатдан завқланиш сингари туйғуларнинг боқийлигини яна бир бор эслатади.

Э.МИРҚОСИМОВА.

Аллаё, алла!



Халқимиз амал қилиб келаётган урф-одатлар илдизи жуда қадим замонларга бориб тақалгани учун ҳам у халқ оғзаки ижодида ўз ифодасини топган. Аллома бобокалонларимиздан бири Маҳмуд Қошғарий араблар боққинидан кейинги даврлар мобайнида маҳаллий халқ тили, маданияти ва урф-одатларига менсимай қаралаётган вақтда ўзининг «Девону луғотит-турк» асарини тақдим этди. Халқ оғзаки ижоди намуналарининг арабча шарҳи берилган мазкур асар нафақат ўша даврнинг, балки бугунги куннинг ҳам ноёб дурдонаси саналади. Негаки, девонда араблар боққинидан ҳам эсонмон ўта олган мавсум ва маросим қўшиқларининг ўлмас намуналари сараланган эди. Бу эса ўз навбатида туркий халқлар маданиятининг нечоғли бой, қадимий ва ҳамisha навқиронлигидан далолат бериб турибди.

Мазкур қўшиқлар халқнинг турмуш тарзи билан боғлиқ маросимларни ўз ичига олганлиги ва олам ҳақидаги тушунчаларини ифода этиб келганлиги учун ҳам асрлар синовидадан ўта билди. Бугунги кунда ҳам халқ ижодиётининг мавсум ва маросим қўшиқлари ўз жозибаси ва ранг-

баранглиги билан дилларни ўзигаром эта олади. Халқ ва миллатнинг келажаги бўлган болаларни тарбиялашга бағишланган алла туркум қўшиқларида эса ажлодлар анъаналарини давом эттириш баробарида, уларда эртанги кунга ишонч руҳи сингдирилганлиги мустақиллик йўлидан дадил одимлаётган авлод учун сир эмас. Шу ўринда гўдак беландиган бешикнинг айрим русумлари ҳақида икки огиз сўз. Бешикнинг кўкрак ва оёқ томонларида боғич бўлиб, унинг ёрдамида боланинг кўл ва оёқлари боғлаб қўйилади. Икки оёғи орасига қўйиладиган суманинг бир учи тувакка тушиб тургани боис бола қуруқ жойда озода ётади. Бош томонига кўзунчоқ, қалампирмунчоқ ва тумор боғланади. Ёстиги остига эса муъжазгина Куръон ёхуд пичоқ қўйилади. Кексаларнинг айтишларича, буларнинг барчаси болани инс-жинслардан асраб, унинг тинч ухлашига, ёмон назардан асрашга ёрдам беради. Бундан ташқари болани бешикка беамасдан аввал исириқ тутатилади. Шундан сўнггина бола бешикка беланади (Чуст тумани аҳолисидан йиғилган манбалар). Айтишларича, бўйи етган қизларга онаси, бувиси ё амма-хо-

лалари алла айтишни, бола белашни атрофлича ўргатишар экан. Бу ўз навбатида бўлажак онани турмушга тайёрлаш мактабини ўтаган ва кези келганда келинчақлар боласини ухлатиш учун бегоналар олдида ҳам оҳиста аллалашдан ийманмаган.

Энди, бешикка беланган боланинг қорни тўйгазилгач, она ўз алласини бошлайди:

Алла, болам, ётарсиз,

Ястуғларга ботарсиз,

Бу ястуғни кўтарсам,

Гулдан тоза ётарсиз,

Аллаё, алла.

Ёки

Қўзи боққан қўй этсин,

Топганига тўй этсин,

Тўй-тўйларга улансин,

Давлат бошингга ўрнашин.

Аллаё, алла.

Беихтиёр кўз ўнгингизда боласини бешикка белаб ширин туйғулар оғушида алла айтаётган она гавдаланнади. У алласида кўнглидаги орзумидларини ифода этиб, ўзи эриша олмаган нарсалар боласига насиб этишига ишонади. Бахт нишонаси бўлиб дунёга келган сеvimли гўдаги вояга етган чоғда «тўй-тўйга уланиб» бошига давлат ўрнашинини тасаввур қилади ва қалбида кела-

жакка нисбатан умидворлик ҳисси пайдо бўлади. Дарҳақиқат, онага боласининг тўйини, бахтли-тахтли бўлишини кўришдан ҳам улкан бахт бўлмас керак.

Оналар алласи жамият ва давр билан ҳамнафас бўлиши баробарида уларнинг ҳаёт ва турмуш тарзи билан йўғрилиб кетади. Шу боис оналар баъзан ўз қайғу-аламларини ҳам алла орқали ифодалашга ҳамда шу йўсин ижтимоий ҳаёт тарзидан қониқиб ҳосил қилмаганликларини ифодалаганлар десак муболаға бўлмас. Албатта, бундай аллалар бугуннинг эмас, балки асримиз бошларида яшаб бола парваришлаган оналарга тегишли эканлигини назардан соқит қилмаслик даркор:

*Ота меҳрига тўймаган,
Ўлгузинам, аллаё алла,
Ҳолим хароб, бағрим кабоб,
Уха болам, аллаё алла.
Кўнамиздан оққан анҳор,
Ҳовлимиздан оқмас бўлдиё,
Барчага бир қулган баҳор,
Кўнглимга ўт ёқмас бўлдиё...*

Бу ёруғ олам ташвишлари уни ўз домига тортиб бораётганлиги ва дунёга келган қадалоқ отасини кўришга улгурган ё улгурмаганлиги туфайли нола чекаётган она нафаси сезилиб турибди. Ҳаёт тарзи оғирлашиб бораётгани етмагандай, ҳатто кўчадан оқаётган сув ҳам бу хонадонни четлаб ўтади. Қалбларга қувонч бахш этувчи баҳор бева қалбдаги чўғни оловланишига туртки бўла олмас не тонг. Шундай оғир дамларда сабру қаноат топиб, боласини ухлатиш учун алла айтиш меҳрли аёлга, онагинага хос хислатдир.

Аллалар фақатгина давр билан эмас, балки оналар ички кечинмалари билан уйғунлашиб боргани учун бўлса керак, мурғак тасаввурда уйқуга мойиллик уйғотади.

Она сутига тўйган ва бешик тебранишига мос маромда ижро этилаётган алла ухлаётган гўдакнинг руҳий оламига ижобий таъсир этиб, уни тезроқ уйқуга кетишига кўмаклашади. Маълум оҳангда ижро этилган алла кўпчилик ҳолларда мурғак тасаввурнинг эрта уйғонишига, фан ва маданиятга бўлган иштиқнинг шаклланишига таъсир кўрсатса ажаб эмас. Шунинг баробарида боланинг нафис санъатга бўлган ҳис-туйғусини бирмунча эрта уйғотиб ва унинг фикру идрокига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Негаки, алла мана бир неча асрлардан буён оналарнинг орзу-ҳавасларини ифода этиб келаётганига ҳеч кимга сир эмас. Гўдакнингидея, энг олий

туйғулар билан тарбия топган бола халқ ва жамиятимизнинг ишончли таянчи бўлиб етишиши табиий ҳолдир. Алла орқали мурғак мавжудот турфа олам жозибаси билан танишиб дунё воқеликларини теранроқ англай бошлайди:

*Қўли арслон билаклигим,
Ботир, қоплон юраклигим,
Яхши-ёмон кунимда,
Менга жуда кераклигим.*

Кўриниб турибдики, она ўз боласини «арслон билакли», «қоплон юракли» бўлиб улғайганида ўзига, яъни ватан ва халқига керакли инсон бўлиб етишишига катта умид билан қараяпти. Аллалар инсоният жамиятда ўз ўрнини топишга интилган даврлардан буён оналар томонидан айтилиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маънавий озуқа бўлса ажаб эмас. Уни ҳар бир авлод ўз даври турмуш даражасига мос равишда ижро этиб келган.

Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» китобида шундай ёзади: «Боланинг миқозини кучайтирмақ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бирини - болани секун-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа билан аллалашди. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади» (Тиб қонунлари. 1-китоб, 293-бет).

Халқимизда боланинг тарбиясига ёшлигиданоқ алоҳида эътибор берилгани боис етук аждоларимиз дунё тараққиётига самарали ҳисса қўшгани ҳақиқатдир. Бола, албатта, илк тарбияни оилада онанан сўт ва меҳр орқали олади, дунёни англаётган гўдакнинг хотирасига алла мангуга муҳрланиб қолиши табиийдир. Шу боис она унда ўз орзу-умидларини ифода этади.

Толиқишдан инжиқлиги тугган бола бешик маромига мос оҳангда айтилаётган она алласидан тин олиб уйқуга кетади. Уйқудан уйғонган болада аввалги инжиқликлари йўқолиб яна барчага бирдай элакиша бошлайди.

Халқимизда анъанага айланган алла боланинг бешикка беланишидан то 5-7 ёшигача айтиб келинган. Бола етишидан олдин айтилган алла ҳар гал уни узоқ орзулар мамлакатига етаклаб, эртанги порлоқ кунига умид уйғотган.

Абдуғаффор УМАРОВ.

ШАҲРИМИЗНИНГ ҚУЛОЧИ

Қулоч отади шаҳар,
Қулочлари кенг.
Унинг азми, билмадим,
Нималарга тенг!
Кечмишини боқади,
Ўз қўли билан.
Ўсади, кенгайди
Туз йўли билан!
Харобалар устидан
Қўяди қадам,
Чунки, бойқуш бўлишдан
Қутилди одам!
У одам — шаҳримизнинг
Янги соҳиби.
Шаҳарлар яратишда
Зўр устоз каби.
Бузади, аямайди
Яратмоқ учун.
Жаннатга айланажак
Шаҳримиз бир кун!
Хаёлдаги жаннатлар
Чангга айланди.
Мияга жаннат каби
Шаҳар жойланди!
Қулоч от, улкан шаҳар,
Қулочинг ёй!
Ишласин ҳавозалар
Йил — ўн икки ой!...

ЧЎЛПОН. 3 ноябрь.

Гулистон, 1935, №12. 13 саҳифа.

Оққа кўчирувчи
Раҳимжон ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Рассом ва замон

МАҲОРАТЛИ

МУСАВВИР



Шомаҳмуд Муҳаммаджонов.



Бозор.

Мажлис.



Бухоро мавзолейи.



Шомахмуд Муҳаммаджонов бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий миниатюра рангтавсир санъатининг энг кўзга кўринган намоёндаларидан биридир. Бу санъат тури бундан бир неча ўн йиллар муқаддам Чингиз Аҳмаров, Тельман Муҳамедов каби улкан мусаввирлар ҳамда фидойи ёш ижодкорларнинг савий-харакатлари билан қайта туйилганди.

Ўзига хос ёрқин ижодий услубга эга бўлган Ш.Муҳаммаджонов узок даврлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб келган Ўрта Осиё миниатюра санъатининг барча услубларини пухта эгаллаган. Шарк миниатюра мактабининг билимдон бўлган мусаввир бу қадимий санъат тури асосларини ўрганиб, унга янги ҳаёт бахш этишга, янги образлар ва бадиий ғоялар билан бойитишга муваффақ бўлди.

Хали 18 ёшидаёқ, 1972 йили Прагада бўлиб ўтган энг расомлар кўرғазмасига тақдим этган миниатюра асарлари учун биринчи даражали Халқаро диплом билан тақдирланди. Кейинроқ эса бадиий ижода эришган юксак муваффақиятлари учун Хамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ш.Муҳаммаджонов Бельвон номидаги республика бадиий билим юртида дастлабки профессионал санъат олиб, ўқишни тугатгандан сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида қадимий кўлэмалар бўйича расом-таъмирловчи бўлиб ишлади. 1981 йилдан республика халқ усталари «Усто» бирлашмасида иш бошлади. Бу ерда локли миниатюралар техникасини ўрганиди. Палех технологияси бўйича ишланган кутучаларни беэди. Шу билан бирга, қадимий Шарк миниатюралари устида фаол шуғулланди. Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида миниатюралар репродукцияларини ҳамда қадим кўлэмаларни чуқур ўрганиди.

Ўз асарлари билан Югославия (Скопле) ва Испания (Мадрид ва Кордова) каби мамлакатларда ўтказилган кўрғазмаларда қатнашган Ш.Муҳаммаджонов анча машхур бўлиб қолди. Унинг асарларини Нью-Йоркда «Метрополитен» музейи сотиб олди.

Катта маҳорати, ишга жиддий муносабати, ўз соҳасининг туб асосларини чуқур эгаллагани билан ажралиб турувчи уста қадимий Шарк миниатюраларининг техник воситаларини ҳам эгаллашни, ўша қадим

таларнинг хом ашё тайёрлаш усулларида ишлашни ўз олдига мақсад қилиб кўйди.

Қадимий технологияни ўрганишда эса озарбойжонлик олим О.Козиевнинг «Ўрта аср кўлэмаларининг бадиий-техник материаллари» номи китоби ниҳоятда қўл келди.

Шубҳасиз, Ш.Муҳаммаджонов ўз ижодига мумтоз Шарк миниатюрасининг услубий йўналишларига жиддий риоя қилади. Бироқ бошқа бир миниатюра устаси Т.Муҳамедов каби ўз миниатюраларини фақат ўзигагина хос бўлган ҳаётий образлар билан бойитади.

Устанинг миниатюра ва қутичалардаги беэаклари ёрқин ва исик колоритдаги ранглари билан ажралиб туради. У кўп қиёфали композициялари қахрамонларини фаол ҳаракатда тасвирлайди. Гротеск усули ва бўрттириш кўпроқ устанинг эркак персонажларида учрайди. Шарқона гўзаллика чўмилган, чуқур лиризм билан сўғорилган аёллар образлари эса ниҳоятда назокатли бўлиб, гўзалликнинг тимсоли сифатида таассурот қолдиради.

1983 йили мусаввир XII асрдаги машхур шоир Махмуд Косғарийнинг «Девону луғотит-турк» номи иккита асарлар тўпламини темпера техникасидаги миниатюралар билан беэди. Бу миниатюралар композициялари мураккаблиги, кўп қиёфалилиги, ғоят ранг-баранглиги билан диққатни тортади. Улардаги тижалар ниҳоятда жонли бўлиб, ҳеч қаердан кўчирилмаган, соф муаллифлик ишларидир. Ш.Муҳаммаджонов хинд масаллари тўплами «Қалила ва Димна» китобига ҳам туркум миниатюралар ишлаган. Улар бой фантазияси билан эътиборга молик.

Ш.Муҳаммаджоновнинг дастлабки ишларида борлиқни хис этиш ва тасвирлашда бироз соддалик сезилади. Бу эса унинг ижодий услубини «содда санъат», яъни примитив расомлар ижодига яқинлаштириб қўйганди. Кейинроқ унинг миниатюраларидаги бу соддалик йўқолиб, композициялари эркин, кескин бўлиб борди, кўпқиёфалилик асосий ўрин эгаллади, кўп образлилик касб эта бошлади. Штутгартдаги кўрғазмада намойиш этилган асарларида уста мукамалликка жиддий интилаётгани яққол кўзга ташланди. Линден музейидаги кўрғазмасига қўйилган асарларнинг энг яхшилари Муҳаммаджонов Шарк мумтоз миниатюраси-

нинг чўққисига яқинлашганидан далолат беради. Бу асарларда устанинг нафақат Ўрта Осиё миниатюрасининг турли мактаблари услубини мукамал эгаллаганини намойиш этди, балки ўзининг шахсий идеалини ва Шарк миниатюраси мумтоз мавзулари ҳамда сюжетини ўзича талқин этишини кўрсатди.

1994 йили уста Германиянинг «SL» фирмаси буюртмаси билан Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мейморий комплекси учун кўпқиёфали композиция яратди. «SL» фирмаси ушбу комплексини қайта тиклаш лойиҳаси билан Халқаро конкурсда ғолиб чиқди. Миниатюра Имом Бухорий комплексида ўқув-таълим жараёнини акс эттирган.

1995 йили мусаввир Эронда бўлиб, музейларни ўрганади. Оятулла Марши номидаги кутубхонада ва Ризом Аббосий музейида ишлади. У асосан кўлэма китобларни, уларнинг муқоваланиши, беэатлини ва харфларини ҳамда улардаги миниатюраларни жиддий ўрганиди. Эронда у Ўрта Осиё миниатюраларининг асарларини излади. Оятулла Марши номидаги кутубхонанинг таъмирлаш устахонасида қадимий китобларни таъмирлаш жараёнини ўрганиди, шу билан бирга ўз тажрибалари билан алмашди. Ш.Муҳаммаджонов Эронда миниатюра санъати бўйича ўқувчилар билан амалий машғулотлар олиб борди ва бунинг учун махсус сертификат билан тақдирланди.

Шомахмуд Муҳаммаджонов миниатюраларнинг бетакрор устасигина бўлиб қолмай, Ўрта Осиё хусниҳатининг ҳам билимдонидир. У араб алифбосида хусниҳатини янги намуналарини яратмоқда. Бу уста ижодиди ўрганишда шарқшунос Абдуmajид Мадримовнинг алоҳида ҳиссаси бор.

Истеъдодли мусаввир бугунги кунда кўп ва хўп ишламоқда. Шубҳасиз, у хали кўплаб бебаҳо асарлари билан ўзбек тасвирий санъати равнақига муносиб улуш қўшади ва халқаро миқёсда катта маъке қозонади.

Рафиа. ТОҚТОШ,
санъатшунослик доктори,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган
санъат арбоби, профессор.

Санъат гўзаллик ва нафосат ҳосиласидир. Ҳаётнинг бир парчасини мафтункор, сеҳрли олам бўлмиш санъат орқали томошабинга етказиб бериш ижрочидан катта маҳорат ва истеъдод талаб этади. Бунинг учун эса санъаткорлар тинимсиз машқлар ўтказиб, ўзидан олдинги санъаткор талқинини ўрганиб, изланиш олиб бориши лозим. Шундагина томошабинга манзур бўладиган ижод маҳсулини яратиши мумкин. Бу борада Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Марказ томонидан ташкил этилаётган турли тадбирларда юзлаб талантлар халқ ҳукмига ҳавола этилмоқда. Халқ ижодиёти борасида ўтказилаётган кўрик-танловлар, фестиваллар, «Барҳаёт сиймолар», «Алла ва бешик удумлари кўрик-танлови», «Бахши шоирлар беллашуви», «Бодом гули» кўрик-танлови ва кўплаб давра суҳбатлари, семинар-кенгашлар мамлакатимиз халқ ижодиётини ривожлантириш, истиқдодга юз туган Ватанимиз санъатини янада ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Санъат шинавандалари янги-

НАФОСАТ

дан-янги овозлар, янгича ижро талқинларига эга бўлган истеъодларни кашф этиш билан бирга отабоболаримиздан мерос қолган санъатни ўзига хос талқинда, янгича эҳтирос ва мафтункорлик билан сахнада жонлантирмоқдалар. Уларда акс эттирилган ҳаёт ҳақиқати, қалб тугёнлари билан бугунги томошабинни огоҳ этмоқдалар. Яқиндагина пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ҳаваскорлик ижодий жамоалари рақс ўргатувчиларининг республика семинар-кенгаши» ўзининг ижобий натижаларини берди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган рақс ўргатувчилар санъатимизнинг ёрқин юлдузлари билан учрашдилар, улар билан мулоқотда бўлдилар, бу нафосат оламининг сир-

асорлари ҳақида ўртоқлашдилар, ўзларининг ижод йўллари, сахнага олиб чиқилаётган дастурлар, мухлисларга ҳавола этилаётган рақсларнинг савияси ҳақида мулоҳаза юритдилар. Бир ҳафта давом этган семинар-кенгашда кўплаб қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар бўлиб ўтдиким, семинар-қатнашчилари ташкилий қўмитадан миннатдор тарафда, ўзларининг ижодий йўналишлари, томошабинларга тақдим этилаётган рақсларни янада мукамаллаштириш, мухлисларга бундан-да гўзал ва мафтункор, ҳаёт нафаси уфуриб турган рақслар ҳада этиш лозимлигини таъкидлаб, кенгашдан илҳомланиб кетаётганликларини айтдилар.

Кенгашда айна давра санъатга



ИЖОДКОРЛАРИ

янада кўпроқ эътибор берилиб, турлича, янгидан-янги байрамлар ўтказилаётганлиги, халқимизнинг азалий орзулари рўбга чиққанлиги, мана шу байрамлар руҳиятига мос, уларнинг тарихи, бугунги кунга акс эттирилган рақслар туғилаётганлиги ва бу рақслардаги ютуқ ҳамда камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Байрамларга жозоба бағишлаётган рақслар талқини, дастурларни тайёрлаш, уларни саҳнага олиб чиқишда айтилмоқчи бўлган мазмунга, ижродаги фикрларни умумлаштиришга берилаётган аҳамият, ҳиромларда жам бўлган маъноларни томошабинларга янада аниқроқ қилиш лозимлиги, халқимизнинг миллий рақслари, уларнинг ҳудудларга хослиги, анъаналарга содиқ қолган ҳолда янгича рақсларни саҳнага олиб чиқиш масалаларига алоҳида ургу берилди. Айниқса, пойтахтимиз ҳамда вилоят марказларида ўтказилаётган катта тантаналардаги ҳаваскорлик жамоалари томонидан тақдим этилаётган рақсларда акс эттирилган миллийлик, ота-боболаримиздан мерос қолган қадим санъатга янада сайқал берилиши, ўз жозибаси билан мухлислар эътиборини қозонаётди. Андижон, Фарғона, Наманган вилоят бадий ҳаваскорлари томонидан ижро этилган «Олтин водий» сюитасидаги бугунги дориламон кунлар шукуҳи рақс шинавандаларига бир олам завқ улашди. Сурхондарё, Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикаси ҳаваскорлари талқинидаги рақсларда ҳам ўзига хос жозоба, худудий-миллий мафтункорлик байрамларимизга ҳақиқий тантанаворлик бахш этмоқда. Рақсларнинг жозибаси билан эл орасида кўтаринкилик, байрам шукуҳи яққол кўзга ташланади.

Рақс санъати ижодкордан катта машаққат талаб этади. Жозибали ва томошабинлар қалбига кириб бораётган рақслар ортда катта меҳнат ётди. Рақоса ва рақослар ўзларининг ҳаракатлари билан саҳнага гўзаллик олиб чиқар эканлар, минг бора такрорланган ҳаракатлар замирида ўша сиз ва бизни ҳаяжонга сол-

ган рақс пайдо бўлади. Мана шундай изланишлар асосида туғилган рақсгина мухлисларга бир олам завқ улашиши турган гап.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Тошкент Давлат маданият олийтоҳи, Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида бўлишиб ёш истеъод соҳибларининг изланишлари, устозлар томонидан олиб борилаётган машгулотлар, машқлар хусусида суҳбатлашдилар, дарс жараёни билан яқиндан танишдилар. Мазкур билим юртидаги учрашувлар ҳақиқий рақс байрамига айланиб кетди. Япониядан ташриф буюрган санъатшунослар ўзбек миллий рақслари ҳақида илиқ фикрлар билдириб раққосалар ва раққосларнинг таржимонсиз ҳам яққол акс эттира олган гўзал ва жозибали ҳаракатларидан завқ олганликларини таъкидлаб ўтдилар. Япониялик мутахассислар ўзбек рақсининг жилвалор, сермазмун, серкирра, мафтункор ҳиромларда ҳақиқий санъат гўзаллигини намоеън эта олишини, нафосат кашф этиб, томошабинга бир олам завқ улашини алоҳида баҳоладилар.

Семинар-кенгашда рақс юлдузларидан Кундуз Миркаримова, Розия Каримова, Маъмура Эргашевалар бугунги кун рақс санъати, уни янада ривожлантириш, рақсларни саҳнага олиб чиқишда нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида қизгин, мунозарали баҳсга киришдилар. Иштирокчилар рақс талқинотчиси Нурхон Зулдунова билан бўлиб ўтган суҳбатда эса қадим рақслар, улардаги ҳаракатлар талқини, бугунги кун рақсларининг жозибаси ҳақида сўз юритдилар. Юлдуз Исмаатовнинг рақс спектакллари, уларни саҳнага олиб чиқиши, рақсларда акс эттирилган воқелиklar мавзусидаги суҳбати ҳам барчага манзур бўлди. Эркаклар рақси хусусида Қодир Мўминов, Назриддин Шерматов, Азимжон Азизовлар олиб борган мулоқотда эса фарғонача рақслар, Хоразм рақсларида эркаклар ижро этган уйинлар хусусида сўз юритилди. Айниқса андижонча рақслар талқини, Хоразм рақс усул-

ларининг келиб чиқиши ижроси ҳақида алоҳида фикр юритилиб ҳатто, бу борда, амалий машгулотлар ҳам ўтказилди. Кенгаш иштирокчилари Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида бўлиб, у ерда олиб борилаётган машгулотлар билан яқиндан танишдилар. Истиқлол шарофати билан янгича талқиндоғ рақсларнинг саҳналарга олиб чиқиши хусусида давра суҳбатлари ўтказилди. Янада ривожланиб бораётган рақс санъатининг сир-асрорларини чуқурроқ ўрганиш, бу нафосат санъатини тўлақонли равишда мухлисларга етказиш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида ўртоқлашилди. Маданият институтидаги машгулотлар давомида рақс усталари вилоятлар ва ҳудудларда рақс ижросининг ўзига хослиги, шунингдек, бу рақсларнинг миллийлигига эътибор қаратган ҳолда янада жило бериш лозимлиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари бир hafta давомида рақс санъатини кўллаб намоёндалари билан учрашиб, уларнинг сермазмун суҳбатларидан баҳраманд бўлдилар. Республикаимизнинг бир қатор кўзга кўринган ашула ва рақс ансамбллари, шунингдек, «Баҳор» рақс ансамбли ижодий жамоасининг машгулотларида бўлдилар. Иштирокчилар мазкур ансамблдаги кийим танлаш, тақинчоқлар тайёрлаш ва уларни рақсларга мос равишда тақийш сирларидан воқиф бўлиши. Ўзбек миллий санъатини дунёга ёйган Мукарма Турғунбоева, Тамарахошим уймузейларида бўлиб, бу улкан санъаткорларнинг тарихий йўли ҳақидаги суҳбатлар чоғида рақс санъатининг нечоғли қадим ва навқирон санъат эканлигини қалбдан ҳис қилишди, томошабинларга нафосат улашиб эл ардоғида бўлган раққосаларнинг мазмунан бой ҳаёти билан яқиндан танишишди. Санъатшунослар билан бўлган учрашувлар ҳам бахсларга бой ўтди. Бир hafta мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган меҳмонлар ҳар кунги учрашув чоғида ўзларини бир янгиллик билан бойитиб, санъатнинг сирли оламидаги асрорларни топа олдилар. Анжуман иштирокчилари бундай семинар-кенгашларни анъанага айлантириш лозимлигини таъкидлаб, бундан кейин ҳам ана шундай сермахсул учрашувлар уюштириши келишиб олдилар.

ЎВУЗЛИКНИНГ ИЛДИЗИ БОРМИ?

XXаср адабиётининг атоқли номанбаси Чингиз Айтматов Шўро ҳокимияти йилларида яратган «Асри қаратган кун» («Бўронли бекат») романида ижтимоий муоамалага «МАНҚУРТ» иборасини олиб кирган эди. Кейинчалик бу атама барча тилларда ҳам ўзгартирилмасдан қўлланадиган бўлди... Яқинда буюк ўзувчимиз Чингиз Айтматов таниқли қозоқ шоири Мухтор Шохонов билан ҳамкорликда «Чўққиди қолган овчининг оҳи-зор» номи суҳбат-китобини эълон қилди. Ушбу китоб ўзбек тилида ҳам нашр этилиши арафасида.

Куйида Ч. Айтматов билан М. Шохоновнинг энчи китобидан олинган МАНҚУРТ ВА ЗОМБИ тўғрисидаги бўлимни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этаётимиз.

Шохонов. Инсоният тарихи мобайнида тирноқлаб тўплаган маънавий бойлик кундан-кунга қадрсизланиб бораётир. Шак-шубҳа йўқ, фақат Сиз билан мен бундай фикрда эмасмиз. Кўпчилик шундай деб ўйлайди. Шафқатсизлик ва бераҳмлик илдири отиб бораётир, яхшилик ва меҳр-шафқат ўзининг табиий бандаргоҳидан кундан-кун узоқлашиб кетаётир. Бу жараён қачон бошланди?

Бегона ўтлар юлиб ташланмаса, шולי кўкармайди, ҳосил бермайди. Ўз вақтида «ўтоқ» қилинмаса, инсон онгининг тилсимланган сирхоналарида сақланаётган ибтидоий инстинктлар ва санамага айлантрилаётган саздиэмга мойиллик кайфиятлари бартараф этилмаса, инсониятга қарши қаратилган жиноят даҳанаки хавф-хатардан росмана қондага айланиб қолса ажаб эмас.

Тужжорий телевидение экранлари, кино ва видеосалонлар «даҳшатли фильмлар»дан бўшамай қолди. Кечасию кундузи минг мақомда йўрғалайдиган зуравонлик, таҳқирлаш, қийноқ манзаралари мамнуният билан намойиш қилинади. Китоб дўконлари каллакесарлар, жаллодлар тўғрисидаги энгил-елпи, олди-қонди асарларга тўлиб-тошиб кетди. Буларнинг юксак бадиийлик тамойилларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин, суяк суриш касалига малҳам бўлиши мумкин. Боз устига, «ажал қуролари»нинг ҳар хил турлари шаҳар кўчаларида ошқора сотилмоқда.

Айтматов. Сен айтган гаплар - аччиқ ҳақиқат. Айни чоғда миллий ахлоқ-одоб, кўникма, стратегик идеалларга мутлақо ёт бўлган ва ҳар кун муваффақиятли равишда тарғиб қилинаётган «бозор маърифати», «янги турмуш тарзи», афсуски, одамлар онгига сингдириляпти. Шундай қунларга ҳам етиб келдик. Яна бундан бешбаттар бўлади. Бу ҳам аччиқ ҳақиқат. Масалан, мутахассислар ўтказган тажрибаларда исботланди-



ки, ҳатто кўғирчоқ курол-яроқни ўйнаб воғга етган болакайнинг руҳий олами жанжаллилик, жиизаклик, тажовузкорлик жиҳатлари билан аяққол ажралиб турар экан. Узимиз билиб-билмасдан болаларимизни ёшлик чоғидан зўравонликка иштиёқ руҳида тарбиялашмиз.

Айтмоқчи, совет адабиётининг мухим вазибалардан бири – ўсимир-ёшларни қахрамонлик, ватанпарварлик руҳида, социализмнинг ашаддий душманларига нисбатан мурасис ва шафқатсиз бўлиш руҳида тарбиялашдан иборат эди. Хўш, фарқ нимада? Аслини олганда, ҳеч қандай фарқ йўқ. Устига қандай қайла суртиб тортиқ қилинишидан қатъи назар, тарбия қотиллик асосида қурилган бўлса, охир оқибат ўзини ўзи ўлдирадиган Камикадзегга ёки Жеймс Бондга эга бўламыз.

Масалага атрофликка ёндошадиган бўлсак, мустабид тузум қаерда илдииз отган бўлишидан қатъи назар унинг моҳияти ўзгармайди. Кези келганда диққат-эътиборимизни битта муаммога қаратайлик: садизмни ҳаракатга келтирадиган сабаблар, омиллар қандай бўлади? У қаерда, нима учун пайдо бўлади? Жамиятнинг ахлоқий асосларига қай даражада таъсир кўрсатади? Қандай оқибатларни келтириб чиқаради?

«Садизм» деган иборанинг чин маъноси нима эканини айрим кишилар билмас керак. Хорижий сўзлар лугатига мурожаат этимиз. Француз ёзувчиси Маркиз де Сад (1740-1814) номи билан аталадиган ушбу атаманинг маъноси-жинсий бузуқлик, ёстиқдошига жисмоний азоб етказилган тақдирдагина тўла-тўқис хузуур қилинади, шунингдек, ҳаддан ташқари шафқатсизлик, бошқаларнинг азобланишидан хузуурланш демак.

Юқорида айтилган гапларга кўшимча сифатида қайд этмоқ лозимки, олимлар садизмни бир неча турга ажратадилар: наслий касаллик билан боғлиқ бўлган садизм; руҳий касаллик сифатида рўй берадиган садизм; наشاءндлик ва ичкилик-бозлик натижасида юзгага чиқадиган садизм ҳам бояги тоифага мансуб; ниҳоят, ихтимой турмушнинг кескин издан чиқиб кетиши натижасида рўй берадиган садизм.

Дастлабки икки гуруҳга алоқадор садизм сабабларини эътибордан соқит қилмаган ҳолда учинчи - ихтимой гуруҳ сабабларини кўздан кечиришимиз. Де Сад ўзини эътиқодли республикачи деб ҳисобларди. Хайрон бўляпсанми?

Шоҳонов. Ҳм-м! Нима десам экан...

Айтматов. Кайсидир бир китобда ўқиганим бор, Франция инқилоби тажрибаларидан Маркиз де Сад

гаройиб хулоса чиқаради.

Шоҳонов. Қизиқ. Қандай?

Айтматов. Мана бундай: инқилобий тузум шароитида инсониятга қарши қилинган бирон-бир жиноят қораланмаслиги лозим. Чунки, бундай шароитда жиноят одатий таомилга айланиб қолади.

Шоҳонов. Найранг бозликни қаран!

Айтматов. Асти кўяверасан. Уд-дабуронлик, устамонлик бобида унинг ақл-идрокига тан бермай иложинг йўқ.

Де Саднинг жанжалли фитналарга, ишқий мохароларнинг майда-чуйда тафсилотларига бой бўлган ҳаёти унинг романларига кўчиб ўтади ва манфур шафқатсизликнинг намунаси бўлиб хизмат қилади. Қизиги шундаки, ёвузлик илдиизи ва шахсий тубанлик сабабларни Маркиз ўз замонасининг иллатларидан ахтарди. У яшаган замон ҳалокатлар широи остида кечади. Чунки, француз аслзодаларининг куёши сунади, дворянлар ўзларининг азалий ҳокимиятидан, кудратидан махрум бўлдилар; инқирозга, парокандаликка, ахлоқий бузуқликка юз тутадилар. Аввалги имтиёзлардан фақат биттаси сақланиб қолади - мустабид ҳукмдорнинг мавқеини тиклаш учун кураш ҳуқуқини бой бермайдилар. Уша ҳукмдор эса: «Ҳар бир эркак тўшақда мустабид бўлади», деган тутум асосида кўнглига келган номаъқулчиликни қилади.

Шоҳонов. Маркиз де Сад гўшангада мустабиднинг ҳассасини учратиш қолади ундан унумли фойдаланади, сўнг хузуур-халоват билан азоб-уқубатнинг фарқига бормай қўяди. Исловатхонага таширф буюрган чоғи қўлига қамчи олиб, ёстиқдошини ўлар ҳолатга етгунча савалайди-да, кейин ўзини ўзи юмдалайди. «Узил-кесил ишонч ҳосил қилдимки, бутартиш чекисиз хузуур-халоват бағишлайди», деб ўз таассуротини такрор-такрор қайд этади.

Унинг «Жюстин» романида шафқатсизлик саҳнаси тасвирланган ёрқин бир парча бор: Жерқанд исмли қахрамон дастлаб ўз хотинини ярадор қилади, сўнг қонни кўриб жазаваси тутди, бундан ўзини йўқотар даражада завқ олади. Ҳар ҳафта унинг маълум бир куниди мана шу ҳолат такрорланаверади. Қоп-қора қонига Беланиб, аёл сулайиб қолганидан кейингина қахрамон хузуурбахш қилқиларини бас қилади. Аёлнинг Жерқандга садоқати, камсумулмиги таҳсинга сазовор. Чўри бўлиб келган хондонда у мисли қурилмаган азоб-уқубатларни бошидан кечиради. Зўрлаб унинг номусига тегадилар, хочга тортадилар, қамчи билан савалайдилар, итларга талатадилар,

бамайлихотир томирини кесиб, қоп-қора қонини оқизтадилар... Эркак унинг бўйинига сирқмоқ солиб, аста-секин бўға бошлайди; бу пайтда ўзи тўшақда бошқа бир фоҳиша билан дон олишиб ётади. Бўғилаётган аёлнинг ихраган товуши эркак жазавасини янада ошириб юборади. Аёл хушидан кетиб йиқилгандан кейингина сиртмоқ бўшатилади. Муаллиф бундай жирканч саҳналарни ниҳоятда кўтаринки руҳда, мароқ билан тасвирлайди.

Ёвузлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Эртами-кечми, барибир жавоб беришга тўғри келади. Уша Маркиз де Саднинг ҳаёти ҳам сарсон-саргардонликда кечади. Уни бир неча марта қамаганлар, таъбиб этганлар. Мамаклат бўйлаб роса тентираб юрган востос охир Италияга қочиб қутилади. Замондошлари у ҳақда: «1778 йил 7 сентябрь куни италийлар де Садни йиртқич ҳайвон сифатида темир панжарали қафасга қамаб, Венсенга элтиб ташладилар», деб ёзадилар.

Италида де Саднинг жинсий қолсали яна хуруж қилиб қолади. Шармандай шармисор бўлиб ватанига қайтиб боргач, ошқора ваҳшийликка чек қўяди ва янги пайдо бўлган ёзувчи сифатида ном қозонади. Табиат қўйиндан паноҳ топиб, сир-асорини қоғозга ишониб тўқади.

Айтматов. Шундай қилиб, Маркиз де Саднинг бедаво дарди, ахлоқсизлиги, шафқатсизлиги, қонхўрлиги, тийиқсизлиги унинг асарларида ўз аксини толади. Энг афсусланарли жойи шундаки, мана шундай алаҳсирашларни у мутлақо жирканмасдан, зўр гайрат-шижоат кўрсатиб тасвирлайди. Де Саднинг китобларида ёвузлик тараннум этилади. У ҳаёт пайтида фақат лаънатлар эшитди, холос. Ҳалими арафасида эса ўз устидан аёвсиз ҳукм чиқаради: «Ҳатто мазоримдан ҳам ном-нишон қолмайди. Ишончим қомилки, мен тўғримидаги ҳар қандай эсдалик ҳам одамлар хотирасидан ўчиб кетади», дейди у. Надоматлар бўлмайким, унинг асарлари ҳозирги кунларда қўлпалаб хорижий тилларга таржима қилинаётир ва миллионлаб нусаларда нашр этилапти. Бу боши берк кўча.

Шоҳонов. Де Сад асарларида тасвирланган маънавий қашшоқлик, ашаддий шафқатсизлик манзаралари фақат лаънатлашга лойиқ. Уз онасини зўрлаган муртад, қизини ўзига ўйнаш тутиб, сўнг унинг мурдасини овлоқ жойга элтиб ташлагунча ялаб-юлкаб борган востос ота ҳақидаги парчаларни ўқийининг ўзи ҳам азоб. Шундай бўлса-да, де Сад китобларини ўқийша муштоқ бўлган китобхонлар жуда кўп экан.

Айтматов. Айтайлик, Бериянинг жирканч, разил саргузаштлари тўғрисида ёзилган китоб пайдо бўлса, шунчаки қизиқиш юзасидан ўқиб кўрайми? Ростини айтсам, асло ўқимайман. Қизиқувчилар учун ҳозир шу тоифадаги асарлар китоб чайқовхоналарида босилиб ётибди. Бундай асарларнинг муаллифлари ким? Уларни ит ҳам билмайди. Лекин, бир нарса аниқки, улар «адабиёт» воситасида ҳаром бойлик тўпламоқчи бўлиб юрган кимсалардир. Афсуски, улар тўла-тўқис эркинликни қўлга киритишгач, содда ўқувчининг эҳтиёжини қондириш учун тубан нафисга эрк бериб юборишади. Ундай кимсалар учун ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ. Демократиянинг тескари натижаси шундай бўлади.

Шохонов. Яқинда «Дунё янгилклари» жридасида қуйидагича мазмундаги эълонга кўзим тушиб қолди: «Ешим ўттиз еттида. Баланд бўйли, келишган, истарам иссиқ. Калтакла-нишдан ҳузур қиладиган, жинсий мулоқот бошлашдан аввал тасма ёки қамчи ёрдамида жисмоний азов тортишни истайдиган аёл ёки қиз билан танишсам, хурсанд бўлардим... Урин алмашув имконияти ҳам истисно этлмайди». Шундан сўнг, бир аёл билан боғлиқ бўлган воқеа эсимга тушди. Унинг ғалати саъй-ҳаракатлари менинг болалик тасаввуримни остин-устин қилиб юборган эди.

Овулимизда ёқимтойгина аёл бўларди. Тинчгина уй юмушларини ба-жариб юрадиган ўша аёл бирдан жини кўзиб, жамоат жойларида хур-мача қилиқларини намойиш эта бошлади. Ҳеч қандай сабабсиз одамларнинг кўз ўнгига эрининг жигига тегадиган, уни қангитиб сўқадиган, доим жанжаллашадиган одат чиқарди. Ниҳоят, эрининг тоқати тоқ бўлади ва аёлнинг эсини киритиб қўйишга аҳд қилади. Дод-фарёдни эшитган қўшни хотинларнинг юраклари ачи-шиб: «Вой, бечора, соғ жойинг қолмабди-ку! Бемаза қилиқларингни ташласан бўлмайдами?» деб таскин беришади.

Ўша аёл шундай деб жавоб қайта-ради:

- Эрим калтаклаётган пайтда ел-каларим шунчақам мазза қиладики, вой, шунчақам яхшики, гўё онадан янги туғилгандай бўламан!

«Ие, бу қанақаси бўлди? - деб ҳайрон бўлардим ўшанда. - Ахир, одам калтак еяётган пайтида ҳам мазза қиладими?»

Кейин мен «мазохизм» деган иборани эшитдим. Тушундимки, бу инсон руҳиятининг мураккаб жумбоқларидан бири экан. Де Саднинг далил-дастаклари билан овулимиздаги аёл тарихи ўртасида қандайдир кўзга кўринмас боғлиқлик бор: аёл

эрининг калтакларини тилаб олади, калтаклар унга муолажа мисоли таъсир этади. Балки, бундай ҳолатни одатдаги қолипларга сифмайдиган махсус меъжоз деб баҳоламоқ керакдир?

Садизмнинг илдиэлари жуда чуқурликда жойлашган онгсиз қувватларга бориб туташади. Бу ҳодисани тадқиқ этиш борасида фарблик руҳиятшунослар маълум бир натижа-ларга эришдилар. Европа маданияти ҳозир ҳам жаҳаннам ёқасида тур-тиниб юрибди. У муфат келтирадиган ҳою ҳаваслардан, идеялардан кутилиб кетолмаэпти.

Бу муаммоларни енгиб ўтган Шарқ тажрибаси ҳар доим ҳам Фарб тушунчаларига мос келавермайди. Чўнки, Фарб борлиқнинг азалий ўзгармаслигини инкор этади. У кўзга кўриниб турган, ақл-идроққа асосланган борлиқни тан олади, холос. Аммо, Фарб азалий тарих ҳақиқатини ва уни ўрганиш услубларини кашф этиш арафасида турибди.

Айтматов. Ҳаётий шарт-шароитлар ва муҳит айрим ҳолларда инсон-ни шафқатсизлик кўчасига бошлаб киради деган фикрга мен ҳам тўла-тўқис қўшиламан. Ўзим ҳам ўшандай тўғруни бошимдан кечирганман. Й-жаҳон урушининг оғир даврида мен фарвоқа содир бўлди. Ўшанда ғазабим кўзиб, битта одамни ўлдириб қўйи-шамга сал қолганди. Орадан кўп йил-лар ўтгач, ўша ҳодисани қоғозга ту-ширдим.

Агар мен ўсмирлик пайтимда қо-қилиб тушганимда борми, кейин бир умр афсусланиб ўтардим. Ўша воқеани эсласам аъзои баданимдан тер чиқиб кетади.

Шохонов. Агар олимларнинг гап-ларига ишонадиган бўлсак, кейинги ўттиз минг йил ичида инсон мияси деярли сезиларли ўзгаришга учра-маган экан. Бу фараз шундоқ ҳам кўп нарсаларни айтиб турибди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мум-кин. Агар бировнинг бобокалони файласуф ёки ақилзода бўлган бўлса ва ё аксинча, қонхўр ёки қаллоб бўл-ган бўлса, еттинчи авлоддан кейин (балки, олдинроқ) ўша хусусиятлар яна кўзиб қоладими? Ҳўш, эзгу ният-ли сеҳргар яхшилари, ёвуз жодугар ёмонларни бир марта ўз қомига тор-са - бас, кейин инсон тушунчаси, табиати, меъжози, феъл-атвори, одатлари, йўл-йўриги, қондалари абадул-абад ўзгармайдами? Айтай-лик, сигирингизни ўғирлаб кетган кишилардан келажақда фақат ўғри-лар, жиноятчилар туғиладими?

Айтматов. Афтидан, улар ҳеч қачон Маркиз де Сад тўғрисида ҳам, садизм тўғрисида ҳам ўйламаган бўлса керак. Боз устига, хурофий романлар ёзишни асло ҳаёлига кел-

тирмаган. Бироқ, ишончим қомилки, у жиноят қилаётганини билиб тур-ган. Бу ҳол нимани аңглатади? Ин-сон қалбида яшайдиган ҳайвоний тўйгулар биздан олдин дунёга кел-ган. У кимнинг қалбидан, нима учун уйғонади? Ҳамма гап мана шунда.

Шохонов. Айтайлик, садистлар ёки тузалмайдиган жиноятчилар фош этилгач, биз уларни озодликдан махрум этиб, қамқоҳонага яшириб қўйганимиз билан муаммо ҳал бўлиб қоладими?

Мазаримда, бошқа бир йирик му-аммо - бу манкуртчилик. Сиз «Асрни қаритган кун» романингизда мана шу мавзунни кўтарган эдингиз.

Бу қадар кўп қатламли сюжет ҳаё-лингизда қачон пайдо бўлган? Шах-сий ва умуминсоний коинот чамба-рагини қандай қилиб манкуртчиликка келтириб боғладингиз?

Айтматов. Одамлар орасида, ёзуври ёзмай юрган пайтда ҳам ёза-верачи, деган гап бор. Шу гап ўзим-га ҳам ёқади. Оппоқ қоғозга кўзинг тушса - бас, дарров қўлингга қалам олиб мавзунни ёзиб қўясан. Ички тай-ёргарлик бўлмаса-да мавзунни қоғоз-га туширасан.

«Асрни қаритган кун» романимни ёзишдан аввал манкуртчилик мавзу-сини жуда синчловлик билан ўрган-дим. Болалигимизда бирор ишни но-тўғри баҳарсак ёки ноҳўш хатти-ҳа-ракат қилсак: «Нима бало, манкурт-мисан?!» деган танбехни кўп эши-тардик. Тўғри, қайси чегарадан сўнг инсон бевосита манкуртга айланиш-ни аниқ билмасдик. Лекин, ич-ичи-миздан ҳис этардикки, бу сўз жуда ёмон ҳақорат ҳисобланарди.

Бундан ўн аср муқаддам қуйлан-ган ва ўшандан буён ҳақрамонлик, ватанпарварлик қомуси бўлиб кела-ётган қирғизларнинг «Манас» эпоси-да илк бора манкуртчилик тўғрисида гувоҳлик берилган. Эпосда шундай парча бор: кичкинтой Манас асов кучга эга, жангари бўлади. Бундан ташвишга тушиб қолган маҳаллий ҳокимлар пинҳона тил бириктири-дилар. Яъни, келажақда Манас ҳалқ йўлбошчиси бўлмаслиги учун уни ёш-лигида манкуртга айлантириб қўй-моқчи бўладилар:

Болани асирга олайлик,
бошига хом терини ёпиштирайлик.
Сўнг, юртимизга элтиб қургурни
олти аймоқ қалмик бир бўлиб
бошлаб адабини берайлик!

Олтмишинчи йилларнинг ўрталари-да таниқли манасчи-оқин Саёқбой Қоралаевдан «манкурт» ва «шири» сўзларининг этимологик маъносини сўраган эдим.

Шохонов. Маълумки, «манкурт» атамаси қадимдан буён турк халқлари орасида юрди. Манкуртга айланти-риш орқали қанчадан-қанча сил-

асрорни яширишга уринмасинлар, лекин лаянатланган сўз бизнинг лугатимизда кўп асрлар давомига сақланиб келаётир. Сиз ўша замонлардан қолган чакана қийноқ усулига қалам урдингизу янгича талқин қилиб, бу мавзуни умуминсоний фалсафий муаммо даражасига кўтариб юбордингиз. Ҳозир «манкуртчилик» атмаси халқаро лугат жамғармасидан ўрин олади.

Сизга ҳам маълум бўлса керак, инсоннинг ақл-идрокига, унинг озодлигига қарши қаратилган яна бир жиноят «зомби» деб аталади. Нақл қилишларича, манкуртчиликдан унча фарқ қилмайдиган бу «илми аъмол», дастлаб Африкадаги қабилалар ўртасида тарқалган, ҳозир «Аср жинояти» сифатида ном қозониб улгурган. Афсонага ўхшайдиган ўша воқеаларга ишонадиган бўлсак, беихтиёр сочимиз тикка бўлиб кетади. Умуман олганда мақсад дярли бир хил - инсон итоатгўй кул-ижрочига айлантирилади. Фарқшундаки, ўлдириб-тирилтириш воситалари мутлақо махфий сақланган. Бу жумбоқнинг ечилиш тарихи ҳам бошқача бўлган.

Битта африкалик далада кетаётиб, ишлаётган одамлар орасида бундан 15 йил муқаддам ўлиб кетган оғасини таниб қолади. Кўзларига ишонмасдан арвоҳнинг ёнига яқин боради. Ҳақиқатан ҳам, бу одам оғаси экан. Фақат кўзлари маъносиз, ҳайвоний учкун сачраб турарди. Ўз укасини кўриб, ҳатто пинак бузмайди. Соқовга ўхшарди. Исмини эшитиб ҳам жавоб қайтармайди, бир нималар деб гўлдиран қўяди, холос. Бахтга қарши, ишга ҳалақат берилаётганини сезиб, омон учу билан укасини туртиб, яна тагин ерни шудор қилишга киришиб кетади. Дахшатга тушган укаси тез орада фаҳмлайдики, далада ишлаётган одамлар тирик мурдалар эди, холос. Бўлган воқеани уйдагиларга, кўни-кўшинларга айтиб берган йигит ўртоқлари билан қабристонга боради. Не кўз билан кўрсинки, қабр бўм-бўш эди.

Эринчоклик билан тузилган давлат комиссияси маҳаллий полиция бошқармаси билан ҳамкорликда шубҳа остига тушган қабилани узлуқсиз назорат остига олади. Маълум бўлишича, қадим замонлардан буён яширинча одамлар «зомби»лаштирилган экан. Қулларнинг текин меҳнатидан фойдаланиш йўлларини қидириб юрган ўша қабила қутилмаган «илмий» кашфиёт яратади. Самара бериши аниқ бўлган тажриба ўтказиш учун олдиндан жисмонан бақувват ёш йигитлар таллаб олинарди. Қабила аъзолари бу ёрликларга яқин таниш бўлган сув ҳавзаларидан икки тишли захарли баликларини овлашиб, унинг елкасидан

қанотини кесиб олишади. Уни овқатга қўшиб пиширадилар, сўнг таллаб қўйилган номзодаг едирилади. Бу овқат нафас йўллари фалаж қилиб, бевақўлимга сабабчи бўлади. Қабила аъзолари марҳумни дафн этилган қабрдан кавлаб олишиб, ўрмондаги овлоқ чангалзорга элтадилар. Маросим руҳига мос равишда кийим-кечак кийиб, безаниб олган кохин-афсунгарлар қоқирек-суқуруқ қилишга киришадилар; марҳумнинг кулоғига махсус афсун дуоларини ўқийдилар. Айни чоғда фақат маълум дорадаги одамларга маълум бўлган гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлардан фойдаланадилар. Қисқаси, эртаси куни эрталаб марҳумга жон қиради. Марҳум худди олдингидай соппа-соғ, бақувват ҳолида тирилади, лекин ўз исмини ҳам, насл-насабини ҳам бутунлай унутади. Шундай қилиб, қабила тап-тайёр кулга эга бўлади, уни бемалол пахтазорга ишга жўнатиш мумкин. Эртадан то қора хуфтонгача миқ этмасдан ишлаверида: колхозда ишлаяптики, совхозда ишлаяптими, ҳисдоронлик жамияти тузилдими ё ёҳара пудрати жорий этилдими- унга барибир, фақат меҳнат қилиши билади, холос. Охири ўша сирли жиноятнинг жумбоғи топилади. Бироқ, айтишларича, ҳозир ҳам марҳумлар баъзан ўйрлаб кетилар экан.

Айтматов. Манкуртчилик билан зомбичилик гўё садизм дарахтидан ўсиб чиққан икки шоха ўхшайди. Майли, номлари ҳар хилдир, лекин моҳияти битта. Инглиз ёзувчиси Грэм Грин ўзининг «Комедиантлар» романини ёзишдан аввал «аср жинояти» бўлимиш зомбичиликнинг хусусиятларини атрофлича ўрганиш мақсадида Гаитидаги қабилалардан бирининг ҳузурда бўлади. Кейинчалик ўз кундалигида қуйидаги сўзларни қайд этиб қўяди: «Тонтон-макути» номи билан машҳур бўлган мустабид Дювальенинг махфий полицияси асосан зомбилардан ташкил топган. Шунинг учун оддий фуқаро доимо кўрқув остида ҳаёт кечиради».

Матбуот хабарларига қараганда, бу хилдаги жиноят фақат Африкада рўй бермайди. Австралиянинг маҳаллий аҳолиси ўртасида ҳамон зомбичилик таг-томмири билан йўқолиб кетмаган. Элатшуносларнинг гувоҳлик беришича, Австралида қурбонликни таллаш ҳуқуқидан афсунгар фойдаланади. Оёқ-қўли боғланган одам ёнбошлашиб ётқизиб қўйилади-да, нишли балиқ қилтаного ёки ўткир учли найза юракча санчилик, қурбон вақтинча ўлдирилади. Юрак уришдан тўхтайтиди, нафас олиш ҳам тўхтайтиди. Вақти-соати келгач, марҳум тирилади; ўтмишини унутишга мажбур қилинади. Нақл қилишларича,

бундай зомби руҳан соппа-соғ бўлган рисоладаги инсондан дярли фарқ қилмас экан. Фақат бир нуқтага тикилганча эртдан кечгача ҳаракатсиз ўтириши мумкин экан.

Шохонов. Тарихдан маълумки, жамиятда садизмнинг кучайиб, миллий фожеа даражасига кўтарилиб кетишига кўпинча давлат тепасида ўтирган ҳукмдорлар сабабчи бўлади. Мисол тариқасида қадимий Римдаги гладиаторлар (қуллар) беллашувини олиб қуришмиш мумкин: дастлаб, бирорта императорнинг мотам маросимида ўтказиладиган қуролли рақибларнинг мусобақиси кейинчалик бутун Италияда ҳаққ уйинларига айланиб кетади.

Эрамыздан аввалги III асрдан эътиборан гладиаторлар беллашувини учун энг охириги техника ютуқлари билан жиҳозланган махсус майдонлар, иншоотлар барпо этилади. Денгизда мусобақа ўтказиш учун эса жанговар кемалар жиҳозланади, минглаб қулларга, асирларга қурол-ярроқ берилади. Суворийлар, найза-бозлар, қилчбозлар, беллашувчи ҳам жанговар «жанр» сифатида ривожланиб, кундалик таомилга айлиниб қолади.

Императордан то гадиоларгача бўлган омманинг муҳаббатини қозонган, ақл-идрокни, қалбларини ром этган, катта-кичинки мухлисга айлантириб олган қонли мусобақалар йилдан-йилга қамровини кенгайтириб, ваҳийдорик даражасини ва қурбонлик миқдорини ошириб боради. Вассасанинг чеки-чегараси кўринмасди. Ақл-хушини йўқотиб қўйган император Калигула гладиаторлар беллашувини театр томошаси деб биларди ва аёлларни, қарияларни, ҳатто майиб-мажруҳларни майдонга ҳайдаб чиқарарди. Клавдий эса қуруқликдаги томошалар билан қаноатланмай, денгизда ҳам қир-пичоқ томошалар уюштирарди. Император Вителлий ўзининг тугилган куни муносабати билан Римнинг барча 265 мавзесида гладиаторлар беллашувини ўтказарди. Тит бўлса, бундай қора томошани узлуқсиз юз кун давом эттиради. Боз устига, Тит ҳукмронлик қилган даврида «одамхўрлик зиёфати» кўз кўриб, қулқоқ эшитмаган даражага етади: 123 кун мобайнида ўн минг нафар гладиатор бошидан жудо бўлади. Жазаваси тутган рақиблар бир-бирининг қоринларини ёриб ташлайдилар, қўлларини кесиб олади, бошларини сапчадай узиб юборадилар...

Таржимонлар:
Н. БОҚИЙ,
Ё. ХУЖАМБЕРДИ.

СУЛОЛА



Андижон истеъодларга бой ўлка. Унинг ўзига хос турмуш тарзи, этнографияси, санъати мутахассисларни кизиқтириб келган. Айниқса, мусика, хунармандчилик ва меъморлик санъати қадимдан ривож топган. Удуг бобоканлонларимиз, шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг назари тушган шоирлар, Андижон довруғини оламга ёйган Захириддин Муҳаммад Бобур сингари удуг зотлар, халқ олқишига сазовор хонанда-ю созандалар яшаган.

Ана шундай инсонлардан яна бири мусаввир Нажим ака Қозиевдир. Андижон рангтасвир санъати Нажим аканинг номи билан чамбарчас боғлиқ. У замонавий рангтасвирни маҳаллий мусаввирларнинг биринчиларидан бўлиб Андижонда ўзига хос ижодий мактаб тарзида шаклланишига ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган rassom.

Нажим ака 1921 йил 5 апрелда Андижон шахрида дунёга келди. Бу пайда Чор Россияси мустамлакаси бўлган Ўрта Осиё ҳам собиқ Шўролар ҳукумати қўли остида эди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бўлгани сингари Андижонга ҳам мусаввирлар четдан келиб ишлаш бошладилар. Бир кунни акаси Парпихўжа уйларига нотаниш бир одамни бошлаб келди ва у ўша кундан бошлаб уларникида ижарага тура бошлади. Бу нотаниш одам Андижон вилоят театрига бош мусаввир этиб ишга юборилган Иван Васильевич Дюбас эди. Нажим ака Дюбаснинг ишларини завқ билан кузатар ва у билан театрга бориб беаш ишларида иштирок этар, санъатга бўлган илк кизиқиш калбида муҳрланиб борарди. Илк чизгиларини Иван Васильевичга кўрсатиб ўз устида ишлаш бошлаган ёш ижодкорни театрга мусаввир ёрдамчиси қилиб ишга олдилар. Орадан қисқа вақт ўтиб, у 1935 йили Шайхонтоҳурда жойлашган Тошкент санъат билим юртига ўқишга кирди. У ерда Волков, Н.Карахан, Малт, Ган, Б.Ҳамдамий, Нифедов, В.Курзин каби мусаввирларнинг ижоди билан танишди.

1937 йилдан Андижон вилоят театрида бош мусаввир бўлиб иш бошлади. Театрда эл ардоқлаган машҳур Лутфи-хоним Саримсоқова, Асад Исматов, Ваҳоб Азимов, Исохқори Каримов, Шаҳодатхоним Раҳимова, Сойиб Хўжаев, Машрабжон Кўлдошев, Хадича Аминова, Аббос Бакиров, Собир



Нажим ҚОЗИЕВ. Ҳовли. Мато, мойбўёқ, 1968 й.

Абдулла, Тўхтасин Жалилов, Амин Турдиев, Қосимжон Охунов, Комил Яшин сингари ёзувчи, шоир, актёр, драматург ва бастакорлар билан бирга бўлди.

1940 йили Самарқанд мусаввирлик билим юртига ўқишга кириб, П.П.Беньков ва З.М.Ковалевскаялар қўлида таҳсил олди. «Бйлим юртида ўқиб юрган кезларимда, - дея хикоя қилади Нажим ака - машҳур rassom Павел Петрович Беньков бизга устозлик қилган эди. У айрим пайтларда бизни расм чизгани олиб чиқар, жазирама иссиқ бўлишига қарамай офтобга ўтказиб қўйиб, этюд ишлатарди. Шундай дақиқаларда биз «Павел Петрович, бу шафқатсизликнинг боиси нима?» - деб сўрасак, у «Ранг танлаш ва уни хис қилишга ўрганасизлар, офтобдан, иссиқдан чўчиб ўз халоватларингизни ўйлайдиган бўлсаларингиз, тасвирда акс этадиган табиий ранглар йўқолади, тасвирнинг жони сўнади», - дер эди. Мусаввир ўзининг қарийб 60 йиллик ижодий фаолияти давомида жуда кўплаб асарлар яратди, спектаклларга декорациялар ишлади ва санъат шайдолари олқишига сазовор бўлди.

Нажим акани Андижон театр санъатининг тарихчиси дейиш ҳам мумкин. Жамоа актёрларининг, дярли, барчаларининг портретларини яратди. Унинг «Малоҳат Дадобоева», «Шаҳодатхоним Раҳимова», «Аббос Бакиров», «Ўринбой Нуралiev» каби портретлари шулар жумласидандир. Нажим ака 1968 йилдан Рассомлар Уюшмаси аъзоси. Шу йили Булғорияда намойиш қилинган асарлари билан у Андижон рангтасвир санъатини Ватанимиздан ташқарида танилишига асос солди, биринчи бўлиб чет элда кўргазмада қатнашган Андижон мусаввири бўлди.

«Тикувчи», «Наторморт», «Қизим портрети» каби асарлари ҳам ўзининг ёрқин қолорити билан мусаввир ички дунёси, кечинмалари ҳақида баҳс юритаётгандек туюлади. Нажим аканинг ижодий йўлини давом эттираётганлар Андижонда қўшниликни ташкил қилади. Шулар қаторида унинг ўғли Маҳмуд ака ва қизи Дурдоналар ҳам бор.

Маҳмуд ака ва Дурдона ота санъатининг давомчиси бўлиб вояга етдилар. Хар иккаласи ҳам Тошкент санъат институтини тамомладилар.

«ОСОН ЭРМАС БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОК»

Ўзбекистон халқ шоири, хозирги замон ўзбек адабиётининг атоқли наомандаларидан бири, публицист ва олим, маданият ва жамоат арбоби Барот Бойқобилов кирк беш йилдан буюн ўзбек маданияти тараккиётига ўзининг муносиб хиссасини қўшиб, элу юрт равнаки учун астойдил хизмат қилмоқда.

Истиқлол ва соодат кўйчиси Барот Бойқобилов ўнлаб дoston, қирқдан зиёд шеърый китоблар муаллифи. У ўзбек шеъриятида сонет жанрига асос солган шоирдир. Унинг «Сонетлар» (1982) китоби бунга гувоҳ. Барот Бойқобилов пиروварлида «Сонетлар дулчамбари» ва юз сонетдан иборат «Мен кашф этган Ўзбекистон» дostonини ракам этди.

Халқимиз ва юртимиз тарихи билан ўз тақдирини боғлаган Барот Бойқобилов «Қун ва тун» (1968) шеърый кассидада ўзбек адабиётини биринчи бўлиб Бобурнинг бадиий тинсолини яратди.

Барот Бойқобилов николида улғу шoir ва буюк мутафаккир Алишер Навоий мавзуи алохида диққатга моликдир. У сўз мулжининг султони, ўзбек адабиётининг сохибқирони Алишер Навоийнинг етук сиймосини яратиш устида узок йиллар ўз умрини сарфлади.

Забардаст шoir, навоийшунос Барот Бойқобиловнинг хазрати Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг хайратли хаёти ва хайрли аъмоли хақида яратган «Навоийнома» («Нотинн Хуросон», «Шудухли карвон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон» шеърый рўмонлари) чоркитоби муқтарам Президентимизнинг Фармони билан 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти билан тақдирланди.

«Навоийнома»да адабиётимизда хукм суриб келган синфийлик назариясидан чекиниб, тарихимизга тўғри ва одил кўз билан ёндашилди. Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларини хақоний еритишга ҳаракат қилинди. Навоийшунос олимларнинг фикрича, муаллиф бу вазифининг улдасидан чиқди ва «Навоийнома» чоркитоби шеърыйтизмиздаги улкан воқеа деб тан олинди.

Не бахти, муаллиф яна мазийга қайтиб, хайрли ишга қўл урди ва Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур хазратлари сингари буюк зотларга, шавкатли теурийлар салтанати сохибгарига пири мурадлик қилмиш Накшбандия тарикатининг кўтби - Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ал-Шоший ас-Самарқандий - Хожа Ахрори Валий хазратлари ҳусусида «Навоийнома»нинг бешинчи китоби - «Хайратул-Ахрор» («Ахрор хайратлари») шеърый асарини ёзди. Маълумки, ислон ва тасавуф, Хожа Ахрор хақидаги боллар, ўз вақтида, баъзи сабаблар тудайли «Навоийнома»га киритилмаган эди. Энди уни муаллиф кайта тиклади ва алохида бир китоб қилди. Унда буюк Валидуллоҳ Хожа Ахрор хазратлари шлаган мураккаб даврини, унинг иякимолий-сийсий мухитини, улғу Эшоннинг ибратли хаёти ва савобли аъмолини тасвирлади ва Шўро тузуми даврида илм-фанда, бадиий адабиётда хақиқатта хилоф равишда Хожа Ахрорга нисбатан тўкиб келинган турли уйдирмаларга барҳам берилди.

Зеро, XV аср Алишер Навоий ва Хожа Ахрор асридир. Мазийга муворак сафар қилган Барот Бойқобилов «Хамса»нинг буюк пирилари Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийнинг қутлуғ аънасини давом эттириб, беш улкан дostonдан иборат «Янги Хамса»ни яратди. Хазрати Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса»сидан кейин беш юз йил ўттак юзга келган маъзур асар мустикалликка эришган элу юртимиз хаётида, шойён, ўзбек адабиётинида улғу воқеадир. Махорат ва шйякотдан инашо этилган «Янги Хамса» миллий сийфитимизнинг ажойиб ютуғи, маданият ва маънавий ёлғорини сийфатлида муқтарам китобхонларга тақдим этилмоқда. Бу нолир асар севимли шоиримизнинг узок йиллик ижодий меҳнатининг шарафли махсулидир.

Шоир орзу қилганидек:

«Янги Хамса»дан ҳам ўтиб замонлар,

Бахраманда бўлсалар азиз инсонлар!



Дурдона ҚОЗИЕВА. Автопортрет. Мато, мойбуёқ, 1990 й.

Махмуд ака безовчи мусаввир мутахассислигига эга, у яқинда Андижонда Чўлпон музейини ташкил қилишда фаол қатнашиш билан биргалликда безовчи мусаввир сийфатида ҳам иштирок этди. Унинг «Чўлпон маҳалласи» диораммаси музейини янада бойитиб, Чўлпон яшаб ижод қилган макон хақида гўла таасуротга эга бўлишга қўмақлашиб турибди. У фақат безовчи мусаввир бўлиб қолмасдан, балки қатор рангтавсир асарлари билан ҳам мунтазам равишда кўرғазмаларда иштирок этиб келмоқда. Унинг Бухоро мавзусига бағишланган «Чор минор», «Бухоро кўчалари» каби туркум ҳамда «Ховли», «Натюрморт» каби алохида асарлари шулар жумласидандир.


Дурдона отаси каби портретчи мусаввир. Унинг санъатга бўлган илк қизиқиши дадасининг устахонасидаги асарлари орқали уйғонган бўлса, илк сабоқларини ҳам дадаси Нажим акадан олди. Мақаллада ўқиб юрган кезлариданок ўқувчи-ёшлар кўрғазмаларида қатнашиб, отасининг ижодхонасида ўз ўрнига эга бўлди.


Тошкентда Раҳим Ахмедов ва Баҳодир Жалоловлар қўлида таҳсил олиши эса, унинг ижодий йўлини таллашда энг асосий мактаб бўлди. Талабалик йиллариданок жуда кўшлаб кўрғазмаларда иштирок этиб, ўзига хос услубга эга бўлишга интилди, мутахассислар эътиборини қозонди. 1990 йилда яратилган «Автопортрет» асари Андижон ўлкани ўрганиш музейидан жой олган.

Нажим ака Қозиев ҳозир 77 ёшда бўлишига қарамай, кексалиқни тан олмайди. Уни хар гал одатдагидек иш устида учратамиш. У ўзининг портретини тугаллаб, набираси портрети чизгилари устида ишлаб ўтирибди. Виллоятда биринчи, малакали портретчи мусаввир бўлган Нажим ака фарзандлари Махмуд ака ва Дурдоналар билан биргалликда нафақат Андижон санъатига, балки Ватанимиз санъати ривожига улкан хисса қўшиб келаётган сулолалар сирасига қиради.

Қозиевлар сулоласи Андижон рангтавсир санъати ривожига ўзларининг янада улкан уллушларини қўшавердилар, деган умиддамиш.

Ботир ЖАБОРОВ.





ЭРКИН ТАФАККУР МЕВАЛАРИ

Истиклол бизга берган энг улуг неъматлардан бири халқимиз маданий қадриятлари, маънавий мероси тикланиши ва эъзозланиши бўлди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида таъкидлаганларидек: «Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафқуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди».

Октябрь тўнтрашидан сўнг адабиёт ва санъатга ҳам синфий кураш нуқтаи назаридан ёндошиш жорий этилган, «адабиёт иши - умум-пролетар ишининг бир қисми бўлиши керак», «санъат сиёсатдан четда тура олмайди» деган шиорлар остида бадий ижодиётни зўрлаб мафқура-лаштиришга киришилди. Бунинг оқибатида Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунаввар қори сингари ватанпарвар ва эрқарпар сиймолар мустабид тузум қурбони бўлдилар. Узоқ йиллар давомида уларнинг асарларини ўқиш, номларини тилга олиш таъқиқлаб қўйилди.

Адабиёт ва санъатнинг мафқура-лашуви тобора кучайиб борди. Шўролар ҳокимияти ҳар қадамда «социалистик тузум»нинг «зафарли юришлари» тўғрисида жар солган ҳолда «адабиётда ёт унсурларнинг таъсири ҳали анчагина кучли» деб, адабий-бадий ташкилотларни қайта тузиш баҳонаси билан аслида миллий зиёлиларнинг энг яхши вакилларига қарши қатағон «машинаси»ишга тушириб юборилди. Қишлоқларда ҳамма мажбурлаб колхозларга аъзо қилинганидек, адабиётда «Совет ҳокимиятининг тутган йўлини ёқловчи ва социалистик қурилишда иштирок этишга интилувчи барча ёзувчилар» ягона совет ёзувчилари уюшмасига бирлаштирилди.

Совет ёзувчиларининг уюшмаси, энг аввало, адабиётни мафқура-лаштириш мақсадига хизмат қилди. Уюшма Низомидда адиблар қандай ижод қилишлари зарурияти қатъий чегаралаб қўйилган эди. Бу ягона ижод услуби - социалистик реализм эди. Ижодий жараён социалистик реализмнинг догматик принциплари билан чамбарчас боғлаб ташланган бўлса-да СССР микёсидаги миллатларнинг турли забардаст ёзувчилари, санъаткорлари бадий ижодиёт олами ниҳоятда бепоён ва ҳар хил услубий, гоёвий йўналиш, интилишларсиз тараққий эта олмасликларини исботлаб келдилар.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ҳамзанинг драматик асарлари, Чўлпоннинг эрк лирикиси, Фитратнинг «Абулфайзхон» драмиси, Ойбек, Ғ.Ғуллом, А.Қаҳҳорнинг шеър ва ҳикоялари мафқуравий зулмат ичида чарақлаган юлдузлар бўлиб халқ дилини нурафшон айлаган асарлар бўлди.

Ўзбек адабиёти ва санъатида шундай асарлар пайдо бўла бошладики, бир томондан ижод мафқура-лаштирилган, ундан фақат сиёсий қақириқларга жавоб қутилаётган бўлса, иккинчи томондан, халқ тарихи ва ҳаёти билан боғлиқ санъаткорлар шу миллат ва ўлка бадий-эстетик қадриятларига мос келувчи, халқ қалбига йўл олувчи асарлар яратмаслиги мумкин эмас эди. Натижада, қатор шиорий ва мавзу жиҳатидан қақириқларга ҳозиржавоб асарлар билан баробар чинакам бадий кашфиёт саналган халқчил ижод маҳсули ҳам пайдо бўлди.

Ойбекнинг «Навоий» романи, А.Қаҳҳор драмалари, Ғ.Ғулломнинг «Сен етим эмассан», Миртемирнинг «Сурат», М.Шайхзоданинг «Хиёбон» китоблари шулар жумласидандир.

Ойбекнинг лирик шеърларида, айниқса, «Чимён дафтери» туркумидаги назм асарларида табиат гўзаллиги Чўлпонона нафосат билан қуйланади.

Партиявийлик, синфийлик тамойиллига оғишмай рияя этиш «қонунлаштириб» қўйилган бир вақтда Фитратдан намуна олиб сочмалари билан ўзбек шеърятини бойитган яна бир адибимиз Миртемирдир. Унинг «Шуълалар қўйнида» номли дастлабки китоби бунга мисол бўлади. Соҳма шоирнинг поэтик фикрлаш тарзини белгилаб берди.

Миртемир бепоён қозоқ чўллари гўзаллигига шайдо бўлиб ўсган ижодкордир. Унинг шеърларида табиат гўзаллигини ажойиб тароват билан куйловчи халқона руҳ яққол кўзга ташланади. Бундай фазилатлар шўрга ижоди халқчиллигини белгилашда асосий омил ҳисобланади.

Халқчиллик Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Усмон Носир каби адиблар ижодининг асосий гоёвий-бадий мезони эди. Бу ижодкорлар қолдирган мерос икки жиҳатдан аҳамиятлидир: биринчидан, улар бадийнинг юксак намунаси бўлса, иккинчидан, социалистик реализмнинг темир исканжаси шароитида ёзувчилар курсатган жасорат эди.

Халқимиз маънавиятини юксалтиришга дахлдор ижодкорлар олдида янада улугвор, янада шарафли вазифалар турибди. Чунки Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамятининг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажақда янада равнақ топишимизнинг, жамятимиз ҳақон ҳамжамятига қўшилишининг гаровидир».

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон ИИВ
Академияси докторанти.


Кашкадарё воҳасини республика-миздагина эмас, балки Марказий Осиёда жуда кўп кишилар билишди. Бу ернинг тарихи қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Қашқадарё тарихини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қуйидагича таърифлаган эди:

«Қашқадарё воҳаси дунё маданияти тараққиётининг олтин беги бўлиши Буюк ипак йўлининг энг муҳим нукталаридан бирида жойлашганини ҳаммаимиз яхши биламиз. Бу серфайз замин ўзининг бекиёс моддий ва маънавий неъматлари билан машҳурдир. Қадимий Насаф ва Шахрисабз, Китоб ва Яқсабоб Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутди».

Чиндан ҳам Насаф, Шахрисабз ва бошқа шаҳарлар аҳолиси тарихан ўзига хос бой маънавиятга эга бўлиб, кўп воқеаларни бошидан кечирганлар. Шунинг учун ҳам бу воҳа узок йиллардан буюн кўплаб тарихшунос, этнограф, археолог, адабиётшунос, файласуфларни қизиқтириб келган.

Л.Ю. Маньковскаянинг «Қашқадарёнинг архитектура ёлгорликлари» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1979 й.), Поён Равшановнинг «Қашқадарё тарихи» (Тошкент, «Фан», 1995 й.) китоблари бу ажойиб ўлка ҳақида жуда катта ва қизиқarli маълумотлар беради. Бу воҳанинг тарихини ўрганиш барча зиёлиларни, ўқувчи ва талабаларни, меҳнаткашларни маънавий бойлигига бойлик қўшиш билан бирга уларда она-юртимиз ва мамлакатимизга нисбатан гурур ва фахрланish туйғуларининг шаклланишида фоят катта роль ўйнайди. Воҳа тарихини ўрганиш туйғули улайиб келадиган ёш авлод бу ердаги қадимий қадриятлар, маданият, маърифат шохобчалари билан, бу ўлкада яшаб ижод этган аллома олимлар, таниқли кишилар ҳаёти билан танишадилар. Жумладан, Х асрга тегишли Насафда воғая этан муаррих ва ҳадисшунос аллома Абу-л-Хорис Асад ибн Хамдувайх ал Варсиний ан-Насафийнинг Насаф ва Кеш тарихига оид эган «Китоб муфаражат ахл Насаф ва Кашш», шунингдек XI асрнинг иккинчи чораги охириларида яшаган яна бошқа улкан муаррих Абу-л-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафийнинг «Насаф ва Кашш тарихи» номи китобларини кўпчилик билайди. Бу икки китоб Марказий Осиё тарихини ўрганишда алоҳида ўрин тутадиган манбалардан ҳисобланади.

Замонлар ўзгариши, салтанатлар алмашиниши, қирғинбарот урушлар ва табиий офатлар натижасида қадимги Кеш ва Насаф атрофидаги жуда кўп қишлоқлар ўзларининг аввалги қиройларини йўқотди. Одамлар турли воқеалар сабабли ўзларининг турар жойларидан бошқа ерларга қўчиб ўтиб, обод қилиш-



лари натижасида илгариги қишлоқлар номлари аста-секин истезмолдан чикиб кетди. Агар Кеш ва Насаф шаҳарлари Қашқадарё воҳасида энг қадимий бўлиб, уларда хунармандчилик, дехкончилик, чорвачилик ва бошқа касблар билан шуғулланган аҳоли истикомат қилган. Манбаларда берилишича, қадим замонларда Шахрисабзини «Кеш», «Каш», «Кисс» деб атаганлар. Навтак ўрнида эса хозирги Ерқўрғон деб аталувчи қадимий шаҳар бўлган. Ерқўрғон обидаси эса Карши ва Қосон шаҳарлари оралигида, Қаршидан ўн қакирим нарида, унинг шимолий қисмида жойлашган деган маълумотлар бор. Поён Равшановнинг ёзишича, Ерқўрғонда олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, бир замонларда шаҳар икки қаторлама ички ва ташқи девор билан ўралган. Деворларнинг баландлиги 8 метрча бўлган. Тарихий манбаларга қараганда Ерқўрғон шаҳарчаси эрамызга қадар VIII-VII асрларда йирик дехкончилик манзилгоҳи сифатида вужудга келиб, эрамызга қадар VI-V асрларда юқалишга эришадди.

Амир Темур даврида жуда кўп меъморий ишлар амалга оширилган. Бу ўринда Шахрисабздаги Ок сарой, бу ердаги даҳмалар, шаҳарнинг айлана девори ва унинг дарвозалари, Самарқанддаги ва бошқа жойлардаги ёлгорликлар шулар жумласидандир. Манбаларга қараганда Ок саройини қуриш 20 йилдан зиёд давом этган. Унинг қурилишида қашқадарёликлар, хоразмлик, табризлик, эронлик усталар ва муҳандислар иштирок этганлар.

Бир вақтлар ўзининг муқаддас ва гўзаллиги билан қўпларни доштадирган Ок сарой орадан йиллар ўтиши ва турли табиий офатлар ва баъзи кишиларнинг жонхилликлари оқибатида ўзининг дастлабки қўринишини йўқотган. XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб уни атайин бузиш ҳоллари ҳам бўлган. Ривоятларга қўра, Абдуллаҳон ўз отини чоптириб Шахрисабзга яқинлашар экан ўзоқдаги Ок сарой гўё унга яқин қолгандек туюлди. Отига қамчи уриб қанча тез чоптирмасин халчи-бери елиб тездавмайди. Шунда у яна отни қамчилайди. От чопчопа қолдан тойиб, ҳолсизлини бир жойга келганда ўлиб қолади. Бундан

қакрланган Абдуллаҳон ҳасад қилиб Ок саройни бузишга амр қилган экан.


Шахрисабздаги меъморчилик обидалари ҳақида гап бора экан, Амир Темур ва унинг отасининг пири Шамсутдин Қуллол, Жаҳонгир ва Умаршайх мизролар, отасига ва ниҳоят Амир Темурнинг ўзига атаб қурдирилган даҳмаларни ҳам эслаб ўтиш жоиздир.

Шамсутдин Қуллол макбараси қадимги ёлгорликлардан ҳисобланиб Амир Темур томонидан 1374 йилда қурдирилган. Шамсутдин Қуллол Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағайнинг пири бўлган. Темур ёшлик чоғида бу кишининг назарига тушиш учун битта чопонини сотиб, пулига эчки олади ва шайхга эхсон қилади. Шайх Шамсутдин Қуллол деб аталиши қачонлардир унинг ота-боболари қуллолчилик билан шуғулланган. Шайх Шамсутдин Қуллол 1370 йилда вафот этди. Бундан Темурнинг отаси қаттиқ изтироб чекади ва ўғли Темурга васият қилиб «Мени вафотимдан сўнг жасадиمنى ўз устозим ва пирим ёнига қўйдир.» дейди. Орадан уч йил ўтгач 1373 йилда Муҳаммад Тарағай вафот этади. Амир Темур отасининг васиятини баъзо келтириб унинг жасадини шу шайхнинг пойи қадамига қўйдирди.

Гумбази Сайидон макбараси ҳам алоҳида диққатга сазовордир. У 1437 йилда Улуғбек томонидан қурдирилган. Унинг ичида горизонтал шаклда оқ харфлар билан зангори заминда уч бор айлан-тирилиб «Бу макбара улғу олимларнинг олими, аълоси... қонунчилик ва билимда... ва катта эътиқода тенгти йўқ олим ҳазрат султон Улуғбек Қўрагонининг фармони билан бунёд этилди, 841 йил хижрий» деган ёзув биттилган. Макбара ичида XV-XVII асрларга оид бир неча сағана бор.

Умуман Шахрисабз, Қосон, Қарши ва бошқа туманларда кўплаб тарихий обидаларни учратиш мумкин.

Маҳмуджон МАМАТОВ,
Шахрисабз педагогика билим юртининг директори.



Маънавий маданият

Ўзбекистонда Оила йили, деб эълон қилинган 1998 йилда яна икки буюк алломамиз тўйлари - имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги байрам қилинмоқда.

Шарқда «Мунажжим ар-Раис», Ғарба «Алфраганус» номи билан машҳур бўлган Абул Аббос ибн Касир Аҳмад ал-Фарғоний 787 йилда Кувада таваллуд топган. Унинг ёшлик йиллари тўғрисида аниқ маълумотлар деярли сақланиб қолмаган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий фаолияти Бағдоддаги «Байтул ҳикмат» - «Билимлар уйи» билан боғлиқ. Республикамиз Президентининг шахсий ташаббуслари билан Хивада қайтадан тикланган «Маъмун академияси» «Байтул-ҳикмат»нинг бир кўринишидир. Бағдоддаги «Байтул ҳикмат»да Марказий Осиё, Эрон, бошқа Шарқ мамлакатларидан келган олимлар илмий тадқиқот билан шуғулланиш эдилар. Бу «Билимлар уйи» кутубхонасида 400 мингдан ортиқ ноёб китоблар жамланган эди. Ана шу кутубхонага яна бир буюк ватандошимиз, улуғ математик Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бошчилиқ қиларди. Бу лавозим ҳозирги тил билан айтилганда «Маъмун академияси» президенти маъносини англаётган эди.

«Байтул ҳикмат»даги илмий муҳит, энг истеъдодли олимлар билан мулоқот, ноёб адабиётларга бой кутубхона Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, янгилиги қирраларини очишда бебаҳо аҳамиятга эга бўлди.

«Билимлар уйи»да турли мамлакатлардан келтирилган қўлёзмалар, китоблар арабчага таржима қилинарди. Аҳмад ал-Фарғоний ана шу ишда фаол иштирок этиб, араб илмий терминологиясини яратиш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Хусусан, у Баглимус-Птолемейнинг «Юлдузлар жадвали»даги маълумотларни текширди. У Ал-Маъмун топшириғига кўра Бағдод ва Дамашқ расадхоналари қурилишига раҳбарлик қилди. Ҳақиқатан ҳам Бағдод расадхонасида астрономик кузатув ишларини олиб борди ва кўпгина кашфиётлар қилди.

Астрономияга исботлаш усулининг киритилиши бевосита Аҳмад ал-Фарғонийнинг ихтироси ҳисобланади. У 841 йилда ана шу кашфиёти орқали қуёш тутилишини олдиндан исботлаб берди. Унинг ўша даврда Ернинг шар шаклида эканлигини исботлаб бергани ҳам олимнинг илмий жасоратидан далолат беради.

Аҳмад ал-Фарғоний кейинчалик

Бағдоддан Мисрга келгач, бу ерда Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб саъйди. Туташ идишлар қондасига асосланган бу идиш ҳозиргача сақланади

«Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб ёки «Астрономия асослари» Аҳмад ал-Фарғонийнинг шоҳ асари ҳисобланади. У ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ушбу асарда қуёш соатларининг ишлаш усули, Ер кўрраси координаталарининг шарқдан ғарбга йўналиши ва бошқа кашфиётлар ўз ифодасини топди. Астрономияга оид билимлар қомуси ҳисобланган бу китоб ушбу фан бўйича араб тилида ёзилган биринчи рисола ҳисобланади.

Шарқда Аҳмад ал-Фарғоний «Ҳосиб» - «Ҳисобчи» номи билан ҳам машҳур эди. Унинг астрономияга, географияга тааллуқли ҳисоб-китоблари гоёқ аниқлиги, мукаммаллиги ва шиққ-пухталиги билан ажралиб туради.

Фарғоний илмий ижодига мансуб яна бир асар - «Астролябия» (Устурлоб) тузилиши ҳақида китоб»дир. Унда стереографик проекцияларга оид теоремаларнинг исботлари берилган. Улар теоремаларнинг бизгача етиб келган биринчи исботлари ҳисобланади. Умуман астрономик асбобсозликнинг вужудга келиши ҳам Аҳмад ал-Фарғоний номи билан боғлиқ.


Колумб Американи Фарғоний тузган хариталар асосида очганлиги ҳақидаги маълумотлар бор.

Ватандош олимимизнинг бебаҳо асарлари Оксфорд, Париж, Принстон, Берлин, Қоҳира, Санкт-Петербург ва бошқа кутубхоналарда ноёб хазина сифатида сақланмоқда. Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари» китоби 1145 ва 1175 йиллардаёқ лотин тилига, кейинчалик бошқа тилларга таржима қилинган ва қайта-қайта чоп этилган. Асрлар давомида ундан Европа университетларида астрономиядан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келишган. «Астрономия асослари»нинг 1493 йилда Италиянинг Феррара шаҳрида чоп этилган лотинча таржимаси умуман босма усулда чиқарилган биринчи китоблардан саналади.

Ўтқир АМИРОВ,
Тошкент Давлат
ҳуқуқшунослик институти
доценти

АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ

ҲАДИСЛАР ВА ИСТИҚЛОЛ МАЪНАВИЯТИ



Ҳадисларда билим, илм, маърифатга қаратилган даъватлар кўп учрайди. Куръоннинг кўпгина оятларидаги сингари ҳадисларда ҳам мўъмин-мусулмонларни билимли, маърифатли, ўқимишли, ақли, доно, уламо бўлишга даъватлар жуда кўп.

«1001 ҳадис» тўпламига киритилган 126-ҳадисда «Илму хунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинг» дейилган. Баъзи журналхонлар бу ҳадисда нима учун Хитойга нисбат берилган деб таъажубланишлари мумкин.

Бизнингча, бунда илм-хунарсиз кайси мамлакатда, қайси тилда тараккий этилганидан қатъи назар (бу ўринда Хитой кўзда тутилмоқда) ўрганишга лойиқ ва жонзидир деган маъно бор.

Илм ва илм ахлига бўлган иллик ва самимий муносабат Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида жуда катта инсоний фазилат ва неъмат ҳисобланган, бу ҳолинг ҳадисларда зикр этилиши эса наинки илм ва олимларнинг, балки уларга бўладиган муносабатларнинг ахлоқий аҳамиятини кучайтирган.

147-150-ҳадисларда хайр-садақа ҳақида мулоҳаза юритилар экан, «Садаканинг афзали мусулмон киши илм ўрганиб, сўнгра бошқа биродарларига ўргатишидир» дейилган. Бу даъватга қўра, ҳар бир мўъмин-мусулмон ўзи ўзлаштирган илмини, билимини ўзгаларга ҳам ўргатиши, улар билан баҳам қўриши ҳам фарз, ҳам қарзидир.

253-ҳадисда «Мўъмин киши ўз вафотидан кейин савоби тегиб турадиган амали соликлардан етти тасининг энг биринчиси унинг «таркатган илми» эканлиги таъкидланган.

Шунингдек, 534-ҳадисда «Ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга илм талаб

килиш фарзидир» дейилган.

Маълумки, ҳадислар Сунна, уларнинг ҳар бири моҳиятан суннат, яъни бажариш-бажармаслик ихтиёрий ҳисобланади. Шунга қарамай, юқоридаги ҳадисда илм олиш фарз ҳисобланиб, бу амалга мажбурийлик мақоми берилган. Бинобарин, Мухаммад пайғамбар дунёвий билимлардан илк ўрта асрлардаёқ хабардор бўлганлиги, илмсизлик қусур, нуқсон, ҳатто ақлсизликнинг дебочаси эканлигини яхши тушунган. Шу боисдан бўлса керак, бу ҳадисни фарз қаторига киритганлар.

535-536-ҳадисларда эса илм олиш ҳосияти янада қатъий баён этилган. Масалан, буларнинг бирида «Толиб илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам» дейилган, (истиғфор араб тилидан олинган сўз бўлиб, гуноҳларни кечиритишни Яратгандан илтижо қилиш деган маънони билдиради). Бу ҳадисларнинг иккинчисида эса бир соат илм ўрганиш, кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалроқдир; бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тулгандан яхшироқдир, деган ғоят ибратли, пурҳикмат ва фойдали даъват ёзилган.

Навбатдаги ҳадисларнинг бирида «Илму ҳикмат соҳиблари суҳбатига эришган кишилар ҳам яхши фазилатли кишилар қаторига киритилган. Бу борада халқимиз орасида кенг тарқалган «Нодон билан ош егандан қўра, донодан мушт еган афзал» деган мақолни мисол тариқасида келтириш ўринлидир.

Ҳадисларда илм, маърифатни фақат оғизда қабул қилмасдан уларга амал қилиш шарт эканлиги ҳам айтилган. Масалан, 637-ҳадисда «Илмга амал ва риёя қилувчи бўлинглр; уни фақат ҳикоя қилувчилар бўлманглр» дейилган.

Ҳадисларнинг инсон шахсий ва иқтимоий манфаатлари учун, жамият ҳаёти, жумладан мустақиллиқни мустаҳкамлаш манфаатлари учун аҳамияти каттадир. Уларда мўъмин-мусулмон-

га фақат тоат-ибодат билан шугулланиб қолмай, моддий ва маънавий манфаатларни ғойибдан қўтиб, ёшиқликда ўқимай, улғайганда ишламай юриш бемаънилиги ҳам уқтирилган.

Ҳадисларда илм ва касб-кор, билим ва хунарсизлик, олимпик ва донишмандлик, маънавият ва маърифат тўғрисида олға сурилган ғоялар ўз вақтида Марказий Осиё мутафаккирлари, ёзувчи ва шорилари Беруний, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Машраб каби аллома-ларга ҳам катта таъсир кўрсатган, уларнинг илмий ва амалий ишларида ўзига хос дастур бўлган.

Алишер Навоий ҳадисларни чуқур ўрганиб, «Арбаин ҳадис», яъни «40 ҳадис» асариде илмий маърифатга даъватларни теран фалсафий шарҳлаган, дунёвий талқин берган, шеърятда тараннум этган. Бу қирқ ҳадисда тарқалган шеърый шарҳлар орасида илм-маърифатга бевосита тааллуқли бўлган тўртликлар анчагина бор.

Бу давлатни янада кенгайтириб, «Эр кишига зебу зийнат - ҳикмат ва донишдир» деганлар.

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қудуб»да ғоят ўринли равишда бахил олимни ёғинсиз булутга ўхшатганлар: унда на соя бору, на ҳаён (фойда) йўқ.

Юқорида қисмангина келтирилган ҳадислар ва уларнинг акс-содоси сифатидаги ғоялар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ҳадислардаги билим-маърифатни эгаллашга даъватлар республикаимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун қурашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Истиқлол ва унинг истиқболи учун чуқур билимли, юксак онгли, бой маънавиятли, ўткир ақли, ҳар томонлама маданиятли, зиёли мутахассислар керак.

**Бахтиёр СУННАТОВ,
Тошкент Давлат техника
университети.**

МЕНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИМ, ОНАЖОН ТИЛИМ

ГУЛИНУРА

Онам, онажоним алласи ўзинг,
Тилим тилсими-ю, яллasi ўзинг.
Улкан тоғ яширган тилдasi ўзинг
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Тўлиг ой ишвасин таржимони сен,
Мен фақир бир қулдинг

хонумони сен,
Туркий деган халқнинг тоза қони сен,
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Сенсиз мен нимамаң, сенсиз

мен кимман,
Сенсиз мен бўшлиқман, сенсиз

мен жимман.
Сенсиз мен оёқлар остида чимман,
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Тупроқ шивирини кўшган жонимга
Лавҳул бузругимсан устихонимда.
Жонбахш хаводирсан оққан қонимда
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Фаним қасддан пайхон

килган чаманим,
Оғзини сувлиги йиритган саманим.
Кимларга яхши-ю, кимга ёмоним,
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Умр деганлари сувдайин оқди,

Қон томган чашмаларга
Шифои даво келдинг.
Бу ғариб кўнгилларга
Тухфаи худо келдинг.
Тилдо балиқ дарёдан
Терган дур бўлиб келдинг.
Беҳишт боғида унган
Гули нур бўлиб келдинг.
Кийик сугита ювдим
Нурдек оқ юзларингни.
Кўзим устига қўйдим
Беғуноҳ изларингни.
Кўнглим ичида ўсган
Жони дилим, хуш келдинг.
Армоними тўзгитган
Жаннат қушим, хуш келдинг.
Сут бўйларин анқитиб
Нурга тўлиб ётибсан.
Равзаи ризвонларнинг
Бўйларига ботибсан.
Тикмачоқ билагингга
Меҳрим кўзумчоқ килади.
Оққушинг патларидан
Момик арғимчоқ килади.
Дилингга Яратганнинг

Менга нима бўлди?

Сочим ўпаётган
Тароқни чеккага лоқайд ташладим.
Ўзаал либосимни кўнглим истамади:
Мен сени соғина бошладим.
Хасратнинг кўзлари кетди қорайиб
Кўзгу чангларига мунгайди ҳижрон.
(Ғамбода юракми минг бир пора бўлган
Нечун рух булбулин

тумшуклари қон?)
Титраган қўлларим нени ахтарурлар...
Сабрнинг қон ила тўлган қосаси.
Дилим, наҳот сенга туганмас

шавк эрур
Ишқнинг заҳаролуд, шўх талвасаси.
Кўзгу чангларига лип-лип ёнган соя
Ўзин таний олмас хайратда боқиб.
Дилим, бир зарб ила рух оловида
Ташласанг-чи ёлғон ишонччи ёқиб.
Соғинг дил кўзларин кўр

кила бошлайди
Қаро рангда кўрдим ишқнинг
рангини.
Юрак, мен-қу майли, сен-да
тингламайсан




Шарифа САЛИМОВА

ОНАЖОН

Ким чекканга райхон, ким
тикон тақди,
Лек дарёлар яна кўксингга оқди,
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Шу куйган дилимнинг яролари кўп,
Чўлпопу Фитратдек саролари кўп.
Тилим деб қисмати қаролари кўп,
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Хазрат Навойидек соябони бор,
У мангу бағрингда бўй чўзган чинор.
Минг булбул тилида сайраб ётган тор,
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Қорақўз боламга ўзинг энга,
Ўзинг дарғақирсан туркий кемага.
Сенсиз шоирлигим арзир нимага,
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Тарихим, тақдирим, ой оқкан булоқ,
Чучук тил гўдагим, тиллашган иноқ.
Хохла тумор бўлай, хохла кўзумчоқ
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.
Менинг ўзбек тилим, онажон тилим.

Қуръонини сўрадим.
Тўмарис момоларнинг
Имонини сўрадим.
Жаннат чечакларининг
Иффатини сўрадим.
Зебуннисо қаламин
Қудратини сўрадим.
Ва яна иқбол деган
Зўр тожу тахт сўрадим.
Меваси ларзон-ларзон
Улкан дарахт сўрадим.
Жажжи гулим, жонимга
Шифои даво келдинг.
Мор захрини ювғали
Тухфаи худо келдинг.
Беғуноҳ изларингни
Хор қилганлар зор бўлсин.
Хазрати Хизир отанг
Аллоҳ мадақкор бўлсин.

Тила балдоқларнинг шўх
жарангини.
Менга нима бўлди?
Титроқ дарпардалар
Нечун ой нурларин қизғаниб тўсар?
Юракдаги улкан, умидсиз бир бўшлиқ
Наҳот заминдан то қўккача ўсар?
Менга нима бўлди?
Кайноқ томчиларда
Отиб бораверар юрак сўроғи.
...Сен келмасан мангу ерда ётаверар
Ойнинг менга тутган тила тароғи...



... ГА

Бу не жозиб эрур, бу қандай фусун,
Бу не ғорат илм - бу маккор хусн.
Бу зулфлар занжири боғлаб ётадур
Қўқсида минг битта баҳорлар исин.
Бу не товуш - кумуш ичган нафаси,
Булбул синдиради кўкрак кафасин.
Лайлидек гўзаллар бу гул олдида
Ийманиб ўтурлар, чиқармай сасин.
Бу не нигоҳ эрур, тун каби қора,
Мажнунлар мағдубдир, дунё девона.
Рухнинг минг бир бўлак кўзуларида
Бул хуснни сўйлаб, йиғлар афсона.
Бу не вужуд эрур - мармардан бино,
Кумуш бармоқларда ёнади хино.
Бу ҳарир рўйомлар гўзал бошида
Оққуш қанотидай ҳилирар гўё.
Бу не киприк эрур - найзалар қатор,
Найзалар учинда ўлимлар ётар.
Бу не мужгон эрур тун зулматидай
Кийиклар сурма деб кўзига тортар.
Бу не жозиб, қандай сирли тахт эрур,
Замонлар, маконлар кўп қарахт эрур.

Эй, танҳо хабибим, табибим Аллоҳ,
Бу юрак юракмас, энг улкан гуноҳ.
Қошингда турибман, қораманми ок...
Саждада тиз букиб, тизим йиғлади.

Сизга бутун умримни тутдим,
Соғга кўчди тоғларнинг қори.
Заҳрингизни бол дея ютдим,
Сезмай кечди умрим баҳори.
Бу ғавғоли осмон остида
Гоҳ тўниб, гоҳ тўйиб яшадим.
Ва миннату озорингизни
Кипригимга қўйиб яшадим.
Ноғоҳ чакмак жонимни тилди,
Кўп асрорлар бўлдилар аён.
Бир икромга юрагим кўнди:
- Севмагансиз мендек ҳеч қачон...

Дунё - меҳрли ё қаҳрли дунё
Шитоб-ла тўзғитар гул япроқларин.
Онажон, ҳеч қимдан тошмай тасалло
Кўзга сургим келар пок оёқларинг.
Меҳр омонатдир, тансиқ садакат,
Дўстлар ҳам кетдилар қалбимдан
бир-бир.



Менга муҳаббат бер, ўтли, самовий...
Бир қунгина менга тоғларни кўрсат,
Қояларга қўсин кўксимдаги қуш,
Недур кўз ёш, недур аламу қулфат,
Кўксим томирда баҳор урса ниш.
Сен менинг якка-ю ёлғизимсан де,
Этакларим ўпин жаннатдаги хур.
Дунёга Темурлар бермоғим учун
Қудратли сўзларинг аямасдан тур.
Бир қунгина менга осмонни кўрсат,
Юлдузлар қуритсин қўз наларимни.
Токи қорачўғда - энг сўнги фурсат
Олиб кетай ишмик кўкламларини...

Мен қушман.
Тўдамдан айирма, овчи,
Учқур қанотимни қайирма, овчи.
Илон учиш завкин туюрми, овчи,
Мен ерда судралиб юргувчи эмас.

ДУОЛАР БЎЛАДИ,

ОЎНАЖОЎ!

Хайратлар, ҳасратлар йиғлар изида:
- Пойига тиз чўкиб ўлмак бахт эрур...


Айт-чи, мен қай ерда айладим хато,
Баҳорин йўқотган қузим йиғлади.
Сенга меҳрин тўккан, айлаган дуо.
Шодликдан порлаган қўзим йиғлади.
Шундоқ ҳам бу дунё олганди жоним,
Шундоқ ҳам бу дунё ичганди қоним.
Шундоқ ҳам занглаган ўқу қамоним
Сабримнинг бўғзида тўзим йиғлади.
Йўлларим солгандим хув улкан тоққа,
Сўқмоқлар мингирлаб тутди сўроққа.
Тобора узилиб сендан узоққа
Орта қарай-қарай изим йиғлади.
Не ғамгин хаёлар кечганда дилдан,
Нажот излаган чоғ бир нозик қилдан.
Самодан юлдузлар ёғилди бирдан,
Шуқурлар айласам, сўзим йиғлади.

Ёлғиз сен кетмадинг - эй олий хилкат,
Юрак меҳробиди порлаб турган нур.
Гўзал қувончларим ошнога тутдим,
Қўшиқларим тутдим порлаган кунга.
Онажон, мунсам, хорғин сирдошим
Кўпроқ ғамларимни илдиним сенга.
Онажон, юпанчим, ганжи бебаҳом,
Бошим оёғингда - титрайди танам.
Менинг гуноҳларим оқизган дарё -
Ўзинг саждагоҳим, Маккам,
Мадинам.

БИР ҚУНГИНА МЕНИ ...

Бир қунгина мени оташ бўлиб сев,
Бир қунгина мени қўқларга қўтар.
Мен тутун қайтарган дамлардан
беғзим,
Миннату хўрликлар жонимдан ўтар.
Бир қунгина мени маликамсан де,
Бир қунгина юрай азобдан холи.
Илк бора қўлимни тутган дамлардек,

Самодан хўйлаган ҳаволарим бор,
Хоҳ яхши, хоҳ ёмон наволарим бор.
Қушман, қуш тилида дуоларим бор,
Мен қафас тилини билгувчи эмас.
Қанотим шовқини қийнаса сени,
Юлдузлар ёлқини қийнаса сени,
Сайроғим талқини қийнаса сени,
Кечир мен боғингда тургувчи эмас.
Менга булутлардан нурлар ёғилар,
Қуёш, ой, юлдуздан гуллар ёғилар.
Қанотимга инжа дурлар ёғилар,
Мен қисмат сирини билгувчи эмас.
Мен қушман. Осмонлар чорлар ўзига,
Ўйлама, имконлар чорлар ўзига.
Бир сирли маконлар чорлар ўзига,
Қул босган чўғда мен қуйгувчи эмас.
Тўдамдан айирма. Тўдам ҳаётим,
Осмоним, офтобим, нолам, баётим.
Тилло қафасларда қуяр қанотим,
Рухим қафасларни суйгувчи эмас.



Маълумки, милоднинг IX-XI асрлари Марказий Осиёда табобат ва кимё илмларини чуқур ўрганиб, уларни ривожлантирган Абу Бакр ар-Розий, буюк файласуф Абу Наср ал-Форобий, илму-н-нужум ва жуғрофия фанларининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний, оламга машҳур ҳозиқ табиб Абу Али ибн Сино каби буюк аллоmlар даври эди.

Дунё астрономия фанининг тараққиётида ўрта аср Шарқ астрономияси алоҳида ўрин тутди. Бу даврда айниқса Куёш, Ой ва бошқа сайёраларнинг эклиптика (Куёшнинг бир йиллик доираси)даги ва ўз орбитасидаги ҳаракат назариясига оид, амалий астрономиянинг вақтни ва жойнинг географик координатларини аниқлашга (геодезия) доир масалалари бўйича Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё аллоmlари жуда бой мерос қолдирганлар.

Денгизда кемалар ҳаракатининг кўпайиши, тижорат, иқтисод, сув манбаларидан фойдаланиш ва шу кабиларнинг ривожланиб кетиши самовий jismlар ҳақидаги фан – илму-н-нужум – астрономия, жумладан, унда ишлатиладиган асбоблар пайдо бўлиши ва ривожланишига оид келди.

Беруний ёшлик чоғлариданок астрономияга доир чуқур билиmlарни эгаллашга интилган. Абу Райҳоннинг бу қизиқишини устози Мансур ибн Ироқ ибн Яъвб, Абу Саҳл Масихий қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб, бу соҳада билиmlарини чуқурлаштиришга ёрдам берганлар. Беруний ўзи гувоҳлик беришича, Ибн Ироқ ҳам астрономияга доир 12 асарини, Абу Саҳл Масихий ҳам шу фанга оид 12 асарини Хоразмдан амир Қобуснинг пойтахти Журхонда яшаб турган Абу Райҳонга юборганлар. Ибн Ироқнинг шогирдига бағишлаб ёзган 12 асаридан 5 таси осмон гўмбазидagi ёритқичлар ҳаракати ва астрономик геодезияга бағишланган. Булар: «Самовот китоби», «Вақт соатларини чегараловчи осмон доиралари рисоласи», «Осмоннинг шарсимонлиги ҳақида», «Осмон қисмларини бошқача усулда аниқлаш рисоласи», «Абу Жаъфар ал-Ҳозин «Зижини» тузатиш рисоласи», «Муҳаммад ибн ас-Саббоҳнинг Куёш ҳолатларини кузатишларини текшириш далиллар» ва бошқалардир. Бу асарлардан 2 таси само ёритқичлари гео-

БЕРУНИЙ ЮЛДУЗЛАРИ



метриясига бағишланган.

Устозлари юборган бу асарларни Абу Райҳон ўзи чуқур ўрганишдан ташқари, подшоҳга яқинлигидан фойдаланиб, хаттотларга кўчиртириб, бошқа мамлакатларнинг олимлари орасида тарқалишига ҳам ҳисса қўшган.

Журхон даврида Беруний чуқур билиmlарни эгаллашдан ташқари, ўзи ҳам доимий илмий кузатишлар, тадқиқотлар билан шуғулланиб, жаҳон астрономия фани тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб асарларини бунёдга келтирди. Мана шу тўрт йил орасида аллома «Тасийр доираси» («Осмон ёритқичларининг сайр қилиш доираларини ҳисоблаш ҳақида»), «Илми нужумга кириш ва сайёраларнинг ҳаракат йўлидаги нуҳус (наҳс жойлар) ҳақида», «Нур ва ёруғлик моҳиятини китобларда учровчи бўлмағур гаплардан тозалаш», «Ҳайъат (астрономия) илми калидлари», «Устурлоб ясаш усуллари», «Самовий кузатишлардаги зиддиятларнинг сабаблари китоби», «Юлдузларга қараб фол очишдаги алдамчиликлардан огохлантириш ҳақида», «Китоб аш-шумус аш-шофийати ли-н-нуфус» («Нафслар, кўнгилларга шифо берувчи қуёшлар»), «Муқанначилар ҳақида маълумотлар таржимаси», «Оқ кийимликлар ва қарматлар ҳақида», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осорул боқийа мин ал-қурун ал-хотияр»), «Қуббатул-Арз толеъида балқиган юлдузларнинг ҳолатлари» каби дурдона асарларини ёзди.

Бу асарларнинг мавзуларидан кўриниб турибдики, Абу Райҳон Беруний астрономия масалалари билан шуғулланар экан, бу фан муаммоларини Ердаги табиат, иқлимларнинг ўзгариши, деҳқончилик ва ободончилик ишлари билан боғлайди. Барча одамларни, айниқса,

олимларни илм-фаннинг шу соҳасидagi хатолардан огохлантиради.

Абу Райҳон Беруний 1030 йилда Фазнада ёзиб тугатган «Ат-Тафҳим ли-авоиil синаоти ат-Танжим» («Юлдузшунослик илмининг асосларини тушунтирувчи китоб») асарида астрономия, астрология, география, математика илмларининг энг муҳим қонун-қоидаларини тушунтиради. «Ат-Тафҳим» савол-жавоблар усулида ёзилган бўлиб, унда бир-бирига боғлиқ фанлардан кўйилдиган ҳақида фикр юритилади:

1. Математика (арифметика ва алгебра). 2. Астрономия. 3. География. 4. Хронология (тарих). 5. Астрология. 6. Геометрия.

Атоқли арабшунос олим П.Г. Булгаков «Беруний. Ҳаёти ва асарлари» китобида «Ат-Тафҳим»га кенг тавсиф беради.

Асарнинг математика ва унга боғлиқ геометрия қисмида jismlар ва уларнинг томонлари, масофа, юза-сатҳ, чизик, нуқта, перпендикуляр, бурчак, доира, синус, косинус, конуслар, фазо сфераларининг радиуслари, диаметр, қутблар ва бошқалар нималиги тушунтирилади.

Беруний «Ҳиндистон» китобида Ой, Куёш, юлдузларнинг, шунингдек Ернинг ҳолатини бирмунча батафсил тушунтиради. У, фаслларнинг ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ҳолати, турли модалар, унсурларнинг бир турдан бошқасига айланиши Куёш билан Ойга боғлиқ, деб таъкидлаган эди.

Шарқ аллоmlари бизларга мерос қилиб қолдирган илм-фан хазиналарини ўрганиш ва улардан фойдаланиш ёш авлодни маърифатпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади.

Ёқут РАҲМОНОВА

ЖАДИДЛАР ВА МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК

Жадидчиликни ўрганишда қўлга киритилган бой материалларни умумлаштириш, маданий меросни ўрганиш ва унга ёндашишнинг назарий масалаларини чуқурлаштириш, объектив илмий ҳақиқатни аниқлашга мос келадиган тадқиқот йўллариини шлаб чиқиш муҳим муаммолардандир. Тадқиқотнинг натижасига эмас, унга олиб боровчи йўл ҳам ҳаққоний бўлмоғи керак.

Жадидчилик ҳаракатига ёндашишда «маърифатпарварлик» тушунчасига изоҳ бериш лозим.

Маърифатпарварлик тушунчаси илгор буржуазиянинг мафрурасидир, деб тор маънода талкин қилиш ҳам, билми ва адолат гоъяларини тарғиб этиш, деб кенг маънода талкин қилиш ҳам чалқашликларни келтириб чиқаради.

Маърифатпарварлик капиталистик муносабатларнинг вужудга келиш даврига ҳос тарихий конкрет, муайян синфлар ва тоифалар манфаатлари билан боғлиқ, феодализмга қарши гоъявий-маданий ҳаракатдир. Унинг ичида ўз хусусиятлари билан бир-бирдан ажралиб турадиган оқимлар мавжуддир. Бирок уларнинг барчаси объектив равишда жамиятнинг капиталистик йўналиш томон ривожланиш эҳтиёжларини ифодалайди.

Маърифатпарварлиқни феодализмга қарши қаратилган гоъявий ҳаракат сифатида вужудга келиши умумий қонуниятдир. Лекин бу қонуният турли халқларда турлича ва хар хил тарихий даврда намойён бўлади.

Туркистон маърифатпарварлиги ҳам мамлакатни феодализмдан чиқариш учун курашувчи тараккийпарвар қучларнинг манфаатларини ифодаловчи гоъявий ҳаракат эди. Бирок, Туркистон маърифатпарварларининг фаолияти XIX аср охири ва XX аср бошлари Европа капитализмининг тўла тантана қилганлиги, ўлкани Россиянинг мустамлакаси сифатида кескин сиёсий кураш доирасига тортилганлиги даврига тўғри келади. Бу ҳол Туркистон маърифатпарварлигида феодализмдан чиқиш гоъяси билан бир қаторда мустамлакачилик зулмига қарши курашиш, мустақиллик гоъясини ҳам қулайтирди.

Маърифатпарварлик турли босқичларни босиб ўтди. Унинг олдига турган вазифа феодализмдан чиқиш ва тараккийпарвар йўли ҳамда чораларини топишдан иборат бўлган бўлса-да, ҳаёт тақозоси билан кўйилган масалалар ва

уларни хал қилиш чоралари турли босқичда турлича бўлди.

Жадидчилик Туркистон маърифатпарварлик ҳаракатининг юқори босқичидир. Унинг намойндлари, айниқса, Бехбудий, Мунавваркори мамлакатни феодализмдан чиқариш, миллий мустақилликка эришиш учун курашда жонбозлик кўрсатдилар.

Жадидлар ҳаракатида миллий эътиборларнинг деярли барча илгор вакиллари қатнашди. Булар орасида Ҳамза, Авлоний, Холмухаммад Охундий, Иброҳим Даврон, Сидиқий, Мирмуҳсин Шермухамедов, Назир Тўрақуллов ва бошқалар бор эди.

Жадидчилик намойндаларининг қарашларида хилма-хиллик, баъзи масалаларда жадидий фарқ борлигини инкор қилмаган ҳолда, жадидчилик мафкура, муайян қарашлар тизими сифатида капиталистик тараккийпарварликни ифодаларди.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишига Россия мусулмонларининг миллий эътибор ҳаракати мафкурачиларининг таъсири катта бўлди.

Жадидчилик ҳаракатининг диққатмарказида турган масалалардан бири маориф тизимини ислоҳ қилишдан иборат эди. Миллий манфаатларни ҳимоя қила биладиган, иқтисодий ва сиёсий қарамлик ва қолқондан чиқиш муаммоларини еча оладиган замонавий билимга эга, саводли кадрлар бўлиши зарурлигини жадидлар яхши англашарди. «Биз диними ва мамлакатимизни ҳимоя қилишда шончли ва мустақкам воситага эга бўлмоғимиз шарт. Бу восита маорифдир», - дейди Бехбудий. Унинг бу фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Жадидлар маъбутида маорифни ислоҳ қилиш масалалари хар тарафлама муҳокима қилинади. Унда мактаб ишини иқтисодий ва молиявий томонлари, уламолик ва чоризм маъмуриятини янги усул мактабларига муносабатлари, ўқувчилар руҳияти ва одобиға ижобий таъсир қилиш методикаси, ўқитиш дастурлари ва мактаб ишига оид бошқа кўп масалалар ҳақида мақолалар мавжуд.

Жадидлар ўз мақолалари ва асарларида маориф, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзини айрим томонларини ислоҳ қилиш зарурлигини уқитириш билан бирга, ёшлар диққатини мусулмонларнинг ўтмиш маданиятига, илм-фан соҳасида эришган шухратларига, маънавий поклик маса-

ларига жалб қилдилар ва ўтмишнинг мавжуд аҳолига таққослаб кўрсатишга интидилар.

Бирок тараккийпарвар эътиборлар орасида ва маъбутида «Турон» гоъяси ҳам кенг тарқала бошлади. Шу билан бир қаторда улар миллий доирада чекланиб қолмаслик, умуминсоний маданият ютуқлари, фан ва педагогик фикр янгиликларидан фойдаланиш зарурлигини уқитириш соҳасида ҳам маълум тарғибот олиб бординлар.

Жадидларнинг сиёсий дастури Туркистоннинг мустақиллиги учун курашиш вазифини қаратилган эди.

Маҳмудўжа Бехбудий ўзининг турли партияларга бўлган муносабатини ифодалаб, Қорағурухлар партияси фаолиятини қоралайди. Бу партия, - дейди Бехбудий, - подшоҳ билан халқнинг бир-бири билан мулоқотда бўлишига нодир. Хусусан, биз мусулмонлар, ўз талабларимизни, дин ва иқтисод соҳасида камситилишимизни подшоҳга арз қилмаймиз, чунки Олий Кенгаш аъзолари бизнинг барча арзларимизни рад қилиб, подшоҳга етказмайдилар. Бехбудий Социал-демократик ва эсерлар партияларининг дастури ва фаолиятини ҳам салбий баҳолайди. Биз мусулмонлар учун, - дейди Бехбудий, - бу партияларга қўшилиш зарарлидир. Уларнинг муқчилик ҳақидаги талаблари хато ва шариятга мутлақо зиддир. Шаҳс эркинлиги, оила ҳақидаги фикрлари ҳам биз учун мутлақ тўғри келмайди.

Сиёсий партиялар ичида, - дейди Бехбудий, - биз учун тўғри келадиган қадетлар партиясидир, чунки бу партия подшоҳни халқ билан мулоқотда бўлишига имконият яратувчи давлат думаси тарафдоридир.

Бехбудий 1905 йилда ташкил топган мусулмонлар партиясига хайрхошлигини алоҳида таъкидлайди. Бу партия ўзининг умумий сиёсий талаблари ва эътиқоди билан қадетлар партиясига яқин бўлса-да, у мусулмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил қилинган. Шунинг учун, биз Туркистон мусулмонлари, сиёсатда қадетларни қўласак-да, мусулмонлар партиясига қўшилишимиз даркор. Бу партияга хизмат қилиш, уни тарафдори бўлиш - диними, Ватанимиз ва миллатимизга хизмат қилиш, демокдир, - дейди Бехбудий.

Бехбудий Туркистонда мусулмонларнинг диний ва граждандлик ишлари би-
(Давоми 59-бетда.)

СИЗ - МАЛИКА, БИЗ - ФУЛОМ



Ўзбекистон халқ артисти, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг истеъдодли хонандаси Фуломжон Ёкубов номи мустақил юртимиздагина эмас, балки хориждаги санъат мухлисларига ҳам яхши таниш. Фуломжон ака ижодда ўзбек халқ кўшиқларининг турли қирралари - эстрада, лирик ва романтик жилоларини кўриш мумкин. Ундаги туғма санъаткорлик, бадий тафаккурнинг кенглиги ва ўзбек кўшиқчиликлари мактабига хос гўзал жўшқинлик бир бутун ялпитлик касб этади...

Фуломжон Ёкубов Тошкент шаҳар Кўкча даҳасининг ҳозирги Шомаҳмудовлар маҳалласида туғилди. У болаликнинг шўх, ўйинқароқ даврлариданоқ ўзида мусиқа садоларига мойиллик сеза бошлади. Бўлғуси хонанданинг тоғаси дуторни яхши чалар, дўстлари даврасида ўзбек халқ куйларини бутун вужуди билан берилиб ижро этарди.

Муסיқавий мухит, ёрқин ижрочилик таассуротлари уни кўшиқчи бўлишга ундади. Ёш Фуломжон ҳали мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ мусиқага ғайриоддий ишқибозлиги билан ажралиб турарди. У шаҳар ўқувчилари олимпиадасида, бадий ҳаваскорлар тўғарагида ўзини кўрсата бошлади. Бир куни таниқли хонанда Фаҳриддин Умаров унинг кўшиқларини эшитиб қолди. Унинг оҳанграбодай жозибали овози, хузурбахш ашуласи таниқли хонанда эътиборини ўзига тортади. Шунда у Фуломжоннинг кўлини қаттиқ қисиб: «Сен боладан катта ашулачи чиқади», - деб кўйганди. Фуломжон 7-синфда ўқиб юрган кезлари Ҳамза номидаги мусиқа мактабига қатнай бошлади. Ниҳоят Кўкчадаги 40-мактабни тамомлаб, ҳозирги Маннон Уйғур номли Санъат институтига ўқишга кирди. Таҳсил билан бирга ўз устида тинимсиз ишлади. Унинг беқиёс қувваи ҳофизаси радио ва грампластинкалар орқали янграган лирик ва оммавий кўшиқларни тезда ўзлаштириб олар, шу тариқа ёш кўшиқчининг репертуари тобора бойиб борар, чиқишлари муваффақиятли ўтарди. Бу эса унинг халқ орасида шухрати ошиб боришидан дарақ берарди. Кўшиқчи ижодда ўзбекона нафосатга шайдолик, она-Ватанга муҳаббат, халқимиз маънавий гўзаллигини куйлаш асосий ўринни эгаллайди.

- Кўшиқни ҳар қанча таърифласанг ҳам озлик қилади. Кўшиқ инсонга ором беради, унга қанот бағишлайди, - дейди Фуломжон ака.

Унинг кўшиқлари кўпроқ севи, муҳаббат ҳақида. Ўзининг муסיқийлиги, ўйноқилиги, жозибалилиги билан кишини ром қилиб қўяди. Бундай нозик кечинмаларни ифодалаганда, куйлаганда беихтиёр ишқ аҳлининг юрак торлари чертилади, ҳислари жўш уриб, унга завқ бағишлайди, кўшиқларида инсон бахтини, саодатли туйғуларини тараннум қилади.

Фуломжон акани яна саволга тутаман:

- Сиз бирор шоир ёки шоира билан ҳамкорликда ижод қиласизми?

- Йўқ, газета-журналларда чиқаётган шеърларга катта эътибор бераман, шеърий тўпламларни синчиклаб ўқийман. Шундай қилиб, менга ёқиб қолган шеър кўшиққа айланаверади.

Бир қаранг тўйсин кўзим,
Дилдорингизга ташнамен.
Икки шахло кўзингиз,
Хуморингизга ташнамен.
Ўзгалар васлин,
Умид этмоқ хаёли-ю,
Вале майли, озорингизга ташнамен...

Бу дилрабо кўшиқни тинглар эканмиз, кўз олдимизда покиза муҳаббат рамзи намоён бўлади. Инсон вужуди ва қалбига роҳат бахш этувчи ёқимли тонг шабодасидай хуш наво келиб урилади. Хали баргларида шабнам кўтарилмаган гуллар ошиқ шоир хаёл қилган маъшуканинг истиқболига бош эгиб, таъзим қилаётгандай.

- Бундай жозибали, кишини ром этгучи шеър ва газаллар шоирлар ижодининг маҳсули. Шоирларнинг ҳақиқий дил сўзлари, дардлари шеърларига тўкилади, - дейди Фуломжон ака. - Мен шоир ва шоирларни жуда ҳурмат қиламан. Уларни энг нозик табиатли одамлар деб биламан.

Ҳа, кўшиқчини халққа, кенг жамоатчиликка танитган ва мухлислар томонидан шунчалар эъзоланишга олиб келган нарса унинг кўшиқларидир. Фуломжон аканинг катта муваффақиятларининг асосий сабаби унинг самимий кўнгли-ю, камтарлиги. Гўзал кўшиқлари билан кўпчилиكنи ўзига мафтун этган Фуломжон Ёқубов ҳақида ёзиш менга топширилганда, ростки, бир оз ҳаяжонландим. Ахир машҳур одамлар билан суҳбатлашиш осон эмас-да. Аммо Фуломжон Ёқубов қанчалар машҳур бўлмасин, шунчалар камтар экан. Уларни топиш ҳам, суҳбатлашиш ҳам осон бўлди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим: эндигина танилиб келаётган айрим кўшиқчиларимизнинг ҳаммаси Фуломжон акадай камтар, камсуқум эмаслигидан кўнглинг ранжийди. Уларни икки оғиз мактов талтайтириб юборган, ўз орзулари қанотида маст-аласт бўлиб қолганлар. Манманликнинг умри қисқалигини улар биларми-кан? Фуломжон ака бастакор Абдуҳошим Исмоилов билан 15 йил давомида ҳамкорликда кўшиқлар яратди. Ҳозирда Алишер Расулов билан кўшиқ санъатининг янги-янги жило йўлларини кашф этишмоқда.

- Табиат одамга чексиз нур, истеъдод берган экан, ноёб овозни беҳуда, бачкана кўшиқларга сарфламаслик керак, - дейди Фуломжон Ёқубов. - Санъатга жиддий муносабатда бўлиш, халқ дилига тез кўчадиган теран мазмуни кўшиқлар куйлаш, доим ўз ижодини тафтиш ва таҳлил қилиб туриш санъаткорнинг биринчи вазифасидир. Зеро, саёз, бачкана, беибо кўшиқлар билан ёшлар тарбиясини бузаётган маданиятсиз хонандалар тезда эл назаридан қолади.

Фуломжон Ёқубов бутунлай бошқача санъаткор, уни тингловчилари юракдан севишади. Хонанданинг мухлислари ҳам жуда нозик қалб эгалари. Улар ўз тўйгуларига санъат воситасида жавоб излайдилар. Ўз кайфиятлари ва дард-изтиробларининг сабабини аңлашга интиладилар. Бундай тингловчилар унинг сиймосида ғайритабиий зотни эмас, ўзлари билан тенгма-тенг сўзлашга қодир инсонни кўрадилар. Унинг овозида ўзгача оҳанг, гўзал талаффуз билан кучайтирилган соф интонация, сохталик ниқобини ситиб ташлагувчи сеҳр, айни пайтда санъаткорнинг эркин нафаси жананглади. Фуломжон аканинг санъати ҳам тушунарли, ҳам сирли. У - замин фарзанди бўлгани ҳолда кўнгли, орзулари осмон билан бўйлашади.

- Фуломжон ака, раққосаларимизга муносабатингиз қандай?

- Кўшиқ халқ дилига янада кириб боришида, уларга манзур бўлишида раққосага, унинг маҳоратига

кўп нарса боғлиқ. Кўшиқ маъносини бармоқлар, кўзлар, имо-ишоралар, қўйинги, бутун борлиги билан тасвирлаб, баён қила олиш ҳар бир раққосанинг кўлидан келавермайди. Мен Дилафрўз Жабборовада ана шундай чуқур истеъдодни кўрганман. Мен у билан 15 йил бирга ижод қилдим. Ҳар бир кўшиқ яралган, раққоса керакми-йўқми, шу хусусда ўйлайман. Раққосаларни олдиндан қузатиб юраман. Сўнгра ўша маҳоратли раққосага кўшиқ ёзилган тасмани топшираман. Мен жуда инжиқман. Кўшиққа раққоса жуда мос келишини истайман. Ўзбек халқи жиддийлик ва кувнокликини уйғунлаштирадиган орзу-хавас руҳи билан суғорилган, образлар ёрқинлиги билан ажралиб турадиган, ҳам сўз, ҳам рақс, ҳам мусика, ҳам овозни ўзида мужассамлаштирган яллаларни хуш кўради.

- «Дилором» номли кўшигингиз шу кунларда каттаю-кичикни хаёлини ўғирлаган. Уни ўзларича хиргойи қилиб юрганлар ҳам жуда кўп.

- «Дилором»... бу кўшиқ ўзимга ҳам ёқади. Шеърнинг муаллифи таниқли шоир Муҳаммад Юсуф. Айнан мен учун ёзилгандай. Ўзингизга маълум, М.Юсуфнинг жуда кўп шеърлари кўшиққа мос қилиб ёзилган. Улар гўзал, самимий, тушуниш осон бўлган мисралар. Унинг «Дилором» шеъри менга ёқиб қолди, Алишер Расулов куй басталади.

- Аслида умр йўлдошингиз Сизнинг ҳақиқий «Дилоромингиз». Келинг мақоламызга «СИЗ - МАЛИКА, БИЗ - ФУЛОМ» деб сарлавҳа қўйсак. Ахир сизнинг сунган тогингиз, сервилми фарзандларингизнинг онажони, шунчалар юксак парвозларингизга мададкор бўлган шу мўътабар рафиқангиз эмасми? Шунингдек, суҳбатимиздан Сиз гўзаллик ва муҳаббат Фуломи эканлигингиз сезилиб турибди.

Бир қайрилиб бир боқиб,

Айладингиз бизни ром.

Энди бизда йўқ ором,

Дилором, Дилором...

Сиз - Малика, биз - Фулом.

Елка тўла сунбулми,

Сунбул, сунбул сеч-миё.

Киприк ўпган қошми у,

Бир жуфт қалдирғоч-миё.

Дилором, Дилором...

Сиз - Малика, биз - Фулом...

Фуломжон аканинг «Сенинг кулишларинг», «Сен ўзинг», «Ўйласам» номли кўшиқлари ўзининг нафис, ўйноқлиги билан кишини ўзига мафтун этади.

Фуломжон аканинг беқиёс иқтидори халқимиз томонидан кенг эътироф этилди. 1986 йили собиқ Иттифоқнинг «Олтин диск»и билан тақдирланди, 1987 йили Ўзбекистон халқ артисти, 1989 йили Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. Ҳа, Фуломжон ака санъаткорга бериладиган қандай мукофотлар бўлса, даярли уларнинг ҳаммасига эришди. Буларнинг барчаси тинимсиз изланиш, ҳалол меҳнат самарасидир. Биз ҳам камтарин, изланувчан ҳофизимизга куч-қувват, соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

ГУЛИРАЪНО.

«ФАРҶОНА ТОНГ ОТГУНЧА...»

Кўқон ўтмиш хонлар шавкати ҳақида сўйларди. Арк эса қандайдир тоғ-тош махлуқларининг устухонларини жамлаган хоналардан мутавозе, хушхуақ, қилқалам мирзоларини қидириб юргандек...

Кўқон аз азал шоирлар макони эди. Кўқон театридаги торгина хонада қадимий хонлиқнинг бугунги зиёдилари жамулжам. Улар ҳамон зиё одам боласини ваҳшийлик ва йўқсилликдан қутқаради, деб, ишонишади. Шунинг учунми Кўқоннинг забардаст зотларидан бири Нуруллоҳ Ҳожи Абдуллоҳ совуқ театр сахнасида гоҳ Шоҳ Ҳаҷонни, гоҳ Худоберхонни тириштиради, йиғлатади, ўлдирди... Бу такрор -такрор давом этаверади. Кўқон ажаботвор зиёларар тожирнинг саховати ва заковатига лол қолса-да, билади: Кўқон шундай зотлар билан Кўқондир.

Муҳиддин Ҳофиз марҳум устози яна бир кўқонлик муришид Таваккал Қодир ўғлини эслаб йиғлайди-да айқириб, куйлайверади. «Мана бу кўшиқни эшитинг!» - дейди сўнг. «Мансур Хўжа акани биласизми? Оҳ бир кўрсангиз эди...»

Ҳабибуллоҳ Саййид Фани, Маликжон Бобораҳим, Аҳмад Фозил, Маҳмуд Раҳматуллоҳ, Мирабижон Набижон...

Уларни жаҳон билмаса-да Фарғона билади, Фарғона билмаса, Кўқон билади. Кўқон билмаса, Дангара билади. Дангара билмаса, кўчани тўзонга қориб юрган болалар билади.

Биз тошкентлик меҳмонлар -ҳалқимизнинг суоқли шоири Ҳалима Худобердиева, бош муҳаррири-миз Тилаб ака Маҳмудов, фавқулодда куюнчак ва фозила аёл Дилбар она, ниҳоят камина водий бўйлаб кезарканмиз буюк бир ҳикмат қайта-қайта тилга олинаверди:

Жонини ҳам, нонини ҳам бировдан аямайдиган бу миллат бир кунни яна минглаб Фарғонийларга доялик қилади, яна юзлаб Маширларига жунун дарсини беради. Ҳар бир қарич тупроғида райхонлар билан саф-басаф шоирлар ва ҳофизлар етишади. Ҳар зарра тупроғида Таваккал Қодирнинг нолишлари янрайди. Яна Ҳувайдолару Ҳазинийлар Фарғонада тонг отгунга қадар зикр тушишади...

Аскар МАҲКАМ

МАНСУР ХҲҲЖА

Ўлтирган эдинг бошқалар ўрнига
Биров ҳам ўлтиргай сенинг ўриниңга
Кеча ўтдию, эрта маълум эмас,
Ҳисоб эт шу кўнни, ғанимат нафас.

Саъдий Шерозий.

ҚАЙТИМИ БОР

Дейдиларки: муруватта муруватнинг қайтими бор.
Содик бўлгин, садакатта садакатнинг қайтими бор.
Сен дўстликка амал этиб азиз тўтлil дўстларингини,
Муҳаббатли кўнгилларга муҳаббатнинг қайтими бор.

Тарихингта солгин назар, ёмонликни қайтими бор.
Ёмонликдан айла назар, омонликни қайтими бор.
Биллиб кўйки, тош-торозу эгманнинг ўз кўлидадур.
Камгарин бул: камрон бўлгин камронлиқнинг қайтими бор.

Яхшилик кил одамларга яхшиликнинг қайтими бор.
Ятрок ҳазон бўлар, аммо бахорнинг ҳам қайтими бор.
Ҳар соҳада ибратли бул бутма амал ботқонга.
Асил авлод тарбия кил асилликни қайтими бор.

Халол яшаб дуо олгин, дуоларнинг қайтими бор.
Отангта ҳеч қайтарма сўз садоларнинг қайтими бор
Ёмғир билан ер қўқарур, дуо билан эл деганлар.
Сен гердайиб кўкка бокма, самоларнинг қайтими бор.

Нон ҳар ёндан нон ўқилур имонларнинг қайтими бор,
Нондек азиз бўлгин элда имконларнинг қайтими бор.
Халол ризқни харом билан қорширтма, асло дўстим
Эхсонингни миннат этма эхсонларнинг қайтими бор.

Сен дунёга ташла назар, дунёларнинг қайтими бор.
Қадим оккан ўзанларга дунёларнинг қайтими бор.
Иблис мисол ҳаёсизлар виждонларинг сотмишларлар
Мансур элим омон бўлса, ҳаёларнинг қайтими бор.

ЯХШИЛИК ҚИЛ

Сен отангта яхшилик килгин,
Қайтар бир кун жондек болангдан.
Ҳар онини ғанимат билгин,
Сўнг наф бўлмас чеккан нолангдан.

Ҳеч зот йўқдур онадан зиёд,
Кўзингта сурт пойин гардини.
Истакларин айлагин бунёд
Дардим деб бил халқнинг дардини.

Толенигда бўлсин азиз дўст,
Керак бўлса тоғдек кўллағай.
Битар бир кун, бўлса каму кўст,
Умр дўстсиз умр бўлмағай.

Устозини эъзозласа ким,
Шоғирдларин меҳрин қозонғай.
Ҳақиқатдур ҳаётга хоким
Мардлар доим элим деб ёнғай.

Умид билан келажакка бок,
Сен ўтмишдан ибрат ол доим.
Сўзинг бўлсин қуёшдек кайноқ,
Кўксингта нур солсин Худойим.

Ёкиб кўйгин ўтар йўлингта,
Буюкларнинг чирокларини.
Зар йиғмагин йиғгин кўнглингда,
Доноларнинг сабоқларини!



Аҳмад аз Фарғоний таваллуҳини 1200 йиллигига

ЖУДОЛИК

Солса вужуд киёмат, учганда руҳ фалакка,
Котганда қўза хайрат, ризвон йўли гўзалдир.

Узмай аёқ заминдан, қўзалар камашди нурдан,
Жон дейди: Неаломат, осмон йўли гўзалдир!?

Маҳмуд, кибрни сиңдир, шайтонга хай бериб ўт,
Оллох ўзи чиройлик, имон йўли гўзалдир!

ФАРҒОНИЙ ФОКИҲАЛАРИ

(туркумдан)

Уйғотади юлдузлар имлаб,
Хур кичкирик садоларидан.
Эрк хақида уйларим шаккок -
Фарғонийнинг нидоларидан.

Юрак армон ила куймағай
Безовталиқ чанқоқларига.
Хар нолада гуллар юз очди,
Фарғонийнинг зўр охларига.

Мажруҳ умид яшамас бунда,
Шубҳаларга чўмас тўлин ой.
Милтилламас хақиқат унсиз,
Фарғоний бу - бетакрор чирой!

Нур юғураб, зиё уйнайди,
Оғиз калбим, идрокларимга.
Мен жимгина бошим қўяман,
Фарғонийнинг руҳ покларига...

ФАРҒОНИЙ
НИМҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

Хурлик мўждасидан бетокат юрак,
Эркининг нафасидан эңтиқар Куббо.
Номсиз титрок ила интиқ талпиндик,
Сиз ҳам сездингизми, Фарғоний бобо?..

Қўз очар умидлар, гул тугар орзу,
Чечаклар юзида уйнайди сабо.
Кўнгил бўшлиқларин забт этар зиё,
Сиз ҳам сездингизми, Фарғоний бобо?..

Илм шарофати - юртва ободлик,
Кўзни камаштирар бу оханрабо.
Нурдан жилваланди қайта Фарғона,
Сиз ҳам сездингизми, Фарғоний бобо?..

АҲМАД ФАРҒОНИЙ СЎЗИ

Зиё бўлди талпинганим,
Улашганим меҳр бўлди.
Айтнинг қани болаларим,
Сизнинг кўнгил недан тўлди?..

Олам сирин очай дедим,
Йўлим боши, оёғи ранж.
Айтнинг қани болаларим,
Қолаётти сиздан не ганж?..

Илм бўлди бош дастурим,
Кўнгил қўйдим самоларга.
Айтнинг, қани болаларим,
Мойлисиз қай наволарга?..

Армон экан асли дунё,
Дармон бўлгим келди унга.
Зиёлардан хайкал қўйинг
Сиздан қолар шубҳа қунга!

Дадам қазо қилган кунда
Пайдо бўлди ховлида тобут.
Видолашдик жасад ёнида.
Қабристонга элти элу юрт.

Қўзим тушган лаҳад чоҳига,
Амин бўлдим - тоғим қулади.
Чиндаб бўлмас синглим оҳига,
Пешонамни онам силади.

Етимликнинг илк бор тўнида,
Тошлек боғди ёстиғу кўрпа.
На ухладим, на уйғок эдим -
Юргандайин ховлида шарпа...

Таскин бериб, юпатар онам,
Мусибатни бирма-бир кўрдик.
Бобосини сўроқлар болам.
Билмайдики, ул юлдуз сўнди...



ОНАМГА

Қуддукан сув тортидим, чўлда пакирлаб,
Яхшики, дош берди узимлай аркон.
Шўқроналар айтиб ичдим ютоқиб -
Танамда ташналиқ пасайди шу он.

Қўп ишлаб, эскирган узун аркондан,
Узрилиб қўлимда бир қулоч қолди.
Қасфладиму онам берган талқондан,
Онам меҳри мени чулғайди-қолди.

Онажон! Қўймайсан қудук сувларин,
Сув олгани афсус, этмас арқоним.
Арқон эшиш билмас юрт сулуварин
Меҳрингиз қўмсайман чанқанга оним...

Маҳмуд РАҲМАТУЛЛО

ИМОН ЙЎЛИ ГЎЗАЛДИР

(Устоз Уфтола хазратлари ва Маҳмуд
Худоний руҳи покларига бағишлайман)

Дерлар: Гўзал бу дунё, имон йўли гўзалдир,
Оллох қаломни гўзал, Қуръон йўли гўзалдир.

Имон бўлиб яралдик, сенга шўқр эй Оллох,
Марҳаматинга таҳсин, инсон йўли гўзалдир!

Келмак мўяссар ўлди, кетмак экан мўқаррар,
Минг битта сир, синовлинимон йўли гўзалдир.

Уртаса дил сониниб, қийнаса пок муҳаббат,
Васлини ваъза этган хиёрон йўли гўзалдир.

БИР КУНИ

Шоҳ эмасдурсан агар қулсанг гадоан бир қуни,
Тонмағинга йўқ илож қилган хатодан бир қуни.

Ўз хатомдан қўймадим, қилди хатони бошқалар,
Бошқалар айлаб хато, ўлдим хатодан бир қуни.

Ўзта дашном, камситиш кўрдим, қаноат айладим,
Оқибат нарқимни сўрдим қахрабодан бир қуни.

Ўз тубанлар хийласидан қўйди жоним ўртада,
Чикмали бечора бош ҳам жоғародан бир қуни.

Мен ку, оқиб бандадурман, кечир ўзинг Оллоҳим,
Бўрма юз, айлаб иноят, мен адодан бир қуни!

Дўстларим, Мангитда Маҳмуд борми деб излаб
келдинг,
Қим қолур, қўшлек учиб кетмай ародан бир қуни!

Мирабижон НАБИЖОН

ИНСОН МЕҲРИ

Инсон меҳри мисоли тулрок,
Тугамайди ҳеч саховати.
Тулрок қора, меҳр-чи оппоқ.
Оқ қўнгиллик инсон одати.

Инсон меҳри, бу-зилол булоқ.
Тугамайди оқиб ҳеч қачон.
Булоқ совуқ, меҳр-чи қайноқ,
Ухшамайди булоққа инсон.

Инсон меҳри-нурли бир олов,
Эригади қалбларни оташ.
Ўт ўчади, меҳр-чи, ўчмас,
Қалбни ўт деб мўжминмас аташ.

Инсон меҳри мустаҳкам олмос,
У табиат бахш этган бардос.
Аммо инсон меҳри олдиди
Олмос, у - бир ярқираган тош.

Инсон меҳрин демасман қўлдус,
Тавриф етмас қуёш десам ҳам.
Инсон меҳри- чексиз қоинот,
Унда бутун олам мўжжасам.

ҚИЗИМГА

Қўлларига шар тутган қизим,
Битта-битта ташлайди қадам.
Йиқилишдан қўрққандай тўхтаб,
Қараб қўяр атрофига ҳам.

Эхтиёткор бўлмаса булғча,
Бир шар учун шу жаҳки юрак.
Ха, инсонлик фалсафасидан
Мурғак қалба бу илк бор дарак.

Майли, қизим, бўлгин эхтиёт,
Қараб юргин доим йўлингта.
Тутқазади ахир келажак
Ер шарин ҳам бир қун қўлингта...



ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ


Инсон томонидан очилган кашфиётлар, барпо этилган қаср ва кўрғонлар, суғориш иншоотлари, ихтиро этилган ўлчов асбоблари, мураккаб математик формулалар – буларнинг ҳаммаси унга берилган ақлу заковатнинг ҳисосиди. Асрлар давомида одамлар илмий билимлардан амалий масалаларни ечишда фойдаланганлар. Билимларнинг кўпайиши эса халқларнинг маънавий, интеллектуал ҳаётини, турмуш тарзини ўзгартирган, тараққиёт одимларини белгиллаган. Илм сирларини ўргана борган инсон улуг кучга эга бўлади ва Оллоҳ яратган асл борлиқнинг асл моҳиятини тушуна бошлайди, унинг қудратига, бениҳоя имкониятлари ва ягоналигига иқрор бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир инсон илм-фанга интилиши, ҳалол касб-ҳунар ўрганиши, малакасини ошириши, ўтиш даврининг қийинчиликларидан эсанкирамай, ўзини шода-пиша сенил йул билан даромд қилишга урмай, ақл-идрок имкониятларидан кўпроқ фойдаланишга интилиши лозим.

Ҳар томонлама билимли, ўзида жамиятнинг интеллектуал бойлигини муҳассамлаштирган, дунё цивилизацияси ятуқларидан хабардор бўлган, илмий фаолият билан шуғуланувчи олим, муҳандис зиёлилар мамлакатимизнинг тараққиётига хизмат қила олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд 362 илмий-тадқиқот ташкилотларида 46 мингдан ортиқ илмий ходимлар ҳамда илмий муҳандис кадрлар фаолият кўрсатмоқдалар. Республика олимлари замонавий илм-фаннинг фундаментал ва амалий соҳаларида иш олиб бормоқдалар. Улар кам ўрганилган, долзарб ва янги муаммоларни ечиш, ўз меҳнатлари билан республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, унинг истеъдод имкониятларини мустаҳкамлашга кучларини сарфламоқдалар.

Илмий изланишлар билан шуғуланувчи тадқиқотчи олимлар уюшмаси, илмгоҳларга бўлган талаблар фан-техника тараққиёти ривожланган сари ортиб боради. Шу сабабли улар, ўз сафларида худбин, фақат ўзини, тор манфаатни ўйловчи шахслардан холи бўлишлари лозим. Бундай шахслар энг кам қаршиликсиз йўлдан бориб «диссертабел» мазмуланигина ишлаб, жавонларни тўлдиришгагина хизмат қиладилар. Улар даража ва унвонларга интилиб, ижод, яратувчилик, янгилликка интилиш, жамият тараққиёти вазибаларини устувор қўйиш ҳисларидан маҳрум бўладилар.

Илмий фаолият билан шуғуланувчи шахслар хислатининг муҳим томони илмий-техник тажриба ўтказиш маҳоратидир. Бу маҳорат ҳамиса юқори баҳоланган. Лекин бугунги кунда тажрибалар ўтказиш мазмунига янгича маъно киритилган. Алхимик ўз даврида оддий хом ашёлардан олтин олишда хатога йўл қўйганда жамият кўп нарса йўқотмаган. Ҳозирги кунда тажриба қилаётган олим хатоси мисли кўрилмаган харажатларга сабаб бўлиши мумкин. Илмий тадқиқотнинг мақсадини тўғри таърифлаш, ўтказиш воситаларини топиш ва амалга ошириш ўта муҳим масалалардан биринди. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан республика олимлари ва муҳандисларига янги




тажрибалар ўтказишга шароит, молиявий ва моддий техник воситалар билан ёрдам бериш керак. Республикаимиздаги мавжуд 101 илмий текшириш институтларида, олий ўқув юртлари қошидаги 55 илмий-тадқиқот бўлимларида, 65 лойиҳа-конструкторлик ташкилотларида, 32 илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва экспериментал корхоналарида илмий тажрибалар ўтказилади. Улар фан-техника тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўйиши мумкин. Ҳар бир тадқиқотчи, муҳандис илмий тадқиқот соҳасида муайян билимларга, тажрибага эга бўлиши лозим. Бу сифатларнинг асосини олий таълим тизими шакллантириши лозим.



Иқтисодий билимларни ўрганиш илм аҳлига илмий-техник гоиларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда, фойдаланиладиган моддий, молиявий ҳамда ақлий салоҳиятларнинг қадрини тушуниб етишга, улардан самарали фойдаланиш масалаларини билишга имкон туғдиради.

Илмий фаолият билан шуғуланувчи кадрлар тадқиқотлар натижаларини амалиётга (жорий) тадқиқот энтанларида баъзи салбий оқибатларга ҳам дуч келадилар. Масалан, қишлоқ хўжалик зараркундалари билан курашнинг авиахимик технологиясини жорий этганда атроф-муҳитга, флора ва фаунага зарар етказилади. Бу кўнгилсиз натижалар илмий тадқиқотларни олиб бориш жараёнида, улар бўйича ҳисоботлар тайёрланаётганда ва, албатта, амалиётга жорий этилаётганда чуқур ўрганилиши, ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Бу мисолдан худоса – олим ва муҳандис кадрлар фаолиятларининг натижаси учун жавобгардилар. Шахсий масъулият, экологик хавфсизлик, табиатни асраш илмий фаолият билан шуғуланувчи кадрлар учун муҳим хусусият, у тараққиётнинг ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир илмий фаолият билан шуғуланувчи олим, муҳандислар ўз меҳнати натижаларига ўзлари жавоб берадилар. Ижодий ўсишдан тўхтаган мутахассис рақобатга дош бера олмай, оқимдан ортда қолиб кетаверади. Шунинг учун ҳам илмий фаолият билан шуғуланувчиларни рақобат меъёрлари асосида табиий танлаш йўли билан ёшлар орасидан топиш бугунги муҳим вазибалардандир.

Абдуғаффор ОРТИҚОВ.





ЗАР ҚАДРИНИ БИЛГАН ЗАРГАР

Шарқнинг ўзига хос қўринишларидан бири аёллар тақинчоқларининг мўл-кўдлигида ҳам намоеъ бўлади. Ўзбекистонда ҳам худди ана шу ҳолатни кузатиш мумкин. Заргарлик буюмлари тақмаган ўзбек аёлини деярли учратмай-сиз. Одатда бундай тақинчоқларнинг қиммати хом ашё ҳамда заргарнинг маҳорати билан уйғунликда белгиланади. Маҳаллий аёллар Оврупога хос тақинчоқлар ҳам тақинади, аммо миллий безаклари садоқат ва кизиккиш хамиша ўзини кўрсатиб туради.

Ўзбекистондаги заргар усталар сулоласи вакилларидан бири Фасихитдин Дадамухамедов. У ўзи яратётган узук, сира, биллакузук, тумор ва бошқа тақинчоқларда анъанавий миллий ўзини ва шақллари сақлагани ҳолда ўзи ҳам янгиликка интилиб меҳнат қилмоқда.

Албатта, бу ажойиб санъат асарлари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Фасихитдин Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида турилган ва, табиийки, унинг болаликдаги дастлабки ёрқин таассуротлари шовқинли бозорлар, раиғ-баранг либослар, кўхна обидалар билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли у касб ташлашда узук мулоҳаза қилиб ўтирмади. У Островский (ҳозир Уйғур) номидаги театр ва расомлик институтининг санъат бўлимини битирди. Сўнг халқ амалий санъати музейида ишлаш бошлади.

Санъат асарларининг назарий жиҳатдан ўргатилиши унда амалиёт кизиккиш уйғотди. Албатта, истак кучли эди, аммо Фасихитдин устоз кўрмаган шоғирд мисоли хар мақомаг айўрғалашни истамади ва таниқли уста Ниязали Холматовга шоғирдликка келди.

Бугун буларнинг бари ортда қолди. Зеро, Фасихитдин Дадамухамедов энди Ўзбекистоннинг таниқли заргар-расоми, энди унинг ўзи байини устози сингари таниқли материаллардан фойдаланиб иш юритади. Миллий анъаналарга садоқат эса Фасихитдиннинг асарларига такрорланмас рух ва кайфият бағишлайди.

Фасихитдин ўз ижодига оддий тарзда уч мактаб услубларини бириштиришга уринади. Булардан биринчиси, илдилари темирүйилар даврига, Хиротга бориб тақаллаган, тожик ва афғон услубларига ҳамоҳанг Сурхондарё ва Қашқадарё йўли. Иккинчиси эса Бухоро,

Самарқанд, Фарғона ва Тошкент йўли. Ва ниҳоят, туркман, қорақалпоқ ва қозоқ услубларидан ибтидо олган, бироқ ўзига хос мустақил бўлган Хоразм мактаби. Зеро, бу мактабларнинг ҳар бирининг ўзига хос нозик, айрича, мутлақо ўзига хос томонлари бор.

Масалан, хоразмликларга хос бўлган сирғаларнинг устки қисми одатда гумбаз шаклида бўлади. Фарғона ва Тошкент мактабларида эса бу хусусият бало-қазолардан асровчи унсурлар мўллигида акс этади.

Айни пайтда Ф. Дадамухамедов тошларнинг турли хусусиятлари, айтилайлик, ёмон кўздан асраши, тана узвларини соғлом тутиши ҳақида соатлаб, мароклибни хикоя қилиб бериши ҳам мумкин...

Шарқ халқи азал-азалдан марваридга ҳам алоҳида эътибор бериб келган. Қўхна ажодлар марварид сихат олиб келишига, сарик хасталигига, жиғар шишига қарши ишончли восита эканига, шунингдек, бошқа бир қатор хасталикларга қарши тура олишига қаттиқ эътибор билан қарашган.

Ф. Дадамухамедов Польшада мис, никель ва хром қотишмасидан тайёрланган «мельхиор»дан Сурхондарё мактабига хос тақинчоқлар ясади. Бу мактабга хос сирғаларнинг аксарияти бодом шаклида ишланган, марказида эса кўз қўйилган бўлади. «Турна қатор» деб номланувчи биллакузук ҳам айнан шу туркумдан.

Фасихитдиннинг безаклари ҳайратда қоларли даражада нозик ва айни пайтда куймадай таассурот қолдиради. Ва услубда беҳиштер асар мавзига сингишиб кетган янгиликни илрай олмай ҳам қола-сиз. Мисол учун, Бухоро мактабига хос бўлган «Уч кўзача» номли сирғага янги-ча ёндошган Фасихитдин «Беш кўзача» сирғасини яратди.

Заргар илоҳий тимсоқлар акс этган безаклар ясашга бежиз киришмаган. Агар разам солиб қарасангиз, уларнинг барисиде Замин ва Коинотнинг мудом уйғунликда бўлишининг рамзий белгиларини учратасиз.

Фасихитдин заргар санъатини ижодий иш деб ҳисоблайди, яъни фаолият фақат қўл ва кўзга эмас, балки юракка ҳам боғлиқ. Фақат ана шундайгина яратилган ҳар бир асарда санъаткорнинг

шахси, нафаси, юрак тафти сезилиб туради.

Ижодкорнинг сўзларига қараганда, баъзан ўз режасини у йиллар давомида пиштириб юраккан. Илҳом келганда эса асар хаттоки бир кунда ҳам яратилиши мумкин экан. Зеро, илҳом ўз оти билан ижоднинг юлдузли онлари, бу жараёнда санъаткор мулоҳазага, мушоҳадага эмас, кўпроқ илоҳий туйғуларга, саодатли дақиқаларнинг ажиб завк-шавқига таянади, ахир.

Назаримда, Фасихитдиннинг асарларини музей ва кўرғазмаларда, ойпаванд қаллоқ остида эмас - ахир бу ҳол инсонни бевосита мулоқот жараёнида мосуво этади - балки қўлга олиб, шоммай, диққат билан, айлантириб қўриб, шаклини хис этиб томоша қилиш керак. Мана шу ҳолатда Сиз беҳиштер асарини «тинглай» бошласиз...

Фасихитдин Бадий Академия қошидаги ижодкорлар уюшмаси аъзоси, «Мунаввир» илмий-амалий марказ қошидаги «Хунарманд» ассоциацияси ижодий Кенгашининг аъзоси, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган қўлбал кўрғазмаларнинг фаол иштирокчиси. Ижодкорнинг бугунги изланишлари ҳам ўзининг кўп қиррали эканлиги билан кишининг диққатини ўзига тортади.

Ижодкор Ўзбекистондан олисларда ҳам таниқли. Унинг ишлари Санкт-Петербургдаги Шарқ халқлари этнографияси музейида, Польша, АКШ, Бирлашган Араб Амирлиги, Малайзия, Франция, Исроил сингари давлатлардаги шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Сулола анъаналари эса давом этмоқда. Ижодкорнинг икки ўғли - Мухсин ва Фахритдин мактаб ва институтдан сўнг оталарининг қўлида заргарлик санъатининг нозик томонларини кунг билан ўрганмоқдалар.

Энг муҳими, Фасихитдиннинг келгуси режалари улкан. У ажойиб санъат - заргарлик орқали инсонлар кўнглига қувонч, ҳайрат, завк-шавқ улаштишдан асло қарчмайдми.

Сергей НЕМЦОВИЧ,
санъатшунос, Бадий Академия
қошидаги ижодий Кенгаш
аъзоси.

ЭЗГУЛИК УЧУН ЯРАЛГАН УМР

Розахон Жаҳонова Кўқондаги Ҳамза номли мусикали театринг етакчи ижодкорларидан биридир.

Розахон асли марғилолик, у 1937 йилда зиёлилар оиласида дунёга келди. Раҳматли оталари - Жалолхон Жаҳонов ва оналари - Хожархон Жаҳоновлар маориф ходими бўлган. Хожархон ая машҳур ёзувчи ва драматург, мусиқашунос Фулом Зафарийнинг қизларидир. Шу боис бу оила адабиёт ва санъатга жуда яқин турган. Бўш вақтларида Розахоннинг оталари скрипка чалишни, оналари эса танбур чертишни ёқтирар эдилар.

Шоир Ҳамза Ҳакимзода Фарғонада ишлаб юрган кезларида (1920 йиллар) Розахоннинг опоқ дадалари билан яқин дўст бўлиб қолган ва уларнигига тез-тез келиб турган. Хожархондаги мусиқага бўлган қизиқиш ва юксак ижрочилик маҳоратини кўриб, унга ўзининг танбурини совға қилган экан. Розахон томонидан тортиқ қилинган бу танбур ҳозирги кунда шаҳримиздаги Ҳамза музейида

сақланмоқда.

Розахон ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари драма тўғарагига қатнашиб юриб, шеър ўқиш, ашула айтиш ва рақсга тушишни яхшигина ўрганиб олган эди.

Уни спектаклларда етакчи ролларни ўйнаган Ўзбекистон халқ артистлари - Сулаймон Қосимов, Яхёхон Маматхонов, Солижон Аҳмедов, Зуннун Мадалиев, Ҳафизахон Иброҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар - Убайдулло Мадраҳимов, Эргашхон Мирмаҳмудовларнинг ижролари маҳлиё этган эди.

Розахон ўрта мактабни битиргач, 1958 йилда Кўқондаги хотин-қиз ўқитувчилар тайёрлаш билим юртига ўқишга кириди. Ундаги санъатга бўлган қизиқиш ва ноёб қобилиятини пайқаган билим юрти қошидаги ҳаваскорлик тўғараги раҳбар Умаржон Усмонов уни шахардаги 2-сонли маданият уйида эндигина иш бошлаган халқ театрига етаклаб боради. Таниқли санъаткор Мухторжон Сагторов Ҳамзанинг «Бой ила хизмат-

чи» спектаклини сахналаштираётган эди. У Розахон билан суҳбатлашиб унинг ижодий имкониятларини билиб олгач, драмадаги бош қаҳрамонлардан бири - Жамила ролини топширди.

Спектакль томошабинлари санъаткорларга қўш байрам бўлди. Сабоби, Занжирали Мирзатов номли Кўқон халқ театри ана шу «Бой ила хизматчи» спектакли билан очилди. Бунинг устига сахнада илк бор қуринган Р. Жаҳонова тажрибасизлигига қарамай Жамила сийосини муваффақиятли ижро этиб, томошабин ва мухлислар қалбига қувонч бахш этганди. Эришилган дастлабки ижодий зафар Розахоннинг ҳаёти ва турмуш тарзида кескин ўзгариш ясади. Гарчанд у билим юртини юқори баҳолар билан тугатган бўлса-да, лекин ўз касби бўйича бир кун ҳам ишламади. У энди келажакда санъаткор бўлиш учун узил-кесил қарор қилган эди. Шу боис 1960 йилда Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кирди.

Розахон институтда тажрибали педагоглар М.Б.Радун, Турсунбой Исроиллов, Назира Алиевалардан маҳорат сирларини ўргангани. Бу билан чекланиб қолмай, бўш вақтларида Навоий номли опера ва балет театри, Ҳамза номли академик драма театри, Муқимий номли мусикали театрининг спектаклларини томоша қилди, устоз санъаткорлар-

Мамаатазиз Ниёзов... Бу табарруқ инсоннинг номини ёшлигимда радио орқали берилган концертларда, суҳбатларда эшитиб юрардим. Аммо Й.Охунбобоев номидаги театрда ишлаган йилларим халқ артисти Аббос Бакиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор ва мусиқашунос Муқимжон Ҳабибовлардан Мамаатазиз Ниёзовнинг катта санъаткор эканлигини билиб олдим...

Мамаатазиз Ниёзов (1907-1971) Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида қосиб оиласида дунёга келган. У ёшлигида отасидан айрилгач, онаси уни тоғалари тарбиясига беради: катта тоғаси Юнусохундан пичоқчилик, кичик тоғаси Усмондан нонвойлик касбини ўрганади. Ўша пайтларда клуб ўрнини босган чойхоналарда элга машҳур ҳофизлар, созандалар, қизиқчилар тўплалишарди. Улар йўғида чойхоначилар граммафон қўйиб, халқнинг эътиборини жалб этишарди. Мамаатазиз ҳам лаппаклардан таралаётган Содирхон «Ушшоғи»ни, Тўйчи ҳофизнинг «Ҳаётан набий»сини, Ҳамроқул қорининг «Муҳтож», Мадумар ҳофиз, Абдуқаҳҳор ҳофизлар ижро этган «Сеғоҳ» каби қўшиқ-



Егнома

ЯШНАР УНИНГ БОҒИ



ларни, машқларни эшитиб, дилига жо қилиб, мусиқа санъатига муҳаббат қўяди.

20-йилларнинг бошида болалар уйида, кейин Андижон Рабфакида тарбияланиб, ўқиб юрган чоғлари санъат тўғарагига қатнашиб, дутор чалишни ўрганади. «Пахта учун кураш» деб аталувчи драмтўғарақда қатнашади. Ҳаваскорлар сахналаштирган Комил Яшиннинг «Тенг тенг-

ги билан», «Кураш боласи» спектаклларида роль ўйнайди, концертларда соз чалиб, қўшиқ айтади.

Санъатга астойдил интилиш уни 1925 йилда Андижон театрига етаклаб келади. Охунбобоев номидаги театрда фаолият кўрсатувчи атоқли санъаткор Тўхтастин Жалиловга шогирд тушади. У театрда аввал дўл ноғора, кейин дутор ва гижжак чалиш маҳоратини юксалтирар экан,



Розахон Жаҳонова, Ф. Шиллернинг "Қароқчилар" спектаклидаги Амалия ролида.

нинг маҳоратини, янги асарларни саҳналаштириш жараёнини диққат билан кузати.

1964 йилда М.Горькийнинг «Тубанликда» драмаси асосида саҳналаштирилган диплом спектаклида асосий тимсоллардан бири - Василиса Карповна ролини маҳорат билан ўйнаб, ўзини малакали мутахассис сифатида кўрсата олди...

Розахон институтни битиргач, Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номи вилоят драма театрида иш бошлай-

ди. Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Содикова раҳбарлигида оз фурсатда Ф. Шиллернинг «Қароқчилар» драмасида Амалия, Ч. Айтматовнинг «Сарқомат дилбарим» асарига Хадича, юнон драматурги Фегерионинг «Эзоп» («Бадбашара») фожеасида Ситмели, Э. Воҳидовнинг «Олтин девор» комедиясида Зухра, Ҳ. Умарбековнинг «Одам тугилди» драмасидаги Гулчехра ролларини муваффақият билан ижро этди.

1968 йилдан эътиборан Ҳамза номи Қўқон театрига келиб ижодини давом эттиради. Хусусан, драматург Ҳ. Уткир Рашиднинг «Салтанат» пьесасидаги Салтанат тимсолини яратди.

Еш актрисанинг бу роли театр ижодий жамоаси, мутахассисларда унга нисбатан катта ишонч уйғотди. Театр ижодий жамоаси адашмаган эди. Мана орадан 30 йилдан ортқирқок вақт ўтибди, Розахон баракали ижодий меҳнат қилиб келмоқда. У ўтган йиллар мобайнида турли жанрларда юздан ортқик ролларни ўйнаб, санъат шайдоларининг ҳурмат ва иззатига сазовор бўлди. Актрисанинг «Бой ила хизматчи»даги Гулбахор ва Жамила, «Сенсиз»даги Севинч, «Шошма, кўш!»даги Рисолат, «Қопкон»даги Гуласал, «Душман»даги Норхон, «Бахт»даги Нозигул, «Адашган сохиб-жамол»даги Ёқутхон ва бошқа образлари томошабинлар қалбидан ўрин олган. Республика матбуотида

ёритилган кўп сонли мақола ва тақризлар, радио орқали ташкил қилинган эшиттиришлар, телеэкран орқали намойиш этилган кўрсатувлар фикримизга ёрқин мисолдир.

Розахон тиниб-тинчимас ижодкор. У театрда ижодий меҳнат билан бир қаторда унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, шунингдек, маъмурий ишларида ҳам фаол қатнашиб келган, ҳатто театрининг раҳбарлиги лавозимига кўтарила олган. Шунингдек, 1991-96 йилларда шаҳардаги санъат билим юртида талабаларга «Актёрлик маҳорати» ва «Саҳна нутқидан дарс бериб, талайгина шогирдлар етиштирди.

Уяқинда театр қошида очилган драм студиясида ёш томошабинларга мўлжаллаб ёзилган «Дангасанинг бир кунини» спектаклини саҳналаштириб, ўзини режиссура соҳасида ҳам синаб кўрди.

Ўзининг бутун ҳаёти, билим ва тажрибасини миллий театр санъатинини ривожлантиришга бахшида этган севимли актрисасиз Розахон Жаҳонова яқинда 60 бахорини нишонлади. Биз олий мақсадлар билан яшаётган ижодкор Розахон Жаҳоновага барча театр мухлислари ва ҳамкасблари номидан узок умр, мустақкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз.

Адижон УМАРОВ,
театршунос.
Қўқон.

Тўхтасин Жалилов, Муҳиддин Нажиддинов, Собиржон Сиддиқов, Эргаш Раҳимов, Ориф Тошматов (Ориф гармон) сингари устозларидан хонанда, созанда ва бастакорлик сирларини ўргангани, маҳоратини созлайди. Театрнинг адабий эмакдоши К. Яшин, бош режиссёри М. Муҳамедовдан драма санъати синонатини бўлиб олишга интилади. Қунт қилиб «8 Март» пьесасини ёзди. Унинг бу асари вилоят ва туман саҳналарида саҳналаштирилган эди.

Ижодкор 1933 йилда Ҳш вилоят театрига мусиқа раҳбари сифатида тақлиф этилади. Шу йилдан эътиборан бастакорликка уннаб, «Бахт кўшиғи», «Соралар» каби кўшиқларини яратди. Бу кўшиқ 1935 йилда машҳур санъаткор Назира Иноғмова томонидан айтилиб, оҳанрабо лаппакка ёзилди. У кейинчалик Тошкентдаги мусиқали театрдан ишлаш чоғида Собир Абдуланин «Янги дунё мадҳияси», Бобораҳим Мирзасвнинг «Ёндир», «Давримиз» каби кўшиқларига мусиқа ёзди.

Санъаткор 1937 йилда Москвада

ўтказилган ўзбек санъати декадасида муваффақиятли қатнашди. Унинг «Мадҳия» кўшиғи масковлик томошабинларга Давлат филармонияси хорижросида манзур бўлади. Ўзи эса «Колхоз тўйи» томошасида Нонвой ролини ижро этди. Ана шу воқеалардан кейин у Масковга иккинчи бор келади ва Консерватория қошида ташкил этилган махсус куруни 1939 йилда битириб келгач, Тамарахоним ансамблида гижжакчи бўлиб ишлайди. Украина, Белорусия, Болтиқбўйи республикалари, Польша, Грузия, Озарбойжон ўлкаларида сафарда бўлиб, миллий куй ва кўшиқларимизни тараннум этди. Ана шу пайтда Ю. Ҳамданнинг «Олга бос» шеърига мусиқа ёзди. Кўшиқ украин тилига «Ҳай, живи» деб таржима қилинади ва украинлар томонидан ижро этилади.

М. Ниёзов иккинчи жаҳон уруши йилларида икки йил сафарда бўлди, дуторчи қизлар ансамблида мусиқа раҳбари бўлиб хизмат қилди ва «Хол бўлсам», «Фрондан хат», «Сен қайдасан» каби кўшиқларини ижод қилди. 1943 йилда Тожикистон рубобчи қизлар ансамблига ва Тожи-

кистон колхоз-совхоз театри созандаларига раҳбарлик қилди. 1945-1947 йиллар мобайнида Ўзбекистон радио эшиттириш комитетининг ўзбек халқ чолгу ансамблида гижжакчи бўлиб ишлади. «Пахтакор қиз», «Ўзбекистонга келинг» кўшиқларини ёзди, драматург Туйғуннинг «Муҳаббат» асарига мусиқа басталади. Унинг «Фалак», «Қийиқ», «Кўза», «Зар дўппи» кўшиқлари эл озгига тушди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамаатазиз Ниёзовнинг хизматлари Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукумати томонидан юксак қадрланди. Ҳар икки жумҳуриятнинг унвонлари, фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди. Меҳнатқаш ижодкор Мамаатазиз Ниёзов орамизда йўқ бўлсада, аммо унинг ижоди ҳамон халқимиз хизматида камарбастади. Ижод абадий, деб шунини айтсалар керак...

Мўминжон АБДУВАЛИЕВ,
Адижон вилояти маданият
бошқармасининг бош
мутахассиси.

БИР ДАЪМА ТУД...



Дил долғали, чарчоқ ўтган кун ортидан ногаҳон эшитилган кўшиқни баҳор ёмғиридан сўнг чарақлаган кўёшдек қабул қилди. Кўз кўрмасида қалб туб-тубидан ҳис этувчи, камалак рангидек сержил оҳанг рутубатларни унуттириб, ором бағрига олди. Мудроқ руҳ ҳайрат дунёсига кириб, сеҳрли кувват олди. Бу мўъжизакор кўшиқ ижрочилари барчага таниш ва суюкли, ўтли юраклар, самимий чехралар - «Дуторчилар» ансамблининг дилбар қизлари, паривашлари эдилар...

Сухбатдошим - ансамблининг муסיқа раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира РАҲМАТИЛЛАЕВА. Унинг дилрабо кўшиқлари аллақачоноқ муסיқа мулкига айланган.

— Замирахон! Ҳар бир санъаткорнинг санъат дароғиҳига кириб келиши ҳеч қачон тасодиф бўлмаган. Инсон санъатнинг бирон турига ўз вужудида, қалбида истеъдод куртаклари билан туғиладию, сўнгра бу куртаклар ё гуллаб-яшнайдн, ё сўлиб йўқ бўлиб кетади. Сизнинг қалбингиздаги куртакнинг «чаппор уриб» гуллашига нималар ва кимлар сабаб бўлган?

— Санъат, хусусан, муסיқа санъати жуда мўъжизакор олам. Дарёларнинг шовуллаши, қушларнинг нағмаси, гулларнинг шабадада тебранишида ҳам мусиқанинг нафасини сезаман. Болалигимдаёқ табиатта ошфута эдим. Гулларга қараб бир куйни, дарактларга қараб иккинчи куйни, кенгликларга қараб яна бошқа куйни тинглагандек

бўлардим. Улар гўзалликка чорловчи куйлар эди. Уйимиз шундоққина сой бўйида, унинг зилол сувларига тикилиб, хаёл суришни яхши кўрардим. Хаёл кўршовида ўтирарканман, сой менга ҳеч қаерда, ҳеч қачон эшитмаган куйни «чалиб» берди гўё. Сув бўйида ўзим сезмаган ҳолда хаёлимга куй оҳанглари куйилиб келаверарди. Ажабланарлиси шундаки, гулларга қараб алоҳида, дарактларга қараб алоҳида-алоҳида куйлар тўқирдим. Кейинчалик тушундимки, кўшиқнинг, мусиқанинг дунёга келишида асли ана шу нарсалар илҳом берар экан.

Уй юмушларини бажараётганимда ўзимга саз қидириб қолардимда, кўлимга тушган нарсани «рубоб» қилиб чалаверардим. Бунн энг аввало онам сездилар. Қизиқишимни кўриб, менга рубоб олиб бердилар. Мана ҳозиргача рубоб доимий ҳамроҳим. Қалбимдаги санъат куртагини гуллашида, энг аввало, онаминг катта улушлари бор, леб фахр билан айтаман.

— Сиз Ганижон Тошматов номдаги «Дуторчилар» дастасида, асосан, рубоб чаласиз. Биз кўпинча аёлларнинг пианино чалиши, ашула айтиши ё рақсеа тушишига ўраниб қолганмиз. Рубоб, хусусан, қашқар рубобини асосан йигитлар чалади, деган андишага ҳам борамиз. Нима учун сиз чоғлу асбоблари орасидан, яна дуторчи қизлар ичидан рубобни танилагансиз?

– Фикрингизга кўшилиман. Қашқар рубобини, асосан, йигитлар чалади. Лекин... қизлар ҳам. Рубобнинг мафтункор овози мени ўзига сеҳрлаб олган. Бошқа сазлар жўрлигисиз ҳам унинг шўхчан, оромбахш нолалари тингловчини ром этади. Биласиз, ансамбль аъзолари хотин-қизлар. Фақатгина рубобнигина эмас, балки эркак киши чаладиган бошқа ўзбек миллий муסיқа созларини ҳам ҳеч иккиланмай ўзимиз чалаверамиз. Дилда иштиёқ, қизиқиш, интилиш бўлса бос. Созанда, қандай соз чалишидан қатыб назар, ўзи ижро этаётган асар руҳини, унинг нозик жиҳатларини тўла англамоғи шарт.

Қашқар рубоби – инсон туйғулари, қувонч-ташвишларининг энг нозик қирраларини ҳам ифодалай оладиган ва ўзининг шўх-шодон, нолакор оҳанглари билан теварак-атрофни янграйтиб юборадиган соз.

– *Замирахон, концертларда, телевидение орқали сизнинг соз чалишингизни ҳам кўрганимиз. Шунингдек «Дуторчилар» дастасининг муסיқа раҳбари эканлигингизни ҳам билмадим. Лекин кўпчилик сизни бастакор эканлигингизни билишмайти. Муסיқа тўқши қийинми? Қанақа шеърларга муסיқа басталашни ёқтирасиз? Сизда ижрочиликдан ташқари яна муסיқа яратиш иштиёқи, шқтидори қачон ва қандай пайдо бўлган?*

– Устозда гап кўп экан. Шогирдга қараб устозга баҳо берилар экан. Муסיқа басталашимга, асосан, устозим Ганижон Тошматов сабабчи бўлганлар. Мени кўпдан кузатиб юрар эканлар, бир кунги: «Кўзим, сизнинг иستهъодингиз қандайлигини биламан. Фақат созандалик эмас, балки бастакорлик ҳам кўлингиздан келади. Бир ҳаракат қилиб кўринг-а. Керак бўлса ёрдам бераман», деб қолдилар.

Илк бора шоира Шарифа Салимованинг «Йиглама, она» шеърига куй басталадим. Устозим тинглаб туриб: «Шеъри ҳам, куйи ҳам бир-бирига жуда мос тушибди. Сиздан яхшигина бастакор чиқади. Меҳнатдан қочманг», – деб илк кўшигимга юқори баҳо бердилар. Устознинг оқ фотиҳалари билан изланишларим давом этмоқда.

Мен кўшиқларим учун шоир эмас, шеър танлайман. Содда, ра-

вон, теран мазмунли, халқ оҳангига мос тушадиган шеърларни кўшиқ қиламан. Севимли шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг бир неча шеърларига муסיқа басталадимки, улар репертуаримиздан мустақкам ўрин эгаллаган. Жумладан, "Билармикин", "Мен сен билан хайрлашгум тун" кўшиқлари. Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбек момо» шеърига куй басталадим. Уни Сорахон Тошматов ижро этмоқда. Азим Суюннинг «Ўзбекистон» шеърини Муннавхарон Абдуллажонов ва чиройли қилиб куйламоқда. Шарифа Салимованинг «Давлатли султонименинг», Пўлат Мўминнинг «Шифокорлар» кўшиқларини Мухаббатхон Солиҳова ижроси учун басталадим. Ойдин Ҳожиёваннинг «Айлама» шеърини жамоа севиб ижро этмоқда.

Устоз вафотларидан кейин анча вақтгача тушкун кайфиятда юрдим. Домла катта бир жамоа тузиб, элга танитиб кетдилар. Агар айтиш жоиз бўлса, бизни қарздор қилиб қўйдилар. Шу қарздан қутилиш учун нимадир қилиш кераклигини кўп ўйладим. Охири устозга бағишланган «Хотира» куйи дунёга келди. Шундан сўнг сал энгил тортдим ўзим ҳам. Айни кунларда кўнларим бир неча шеър олганман, уларга ҳам куй басталаш ниятим бор.

– *Сиз рубоб чаласиз, муסיқа тўқийсиз, ўранасиз – ўрагасиз, ашула айтасиз, жўровоз бўласиз, шунақа ишлар қатори яна онасиз, уй бекасиз. Уларга қандай, қачон вақт топасиз? Санъаткорлигингиз бекалигингизга, бекалигингиз санъаткорлигингизга ҳалал бермайдими?*

– Санъаткорлик касби жуда нозик касб, инжиқ касб. Айниқса, аёл санъаткор учун янада масъулиятли. Ҳам санъатни, ҳам оилани бравар олиб бориш мушкул, албатта. Буни тан олиш керак. Болалар тарбияси, уй-рўзгор юмушлари, борди-келди дегандай. Барчасига улгуриш, яна ижод қилиш ҳам лозим. Орзу-мақсад йўлида бир нарсадан кечиб, иккинчисига эришасиз. Санъаткорлигим – уйкусиз тунлар, беҳаловот кунларим натижаси. Энг асосийси эса ҳаётда ўзимга монанд санъаткор умр йўлдоши учраганидир. Рустам акам болалар муסיқа мактабига ёш санъат

ғунчаларига сабоқ берадилар. Уйда эса менга... Кези келганда ижодим учун барча шарт-шароитларни муҳайё этадилар. Бу эса менинг бахтим. Шунинг учун қийинчиликлар ҳам унча сезилмайди.

– *Бу йил – Оила йили. Шу муносабат билан ўз оилангиз ва бу оиланинг қувончу ташвишлари, орзу-умидлари, умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз ҳақида гапириб берсангиз. Фарзандларингиздан бирортасининг санъаткор бўлишини истайсизми?*

– Республикамаизда 1998 йилни Оила йили деб эълон қилиниши – оиланинг жамиятда тутган ўрни нақадар катта эканлигини яна бир бор исботлади.

Ҳар бир оилада бўлгани каби бизда ҳам ўзига яраша қувончлар, ташвишлар бўлиб туради. Зеро, бусиз ҳаётнинг қизиги ҳам йўқ-да. Лекин қувончли, бахтли дақиқалар ҳали олдинда деб ўйлайман. Сабаби, яхши ниятлар билан икки ўғил, бир қиз тарбиялапмиз. Шуларнинг камолини кўриб, инсонлардан «Ота-онанга раҳмат» деган сўзларни эшитиш мен учун ҳам, дадаси учун ҳам ҳаётимиз мазмуни.

Катта ўғлим Муроджон санъат йўлини танлаган. Айни кунда Ҳамза номли муסיқа билим юртида таҳсил олмоқда. Оиламаизда санъат йўлини давом эттирувчимиз бор экан, биз бундан албатта хурсандим.

– *Одамзод шундай яратилганки, у ҳеч қачон бир хил кайфиятда, бир маромда яшай олмайди. Сизни ҳаётда нималар кўпроқ қувонтиради, нима-лардан кўпроқ изтиробга тушасиз? Қанақа одамларни яхши кўрасиз, қанақа одамлардан нафратланасиз?*

– Одамзот шундай бир мўъжизакор ҳилқат эканки, айтганингиздек, ҳеч қачон бир маромда, бир хил кайфиятда яшай олмайди. Дунёда олижаноб, меҳр-оқибатли инсонлар бор экан, шодлик, қувонч доимий ҳамроҳ бўлади. Бундай инсонларнинг ожиз, меҳр талаб кимсаларга қилаётган муруватлари, савоатпешалари, ҳурматларини кўрсат бошим қўқма етади. Шундай инсонлар сафи янада кенгайишини, уларнинг ибратли ишлари барча манзур бўлишини истаيمان.

Билимга чанқоқ, тиришқоқ ёшларни кўрсам, булар юртимиз келажаги, деб фахрланаман. Она тилимаиздан ташқари, бир неча хорижий тилларни ўрганаётган, чет тил-

ларда таълим олиб, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун интилаётган ёшларни кўрсам ҳаминша хавас қиламан.

Андишасиз, худбин, мақтанчоқ кимсаларни ёмон кўраман.

— *Бир пайтлар ота-оналар ўз фарзандлари санъаткор бўлишдан ийманиб, қаршилик қилган даврлар ҳам бўлган. Ҳатто юрагида санъатга аланга ловуллаган айрим қизлар андишага бориб, юрак тафтига сўв сепиб ўчиришга ҳаракат қилганлари ҳақида гапиришади. Сиз санъаткор бўлганингиздан афсусланмайсизми? Агар санъат қўлини тутмаганингизда қайси касбни танлаган бўлардингиз?*

— Тўғри, бир пайтлар эмас, ҳозир ҳам шундай ота-оналар учраб туради. Улар негадир фарзандларининг санъаткор бўлишини хоҳламайдилар. Республикамиз вилоятларида, айниқса, чекка қишлоқларда бўлганимда бунга гувоҳ бўлганман. Юрагида санъатга иштиёқи бор, шу йўлда ўқиб-ўрганишини хоҳлаган, аммо ота-оналари рухсат бермаган қизларни кўп учратдим. Санъат улар қалбида бир умрлик армон бўлиб қолганлигини кўзларида ёш билан гапирганлар.

Менинг санъат йўлини танлаб, эл ҳурматига сазовор бўлишимда ота-онамнинг, турмуш ўртоғимнинг жуда катта ёрдамлари борлигини ҳар нафасда сезиб тураман. Мени санъаткор қилган аслида, шулар. Агар санъаткор бўлмаганимда, балки шифокор бўлардимим... Билмадим тагин...

— *Кўча-кўйда баъзан юз-кўзини, бутун кўринишини чирмаб-ўраб олган ёш қизларни учратиб қоласиз. Оптоқ либосга ўралган, ё юп-қора кийинган ёш-ёш қизларни айтмайсизми? Бундай кўриниш билан аёл ифрати, имон-этиқоди орасида бирон муштараклик борми, ё бу шунчаки ташқи ажралиб туриши аломатими?*

— Инсон либос билан кўркам. Унинг қандай кийиниши, орасталиги дидига, дунёқарашига боғлиқ. Сўнги пайтларда бошдан-оёқ ўраниб-чирманиб юрадиган аёлларга, баъзан қоп-қора кийим - ҳижобла-

ги хотин-қизларга кўзингиз тушадди. Ҳаттоки шундай либосдаги ёш-ёш қизларни ҳам учратасиз.

Ҳар бир инсоннинг ўз этиқоди бор, албатта. Четдан туриб бир фикр билдириши менимча, қийин. Лекин инсон ўз этиқодини ўраб-чирмаб юришда эмас, балки бошқача кўринишларда намоён қилса яхши бўларди. Масалан, ҳушмуомаласи, одоб-ахлоқи, ўзини тутиши билан барчага ўрнат бўлса. Иймон-этиқодни кийинишга қараб баҳолаб бўлмайди, менимча.

— *Санъаткор бўлиш қийин дейишади. Айниқса нозик қалбли аёллар учун янада оғир бўлса керак. Одамлар баъзан санъаткорларнинг кайфияти борми-йўқми, ашула айтишини, куй чалишини илтимос қилаверишади. Сизда ҳам шундай пайтлар, яъни кўнглингиз хуфтон, қўлингиз ва тилингиз бийрон бўлиб, ўзингизни мажбур қилиб ашула айтган ё куй чалган пайтларингиз бўлганми?*

— Бу саволингизга юқорида қисман жавоб бердим, чоғи. Санъаткор бўлишнинг мураккаб томонлари бор дедим. Шундай вазиятлар ҳам бўладики, оилادا режалаштириб қўйган ишлар касбимиз туйфайли маълум муддат орқага сурилди. Бундан ранжимаймиз, албатта. Энг аввало касбимизни севганимиз, мухлисларни ардоқлаганимиз учун ҳам, қолаверса, санъат ана шундай инжиқликлари билан санъатлигини тушунамиз.

Ёдимда, ансамбль ташкил топган дастлабки йиллар эди. Фарзандларимиз ҳали анча ёш. Ҳаттоки ёшига етмай ишга чиқиб ҳам кетар эдик. Шундай вазиятлар ҳам бўлардики, баъзан икки ўр орасида қолиб кетардим. Домланинг биргина «Замирабону, бормасангиз бўлмайди» деган гаплари билан баъзан барча оилавий ишларни бирмунча муддат орқага суришга тўғри келарди.

Санъатни севиб, маъсулиятни сезиб, ҳаттоки, гастролларга ҳам кетардик. Томошабинлар ҳузурига, барча ташвишларни саҳна ортита ташлаб, хушқайфият билан чиқардик. Негаки, мухлислар энг аввало, бизнинг ўзимизга, кўзимизга қарайдилар. Кайфиятимизни сезадилар. Сўнгра қўшиқ тинглайдилар.

Шу сабаб ҳар сафар мухлислар ҳузурига соғинч билан, табассум билан пешвоз чиқаман. Улар чекрасидаги санъатга ташналикни, биздан яхши бир кўйиқ кутушаётганлигини кўриб, улар олдида тилимиз ва кўлимиз бийрон бўлиб қўшиқ қуйлаймиз.

— *Ижодий фаолиятингизда ижрочиликми ё куй басталашми, қайси бири кўнглингизга яқинроқ? Режаларингизда қайси бири сизни безовта қилиб, кўнроқ илҳом беради?*

— Ижрочилик ҳам, куй басталаш ҳам ижодимнинг асосини ташкил этади. Шу кунга қадар кўнлаб қўшиққа куй басталадим. Ансамбль билан ҳамкорликда мингдан ортиқ қўшиқ ижросида қатнашаман. Буларнинг бирини баланд, бирини паст қўя олмайман. Асосий ижодим эса домланинг ишларини жамоамиз бадиий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Замирахон Суянова билан ҳамкорликда муносиб давом эттириш, репертуарни янги-янги қўшиқлар билан бойитиб бориш. Ҳар куни қизлар билан машқ бошлар эканман, устознинг нафасларини ҳар лаҳзада сезиб тураман. Худди бир четда туриб бизни кузатаётгандек...

Домланинг бир гаплари биз учун шiorга айланиб қолган. «Биз сеҳрли куйларимиз билан кишилар қалбига шундай йўл топайликки, ҳатто мусиқадан узоқ бўлган инсон ҳам куйимизни эшитиб, сел бўлиб тебараниб ўтирсин».

Замирабону суҳбатларидан сўнг гуруҳ ижодкорларини бир даста гулга - ажойиб, ифорли, нафис гулларга ўхшатдим. Чаманзорда ҳар бир гулнинг ўз ўрни, ўз ифори бўлганидек, гуруҳдаги хонанда-созаниднинг ҳам ўз ўрни бор. Ансамбль мусиқа раҳбари Замирабону Раҳматиллаевани эса бобгон қизга ўхшатдим. Зероки, гунчанинг ажойиб гул бўлиб очилишида бобгоннинг меҳр ала парварши жуда муҳимдир. Бу гуллардан ажойиб гулдаста-мусиқий гулдаста қилиб халқимизга манзур этаятган Замирабонуга бу борада омад тиладим.

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА
суҳбатлашди.



ЗИЁ КҮКАЛП

Зиё Кўкалп — XX аср Туркия адабиёти, маданияти тарихида улуг ишлар қилган шахс, шоир, олим, бир сўз билан айтганда, миллатнинг тарбиячиси. Мустафо Камол Отатурк бугунги Туркия давлатининг қурувчиси бўлса, Зиё Кўкалп бу давлатнинг маънавий яратувчиси, янги турк мафкураси асосчисидир.

Унинг асли оти Мехмет Зиё. Кўкалп адабий тахаллуси. 1876 йилда Диярбақрда туғилган, махалла мактабиди, кейинчалик турли ўқув юрларида ўқиган. Ешлигидан арабча ва форсчани, замонавий ҳамда эски фан ва маданиятни яхши ўрганган. Бир пайтлар ислом фалсафасига, тасаввуфга берилган, онгида кескин бурилишлар бўлиб, жонига қасд этган, ўз бошига қарата ўк узган, сўнгра даволанган. Кейин у Усмонли империясидаги тушқунлик, истибод сабабларини ўрганган: колоқлик ва зулм ҳукмрон тузумдан, тузум сунъанган эски тушунчадан, мунофиқлар жамиятидан озик олаётганини аниқлаган. Эл-юртни бу тушқунлик ботқоқидан олиб чиқишнинг бирдан-бир йўли — миллий тушунчани уйғотиш, миллатга ўз ҳақ-ҳуқуқларини билдириш, миллат ва мамлакат ҳаётини ўз қўлига олиш кераклигини тушунтириш эканини туйган. У шундан кейин бу ғоя йўлида шеърлар, достонлар, мақолалар, китоблар ёзди. Истанбулга кетди. Золим ҳуқумат қишқирни томонидан қаматилди. Яна озодликка чиқди. 1900 йилда «Иттиҳод ва тарақкий» партиясига кирди, Диярбақрда газета ва журнал чикарди. Миллатнинг ўз ҳақини қўлга киритиши учун аввало бир турк ирки ўлароқ шаклланиши лозимлигини билган Зиё Кўкалп бу йўлда биринчи қадам тилни тозалаш деб тушунди. У пайтдаги усмонличани чет сўзлардан озод қилиш, бутун турк қавмлари — оддий халқ сўзлашадиган тилга яқинлаштиришга ҳаракат бошлади. Умар Сайфиддиннинг соф халқ тилида ёзган ҳикоялари унга бу йўлда илҳом берди. «Янги тил» маколasi «Ганж қаламлари» журналида босилиши билан у пайтнинг атоқли санъаткорларидан Абдулҳак Ҳамид, Жаноб Шаҳобиддин қабилар унга қарши чиқишди. Бирок Зиё Кўкалп танлаган йўлидан тоймайди: туркчанинг гўзаллигини, тозаллиги, аслиги ва бойлигини кўрсатиш учун шеърлар, достонлар, мақолалар ёзди. Халқ оғзаки ижодидаги эртақларни тўплади, улар асосида шеърлар, эртақлар битди, бу ҳол ўн йилча кейин Туркистондаги баъзи шоирлар, масалан, Элбек ижодида ҳам кўринади. Зиё Кўкалп миллий давлат ғоясини байроқ қилиб кўтарди. Бу

йўлда асарлар битди, журналлар чикарди, тинимсиз фикрий ва амалий фаолият олиб борди. Биринчи жаҳон уруши тугагунгача у Истанбул университетидида дарс берди. Урушда Усмонли салтанати енгилгач, ҳукмрон вазиятга кўра, у сургун этилди. Мустафо Камол бошчилигида кутулиш уруши бошлангач, Зиё Кўкалп ва сафдошлари сургундан ватанга қайтишди. Бирок Кўкалпга Истанбул университетидидаги эски иши қайта берилмайди, муносабат ҳам бошқача бўлади. Шу сабабдан у оиласи билан Диярбақрга кетади. Жуда қийинчилик билан яшайди, шунга қарамай «Кичик мажмуа» отли журнал чикаради. Бу журналдаги тушунчалар билан у Истанбулдаги, бутун мамлакатдаги фикрий ҳаётга йўналиш бериб турган, дейишди тарихчилар. Истиклол Камол Отатурк ғалабаси билан тугаллангач, Зиё Кўкалп маориф соҳасида раҳбар бўлиб ишлайди. Қиска бир вақтда, кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган «Туркчилик асослари», «Турк тўраси» китоблари, шеърлар тўплами нашр этилади.

1923 йилги сайловда миллат вакили (депутати) сифатида Буюк Миллат Мажлисида қатнашади. Ўқув юрлари учун «Турк маданияти тарихи»ни ёзади. Асарнинг биринчи жилдини ёзиб тугатгач, Истанбулда, 1924 йил 24 октябрда дунёдан кўз юмади. Мозори Султон Махмуд турбасида.

Зиё Кўкалп шеърлари ва достонлари унинг «Кизил олма»(1914), «Янги ҳаёт» (1918), «Олтин ёғду» (1923) тўпламларидан ва турли йилларда ёзган, кейинчалик босилган жилдикларига киритилган шеърларидан иборат.

Бир неча йил олдин Зиё Кўкалпнинг бир қатор шеърларини, «Эргенекун» достонини ўзбекчада нашр эттиргандик. Унинг қуйидаги шеърлари «Зиё Кўкалп қуллиёти - 1. Шеърлари ва халқ масаллари» 1977 йил Анкарада чиккан китобидан ўғирилди.

Тоҳир КАҲҲОР

Зиё КҮКАЛП

ТУРОН

Хар бир томир уришим юз йилларнинг сасидир,
Буюк ўтмиш туйғуси, минг йиллар нафасидир!
Шонли, улуг ирқимнинг узок-яқин тарихин
Зафарин китобданмас, ўқийман қалб қонимдан —
Эслаб, ғурур туяман элим, қахрамонимдан!

Китобларда йўқ зотан шонли Оттила, Чингиз,
Ёвлар бу ҳоконларни битди масхараомуз:
Чиркин деб кўрсатилди улар чиркин замонда,
Шармандали муҳида атайинди шарманда —
Улуг дейилди фақат Тезезар ва ё Исқандар!

Томиримда қон — тарих! Чунки илм учун мубҳам
Ўғузқонни юрагим танийдир тамомий-ла!
Томирларимда яшар шону ихтишомий-ла!
Ўғузқоннинг шўҳрати кўнглимга берар малҳам...

Ватан на Туркиядир, ватандир на Туркистон -
Турклар учун ватандир мангулик ўлка - Турон!

1911.

ИЛТИЖО

Ғозий Пошо хазратларига¹

Бу юрт маҳрум юксалишдан, осмондан,
Қишлоқликнинг насиби йўқ ирфондан;

Эй қутқарган бизни золим юнондан,
Қутқар бизни яна қолган душмондан!

Маданият гарчи бизга узоқдир,
Мафқурамиз қуёш каби порлоқдир,
Бутун миллат юксалишга муштоқдир,
Қутқар бизни жаҳолатдан, нуқсондан!

Харбда қандай уруш қилса хар аскар,
Хар бир ишда қўрсатайлик бир хунар,
Хар хунарда қозонайлик бир зафар,
Қутқар бизни иқтисодий бухрондан!



Мақтаб, музей, дорилфунун истаимиз,
Халқчиликка энг мос қонун истаимиз,
Тараккиймиз бўлсин устун - истаимиз,
Қутқар бизни байналмилал хусрондан!²

Сен дохийсан, бунга чиндан инондик,
Мафқурасиз раҳбарлардан қўп ёндик,
Ғарбда шарқча яшайишдан усондик³
Қутқар бизни бу қоронғу зиндондан!

Қўрсат ёруғ келажакдан бир нишон,
Бок, аскардир олим, шоир, қўмондон!
Буйруғингни қутар барча, бер фармон,
Қутқар бизни муҳтожликдан, армондан!

Орамизда бўри - қўпон қолмасин,
Тепамизда гизли душмон қолмасин,
Душманларнинг дўсти ҳокон қолмасин,
Қутқар бизни бу алдоқчи илондан!

Абдулхамид гарчи қизил султондир,
Не бўлса-да, у ҳам битта инсондир,
Қўплар унинг фатвосига алдонди,
Энди бизни қутқар қора султондан!...

1922

1. Мустафо Камол Отатуркка бағишланган шеър (тарж.).
2. Хусрон - йўқотиш.
3. Усондик - беэдик.

ҚАВМ

Дедилар, қавмининг бир оти борми?
Оти бир эмас, қўп - бу сенга орми?..
Туркия давлатим, турклик миллатим,
Уруғим қўплиги туркка зарарми?

Хун - янглиш атама, қўйунданман¹ мен,
Муғулдан эмас, турк сўйунданман² мен,

Туркларнинг ичида мавкеим аниқ,
Уғузэли, қайи³ буйунданман¹ мен.

Нақадар турк бўлса бугун жаҳонда,
Турклик руҳи яшар онгу виждонда,
Тили тилимдандир, дини динимдан,
Яна бирлашурмиз юрту маконда.

Қорачи тоғиндан, Қипчоқ қўлиндан
Келган оталарим каби бир туркман,
Мендан бўлмағи шарт хар бир йўлбошчим!
Туркка бош бўлолмас туркман демаган,
Усмонли бўлолмас туркни севмаган!

1917

1. Қўйун - қўй демак; шоир бу ерда қўйун, яъни қўйли уруғини қўла тутмоқда.
2. Сўй - ирк.
3. Қайи - қайи уруғининг оти; Туркистонда кенг тарқалган қиёт уруғининг Туркиядаги аталиши дейиш ҳам мумкин.
4. Буй - арабчадаги қабила сўзининг туркчаси.

ЭРАНЛАР ИШҚИ

I

Севгим, мен сени бир юлдуз каби
Томоша айларман хайрон, узоқдан...
На мен бир кишиман, на сен қиз каби,
Ишқинг-ла юксалдим аршагга тупроқдан.
Сочингни хилмамоқ эмас амалим,
Истамам қўлингга тегинса қўлим...

Упилган чехралар бир кун буришгай,
Оташин қололмас ўпган дулоқлар...
Сенинг хуснинг, менинг ишқим бирлашгай,
Бизни айираркан узун фироқлар...
Қолурмиз - сўнаркан бутун севгилар,
Хар замон мен ошиқ, хар дам сен дилбар!..

Бўстондан қўрурман бир гўзал чечак,
Узиб олай дерман, ҳеч қўзим қиймас.
Устинда учар бир нозли қапалақ,
Тутиб олай дерман, ҳеч қўнгли қўймас...

Севгим, сен-да бир нозик чечаксан,
Хидласам гар сени, сўлдирар ўлим...
Сен малак қанотли бир қапалаксан,
Қанотинг синадир тегинса қўлим...

Мен сенга узоқдан боқиб ўтарман,
Назарим билан-да қийнамай дея...
Хидингни ҳаводан олиб, кетарман -
Сендан менга фақат шудир ҳадия...

II

Севгим, кетаркан сендан узоққа,
На кетдим, на ишқинг жавридан қочдим.
Эҳтиёж қолмади қўзага, қулоққа,
Қўнглимдан қўнглиннга дераза очдим...

Биз айро тушдик деб ўйлама тағин,
Узоқда бўлсак-да қўнглимиз яқин.
Гарчи орамизда бор денгиз, тоғлар,
Мен сени қўрурман хар дам ёнимда.

Дулоғингдан узоқ тушсам, не зарар,
Товушинг туюрман тану жонимда...
Рўхларнинг бирлиги ҳақиқий висол,
Гавдалар шарғади, чехралар хаёл!...

1919

Тоҳир ҚАХХОП таржималари.

ҚАРСАК ҲИМИ

Ўзбек халқ томоша санъатининг қадимий кўринишларидан бири «Қарсақ Ҳим» деб аталади.

Қарсақ чалиб, усул (ритм) ҳосил қилиш ва унга мос ҳаракатлар топиб ўйнаш «Қарсақ Ҳим»нинг етакчи белгисидир. Бундаги қарсақни доира усули билан қиёе қилса бўлади. Ҳимда унинг роли жуда муҳим. Қарсақчилар Ҳимни бошлаган, Ҳимчи-раққоса кайфият туғдирган, қарсақ усулини ўзгартириш билан Ҳим ҳаракатларини янгилаб бошқариб борганлар. Энг муҳими, улар усул бериш билангина қаноатланмасдан, Ҳимга бевосита аралашган, бир вақтнинг ўзига ҳам усулчи, ҳам Ҳимчи, баъзан ҳам кўшиқчи сифатида кўринганлар. Қарсақ чалувчиларнинг «қарсақбоз» деб аталиши ҳам шунга ишора. Қарсақ ҳар хил тезликда, хилма-хил тарзда урилган: гоҳ қарсақ бир маромада сидирга, гоҳ жуфт-жуфт қилиб, гоҳ учталаб, гоҳ бешталаб чалинган. Бир пайтда уриладиган қарсақлар сони кўпайган сари унинг усули мураккаблашиб боради. Шу сабабли фақат қарсақбозларгина бу усуллар тартибини ва «Қарсақ Ҳим» ҳаракатларини яхши билишган. Машҳур олим ва мутафаккир Абу Наср Форобий (871-950) «Китоб ул-муסיқа ал-кабир» рисоласида қарсақни муסיқа ижрочилиги турларидан бири сифатида талқин этадики, бу муайян ритмик қонуниятларга бўйсунувчи қарсақнинг, биринчидан, келиб чиқишига кўра қадимийлигидан даволат берса, иккинчидан, унинг муסיқа ва рақс оламида алоҳида қимматга эга эканини кўрсатади.

Қарсақ усуллари билан ўйналадиган кўпгина рақслар мавжуд бўлган. Аммо, афсуски, улар ҳақида ҳамон санъат ишқибозлари у ёқда турсин, ҳатто балетмейстерлар ва рақс усталари ҳам тасаввурга эга эмас. Ҳолбуки, рақс меросимизнинг катта бир боби-ни ташкил этувчи, бир неча асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтган мазкур рақслар илмий таъмир қилинса, тикланса, замонавий рақс санъати тараққиётига хизмат қилган бўларди.

Шубҳа йўқки, чекка қишлоқларда, халқ хотирасида сақланиб, бизгача етиб келган Ҳимлар ва маълумотлар асосида катта бир рақс маданиятини тиклаш оғир. Мана шу йўналишда бир қадам олдинга босиш, яъни қарсақ билан ўйналадиган рақсларнинг умумий топологиясини аниқлашга жазм қилдим, холос.

Мутахассислар орасида янглиш «Беш қарсақ»,

«Қарсақлар» деб келинаётган Ҳимлар аслида йирик рақс туркуми бўлиб, номи «Қарсақ Ҳим»дир. У асосан икки йирик бўлимдан - «Беш қарсақ» ва «Майда қарсақ»дан иборат.

«Майда қарсақ» ҳам ўз навбатида уч бўлимга бўлинади: «Якка қарсақ», «Кўш қарсақ», «Тез» (айрим жойларда «Узма» дейилади). Яна бошқа турлари ҳам учраб туради. Чунончи, Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Ғўс қишлоғида юқорида кўрсатилган турлар билан бир қаторда қарсақ билан ижро этилувчи «Сарбоз» деган қарсақ Ҳимни ҳам бор. Унда мақом куйлари ва мумтоз шоирларнинг шеърларидан фойдаланилади.

«Майда қарсақ» ҳозир ҳам жуда кенг тарқалган. Айниқса, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида маъракалар «Майда қарсақ» яллалари ва Ҳимларисиз ўтмайди. Уларда қарсақлар билан ҳосил қилинадиган усул, гуруҳ томонидан бир овозда айтиладиган яллалар ва рақс ҳаракатлари, яъни санъатнинг бир неча тури бирлашади. Ҳим ҳар жойда ҳар хил ташкил қилинади. Кўп жойларда ижрочилар ёнма-ён турган ёки ўтирган ҳолда давра ёки ярим айлана ҳосил қиладилар, Ҳимчи ўртада ўйнайди. Бунда одатда ҳеч қандай чолгу асбоби ишлатилмайди. Ғўс қишлоғида ўтказиладиган тантаналарда Ҳимчилар ярим давра ҳосил қилиб, саф-саф ва ғуж бўлиб, терилиб ўтирадилар. Ҳимни бошловчи «саркарда» патнис билан ўртада ўтиради. Бироқ, даврами, ярим даврами, иккала кўринишда ҳам, томошани Ҳимбоши - «байтчи» бошлаб беради. У байт айтади, бошқалар нақорат билан унга жўр бўладилар. Мана намуна:

Байт:

Олма пишганда келинг,

Таъиза тушганда келинг.

Нақорат:

Ҳой бола, боланг, ёр-ёр,

Омон боланг, ёр-ёр.

Байт:

Орқа сочи жамалак,

Белица тушганда келинг.

Нақорат:

Ҳой бола, боланг ёр-ёр.

Омон боланг, ёр-ёр.

«Майда қарсақ» бўлимларининг ҳаммаси ҳам куй

ва кўшиқ билан ижро этилади. Шуниси характерлики, бўлимлар бир-бирдан ажратилмасдан бутун бир туркум шаклида олиб борилади. Ҳар бўлимда ўнлаб кўйлар бўлиши мумкин, бироқ ҳаммаси ҳам бир хил қарсақ усули билан боради. Иккинчи бўлимга ўтгач, кўй ҳамда қарсақ усули ўзгариб, рақс ҳаракатларини янгилайди. Бу ўринда ялла қандай ўринга эга бўлган бўлса, рақс ҳам шундай ўринга эга. Давра ўртасидаги ўйинчигина эмас, балки қарсақчи ялчилар ҳам усулга мос чайқалиб, тўлганлиб туришади. «Майда қарсақ»да икки турли рақс борлиги аниқланди. Бири босиқ ҳаракатлар билан ижро этилади. Унда ўйинчи кўлларини камон қилиб белига тираган ҳолда эшилиб, кифлларини навбат билан эгиб, титратиб ўйнайди. «Майда қарсақ» билан ижро этиладиган яна бир турли рақс борки, ундаги барча ҳаракат, имо-ишораларда соддалик, нафислик, майинлик барқ уриб туради. Қарсақ усулига биноан ўйинчининг асосан кўл ва бош ҳаракатлари ўзгариб туради. Ўйинчи фақат оёқ учига икки кўлини пастга ташлаб, кўтариб, кўкракка камалак қилиб, бош силкитиб, елка учириб ўйнайди.

Қарсақ ўйинлари билан ижро этиладиган жуда кўп яллалар бор. Бу яллалар матн жиҳатидан кенг тарқалган лирик халқ кўшиқларининг ўзгинасиدير. Уларда умуман халқ кўшиқларига мос бўлган барча мавзулар учрайди. Қарсақ яллаларининг халқ кўшиқларидан биргина фарқи шундаки, уларда шўх, серифола, чертиб таңланган нақоратлар бўлади. Кўпчилик томонидан бир овоздан айтиладиган бу нақоратлар томошага жўшқинлик, ҳарорат бахш этади, ўйинчини илҳомлантириб туради.

Тўрт қарсақдан бошлаб, ҳам ритм, ҳам ўйин мураккаблашган. Чунончи, Қарши даштида бир замонлар «хув ола, хув ола, хув ола, хув» деб гулхан атрофида қатор давра бўлиб терилган қарсақчиларнинг тўрт қарсағи усулида ўйналдиган антиқа рақс бўлган.

Аммо, «Беш қарсақ» туркумдаги бошқа ўйинлардан кескин фарқ қилади. У қуйидаги тартибда олиб борилади. Ўйинчилар шўх ва шодиёна бир кайфиятда бир-бирларини тортиб, айлана шаклида териладилар. Байтчи якка қарсақ усулида речитативсимон кўйга солинган қуйидагича бир ёки икки банд байт айтади:

*Эшик олди қайрағоч,
Болта урмак таги тош.
Бир ёстиқда икки бош,
Икковиям қалам қош.*

Даврдан бир киши ажралиб ўртага чиқади ва ўйинга тушади. Байт тутаган заҳотиёқ, беш қарсақ урилади, қарсақ бир кўтарилиб кейин туширилади (бу 5-10 дақиқа давом этиши мумкин), сўнгра яна байт айтилади, яна қарсақ ва ўйинга ўтилади ва ҳоказо. «Беш қарсақ»да байтнинг ишлатилиши ижрочиларга енгиллик туғдиради (улар кўп чарчамайдилар) ва ўйинга чирой, яхлитлик бахш этади. Уста қарсақчилар қарсақ сонини ўн бешгача олиб боришган. Аммо қарсақлар сони қанча бўлмасин, барибир беш қарсақ асосида қурилади. Масалан, тўққиз қарсақ шундай урилган: Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа, ҳа-ҳа-ҳа, ҳаҳ, эй ҳаҳ, эй ҳаҳ (3-3-1-1-1).

Баъзан қарсақчилардан бири жўшиб ёки ўртада-

ги ўйинчига жавобан умумий ҳаракатни бузиши, қарсақлар сонини оғириши ва ритмини ўзгартириши мумкин. Бундай пайтларда қарсақчилар ушиб ташаббусни ўз ҳаракатлари билан қувватлайдилар. Ўз навбатига раққос ҳам қарсақчиларни янгидан-янги усуллар ва жилвалар тўқишга ундайдилар.

Ўртадаги ўйинчи қарсақ усулига мос турли-туман ҳаракатлар тўқиб ўйнайди.

Шундай қилиб, «Беш қарсақ» ёнма-ён ва бир-бирларига қараб туриб давра ҳосил қилган ҳолда маълум маром ва усулда уриладиган беш қарсақ ва айрим қийқириқлар воситаси билан ўйналдиган оммавий рақсди. Унинг катта давраларида 20 ва ундан зиёд киши иштирок этади. «Беш қарсақ»да ҳам умуман, ҳам яккахонга тааллуқли бўлган икки хусусият алоҳида кўзга ташланади: бири қандай ҳолатда бўлмасин - кўкрак кериб ва елкаралари сал орқага ташлаб ўйнаш; иккинчиси - асосан тиззаларни бир оз буккан ҳолда ҳаракатланишдир. Бу икки хусусият ҳам ўзбек халқ рақс санъатида камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, Хоразм воқасида кенг тарқалган биргина «Лазги» номли туркум рақслардагина кўзга ташланади. Худди шу ўхшашлик «Лазги» билан «Қарсақ ўйин» қандайдир умумий асосларга эга бўлса керак, деган тахминни ўртага ташлашга имкон беради.

«Беш қарсақ» ўйинларида анъанага айланган муайян қурилма, тана, кўл, оёқ ва бош ҳаракатлари, юз ифодалари мажмуаси, давра билан яккахон ўйинчининг ўзаро ярашган муносабати каби ҳислатлар мавжуд, албатта. Аммо «Беш қарсақ» устаси бўлиш учун мана шу барқарор асосни махсус ва мукамал эгаллашнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бу учун «Беш қарсақ»чи яна зўр бадиҳагўйлик қобилиятига эга бўлиши керак. Зеро, бунда ҳамма: байтчи ҳам, ўйинчи ҳам, қарсақчилар ҳам зўр илҳом билан, жўшиб, тўлиб-тошиб, кўтаринки руҳ ва эҳтирос билан ўйинга ниҳоятда берилиб, баъзан ҳатто жазавога тушиб ўйнайди. Мана шундай бир ижодий эҳтирос шароитида сон-санқоқсиз янги рақс ҳаракатлари ва ҳолатлар, имо-ишоралар ва рафторлар майдонга келади. Иштирокчилар бир-бирларини яхши тушунишлари, бири иккинчисининг янги ҳаракати, кайфияти, баъзан ҳатто кўз илғай олмайдиган жилваларини пайқаб, тезда жавоб бериши, топилмаларни қувватлаш ва ривожлантириш билан бирга ўзи ҳам янгиларини ижод қилиши лозим. «Беш қарсақ» ўйинлари мана шундай ижодий мусобақа тарзида ўтади. Айниқса, ўртада ўйновчи ўйинчи кучли бадиҳагўй бўлиши керак. У баъзан янги, қизиқарли ҳаракат топганда, даврадаги кўз остига олган иштирокчига рубўрў бўлиб, уни тортишувга чорлайди. Шунда давра ўртасида бир-бири билан куч синовчи икки ўйинчи пайдо бўлиб, умуман ўйиннинг жўшқинлиги янада кучайиб кетади. Баъзан катта тўй ва сайилларда «беш қарсақ»чиларнинг бир эмас, балки бир неча давраси ҳосил қилиниб, улар ўртасида ижодий мусобақа ўтказилган.

«Беш қарсақ» бизгача етиб келган шаклида бирдамликни улуглаб, гурур, шижоат ва мардоналикни таранум этади, иштирокчилардагина эмас, томошабинларда ҳам бадиий-эстетик дидининг шаклланишига ҳисса қўшади, уларнинг қадди-қомат ҳара-

катлари гўзалигига, мутаносиблигига бўлган меҳрини тоблайди.

Ҳозирги Жиззах вилоятининг Фориш туманида ва Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида мавжудлиги аниқланган «Теварак ўйин» ҳам давра ҳосил қилиб ўйналиши ва қарсак ишлатилиши билан «Қарсак ўйин»ига яқиндир. «Теварак» сўзи «доира» ва «давра» маъносини беради. Бинобарин, «Теварак ўйин»ни доира ўйин ёки давра ўйин деб тушуниш лозим. Бунинг иккаласи ҳам тўғри, чунки «Теварак ўйин» давра бўлиб, доира чалиб ўйналадиган умумий рақсдир.

«Теварак ўйин» Форишда хотин-қизлар орасида тарқалган. Ҳамон хотин-қизларнинг ҳар қандай йигилиши бу ўйинсиз ўтмайди.

Бу ўйинда «Гулбоғ», «Омонёр», «Дуранжон» сингари ўнлаб халқ кўшиқлари айтилади. Уларнинг қуйлари содда, нафис, ёқимли, сўзлари эса ўзбек хотин-қизлари орасида кенг тарқалган анъанавий кўшиқлардан бўлиб, севаги, дўстлик ва садоқат, ҳижрон, алам ва армон мавзуларини тараннум этади.

«Теварак ўйин»да ўзига хос махсус ўйинлар кам учрайди. Кўп жойларда ўртада ўйновчи яккахон ўйинчиларнинг ҳаракатлари хотин-қизлар орасида бошқа вақтларда ҳам ижро этиладиган рақс ҳаракатларидан леярили фарқ қилмайди. Фақат Оқтепа қишлоғидаги хотин-қизлар бу ўйинда «енг ташлаб» ўйнайдилар. «Енг ташлаб» ўйнашнинг маъноси шуки, ўйинчи қўйлагининг узун енглари оқсилтириб тушириб, шу зайлда қўлларини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб, гоҳ боши устига камалак қилиб, гоҳ илондай буралтириб, гоҳ елпигич қилиб елпиниб ўйнайди. Бу «Теварак ўйин»да махсус рақслар бўлган, бироқ кейинчалик бошқа ўйинлар билан қоришиб кетиб ўз изини йўқотиб қўйган, деган хулосага олиб келади.

Фориш, Нурота каби айрим тоғли жойларда «Қарсак ўйин»ни «Қарсоқ ўйин» деб юротадилар. Профессор Ҳ.Т.Зарипов «Қарсоқ» сўзи «бўри» деган маънони билдиради, деган эди. Бинобарин, «Қарсоқ ўйин» «Бўри ўйин» демакдир. Ажабо, бўрининг рақсага нима дахли бор? Дахли бор экан. Текширишлар шунни кўрсатди.

«Қарсоқ ўйин» дейиладиган жойларда ижрочилар давра бўлиб териладилар ва қарсак чалиб усул бериб турадилар, ўртада бир абжир масхарабоз ўйнайди. Ўйинчи қўзларини қақчайтиради, тилларини гижирлатади, даврадагиларга хуруж қиладди, ириллайди, афтини буриштиради, гоҳ сакраб, гоҳ чўккалиб жазавага тушиб ўйнайди. Бошқача айтганда, у қилиқлари билан йиртқич ҳайвон қиёфасини гавдалантиради. Шунинг каби даврадаги қарсакчилар ҳам гоҳ гуж бўлиб «йиртқич»ни ураб, гоҳ ундан қочиб орқага чекиниб ёйилиб ўйнайдилар. Дарвоқе, «Қарсоқ ўйин»ни аждоларимизнинг овчилик маросимлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлиб, кейинроқ тотемистик этиқоиди билан қўшилиб кетган кўҳна рақсларнинг қолдиқлари деса бўлади. Ўртадаги - бўри, айланадаги - бўрига топинувчи қабила одамлари бўлган бўлиши мумкин. Ўйин бора-бора ўзининг маросимлик аҳамиятини йўқотиб маданийлашган ва базмларда кўрсатиладиган оддий томошага айланган. Қарсак усуллари, ўйин шаклларига эътибор

қучайган, бадиийликни ошириш мақсадида махсус байтлар тўқилган. Қарсакларнинг ишлатилиши ва «қарсак» сўзининг «қарсоқ» сўзига оҳангдошлиги орқасида «қарсоқ» «қарсак»ка айланиб, «Қарсак ўйин» деган тушунча ҳосил бўлган. Мана шу маданийлашув жараёнида «Қарсак ўйин» зардуштийлар маросимларидан баъзи унсурларни ўзлаштирган бўлиши ҳам мумкин.


Назаримизда, араблар истилосидан кейинги даврларда мазкур рақснинг ҳам эски, ҳам маданийлашган вариантлари яшаган. Тасаввуф тариқати билан боғлиқ бўлган оқимлар зикр маросимини яратар эканлар, намуна сифатида «Беш қарсак»ка таянганлар, деб ўйлаймиз. Зикрчиларнинг давра ҳосил қилиши, қарсак чалиб, шу усулда ўйнаши, усуллар тазлашиб жазавага тушиши, пирнинг байт айтиши, маросимнинг боши ва ораларида ҳофизларнинг хониш қилиши шундан гувоҳлик беради.

Ўрта асрларда «Қарсак ўйин» турлари ҳатто сарой базмларини ҳам безаганки, бу ҳақда миниатюрочи расмлар меросдан ишончли далиллар қилириб топса бўлади. Рассом Ал-Султонийнинг XIV аср охирига алоқалор бир тасвирида уч доирачи, бир найчи ва бир қарсакчи - беш қиз ўтирганни кўраимиз. Фикримизча, бу ерда «Қарсак ўйин»нинг маданийлашган шакли ўз аксини топган.

Ўрта асрларда «Қарсак ўйин»нинг давра бўлиб ўйналадиган қисми - «Беш қарсак» ҳам маданийлашган шаклларида яшаган. Чунончи, М.Раҳмонов аниқлаган XV аср охирига оид бир миниатюрада Ҳусайн Бойқаро саройидаги базм тасвирланган: ўн икки рақсosanнинг давра олиб, қўллари билан нимагадир ишора қилиб, ўнг томонга ҳаракатланиб, майин товланиб, «бармоқ учида», «нозик қадам ташлаб» ўйнамоқда. Бу «Беш қарсак» ўйинининг маданийлашган нусхасидан бошқа нарса эмас.

«Қарсак ўйин» тобора маданийлаша ва мукамаллаша бориб (бунда шаҳар маданиятининг таъсири ҳам муҳим роль ўйнаган), тахминан XII асрга келиб иккига бўлиниб кетади. «Беш қарсак» турида «Қарсак ўйин»нинг кўп хусусиятлари сақланиб қолади, ҳатто ниқобдан ҳам фойдаланиб келишган. «Майда қарсак»нинг баъзи турлари тузилиши жиҳатдан (айлана ҳосил қилиш, ўйинчининг давра ўртасида ўйнаши каби) «Беш қарсак»ка ўхшаса-да, мазмун жиҳатдан ундан тамомила фарқ қиладди. «Майда қарсак»нинг ўйинлари ва қўшиқлари бошдан-оёқ дунёвий мавзуга бағишланган бўлиб, муҳаббат, дўстлик, садоқат, инсонпарварлик туйғуларини ифода қиладди. «Беш қарсак» асосан тоғ ва чўл туманларида сақланган бўлса, «Майда қарсак» тобора кенгроқ худудни ишғол қилиб, шаҳар маданиятининг таркибий қисмига айланиб боради.

Шундай қилиб, «Қарсак ўйин» ибтидоий овчиларнинг турли ўйинлари, зардуштийларнинг баъзи маросим рақслари негизида ҳамда содда дунёқарашлар билан боғлиқ ҳолда майдонга келиб, кўп асрлик мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Минг йиллар давомида у шаклан ва мазмунан ўзгариб, маданийлашиб, халқ оммаси орасида эътибори ортиб борган.



САНЪАТКОР САОДАТИ

Тошкентдек шахри азимнинг Коратош махалласида истикомат қилувчи темир йўл ишчиси Олид Бобомухаммад хонадонинда 1928 йил 21 июль кўни ўғил таваллуд топди. Ота ўлига Ахмаддон деб исм қўйди. Ахмаддоннинг онаси Файзинисо Уринбой Абдурауф кизи зиёлилар оиласидан чиққан бўлса ҳам ўз даврининг фарзанди ўларок уй бекаси бўлиб, болалар тарбияси билан шуғулланарди. Улкан истеъдод соҳиби бўлган Олид Бобомухаммад ўғли ўз замонасининг етук хонадонида ҳамда созадаси сифатида элга танилганди. Шунинг учун Олид ака ўғли Ахмаддон қалбида мураккабгаддек санъатга, мусиқага ихлос уйғотди.

Ахмаддон 1935 йили Чорсудаги 75-сонли тўлиқсиз ўрта мактабда тахсил олиш билан бирга мусиқа тўғрисида катнашади, у ерда барабан чалишга ҳавас уйғонади. 1939 йили эса «Чакар» махалласидаги 82-сонли ўрта мактабга ўтгач, мусиқа тўғрисида катнашиб ўзбек миллий чолғу асбобларидан най, доира, рубоб, шунингдек пианино чалишни ҳам кўнг билан ўрганади.

Мусиқага бўлган чанқоклик уни Островский номлидаги ўқувчилар саройига етаклайди. Бу ерда тўғарак раҳбари найчи Ахмаддон Максудов устозлигида ўзбек халқ мусиқаси намуналаридан «Дилхирож», «Усмония», «Ирзадавлат», «Илғор»,

«Фарғонача», «Ёлғиз», «Дучава» каби куйларни ижро этишни ўрганади.

Ахмаддон 1943 йили Ҳамза номлидаги мусиқа билим юртига ўқишга кирди ва ўқитувчиси Абдусамат Илёсов раҳбарлигида чанг чалиш сирларини мукаммал ўрганади.

Ахмаддон Одилов 1948 йилда Ҳамза номлидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаб, Тошкент Давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимига чанг ихтисоси бўйича 2-курсга қабул қилинади. Бу ерда мохир педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ашот Иванович Петросянц раҳбарлигида ўзининг назарий ва амалий ижрочилик билимларини янада такомиллаштиради. Ахмаддон Одилов чанг чолғусида ижро репертуарини нодир мусиқий асарлар хисобига кенгайтиради. Мухаммаддон Мирзаев раҳбарлигида «Муножот», «Савти муножот», «Сегоҳ», «Уфори сегоҳ», «Мушқулот дугоҳ», «Мушқулот дугоҳ талқиниси, уфори», «Ажам тароналари», «Чули ирок» каби мурақаб ўзбек халқ мусиқаси намуналарини чанг ётиб ноталаштиради.

1952 йили консерваторияни муваффақиятли битирган Ахмаддон Одилов халқ чолғу асбоблари оркестри жамоасида ижодий фаолиятини давом эттиради

ҳамда консерваторияда ўқитувчи бўлиб ишлаб бошлайди.

Ахмаддон Одилов устозлари ҳамкорлигида ҳамда устози А.Петросянц, уста Усмон Зуфаров ва Савелий Диленколар билан биргаликда мавжуд чанг чолғуси негизда янги чанг асбоби яратилишига ўз хиссасини қўшди. Янги нусхадаги чанг чолғуси ансамблларда, мусиқий билим юртиларида кенг тарзда қўлланилиб, ижрочилик амалиётида муҳим ўрин эгаллади.

1960 йили Тошкент Давлат консерваторияси дошенти, сиртки бўлим бошлиғи, 1970-1971 йиллари эса Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг кадрлар ва ўқув юртлири бошқармасининг бошлиғи, сўнг яна консерватория, профессорлик...

Ахмаддон Одилов ўқитувчилик, мусиқий ижрочилик, илмий-ижодий ва ташкилий жамоатчилик ишларини бир-бирдан ажратмаган ҳолда узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Ахмаддон ака мурақаб ижодий йўлини босиб ўтди. У чанг чолғусини замон талабларига жавоб берадиган ижрочилик мактабининг илмий-усlubий қўлланмаларини яратган забардаст олимдир. У ўзбек халқ мусиқаси намуналарини чанг ва фортепиано чолғуларига мослаштириб ноталаштирган бирдан-бир ижодкор хамдир.

1969 йилда Ахмаддон Одилов ташаббуси билан консерваторияда, ўзбек халқ чолғулари факультети қошида миллий чанг чолғулари ансамбли ташкил этилди. Бу ансамблнинг бой мусиқа меросимизни тарғибот қилишда, мусиқа маданиятимизни юксалтиришда, ёшларни мусиқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим, ўзига хос ўрни бор.

Ахмаддон Одиловнинг илмий-методик кўрсатмалари, басталаган куйлари, чанг ва фортепиано учун мослаштириб ноталаштирилган халқ мусиқа намуналари, ноёб дарсликлари, тўпламлари («Чанг учун дарслик» А.Петросянц билан ҳамкорликда ёзилган, «Чанг учун гамма машқ ва этюдлар», «Чанг тароналарининг биринчи, иккинчи ва учинчи китоблари, «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи»), ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихига оид рисоалари Ўзбекистондан ташқарида ҳам зўр кизиқиш билан ўрганилмоқда. Ҳозирги кунда эса Ахмаддон Одилов «Ўзбек халқ чолғуларини ўргатиш услубияти» китобини яратиб, маком намуналарини чанг чолғусига ноталаштириш устида ижод қилмоқда. Шунингдек, унинг «Ўзбек халқ чолғулари учун» тўплами яқинда нашрдан чиқди.

Ўзининг 70 ёшлик кутлуг айёминини нишонлаш арафасида турган устоз санъаткор, меҳрибон мураббийнинг ижодий режалари мўл.

Тоҳиржон ЙЎЛДОШЕВ,
Абулла Қодирй номлидаги
Тошкент Давлат Маданият
институтини халқ чолғу
асбоблари кафедраси
ўқитувчиси.

Маснавий

ШАРҲ

Ақл зоҳиран манзур бўлмайди. Зоҳир кўзи билан кўринган олам моддийдир. Моддий олам ақл дарёсининг мавжи, балки бутун мавжудот ҳам ёлғиз мавжнинг нами каби-дир. Икки навъ ақл мавжуд. Бири - ақли кулл. Бу - нури Раббоний. Унинг таъсири билан бутун мавжудот ва жисмлар олами интизом касб этади. Иккинчиси - инсоний ақл. У ақли кулнинг бир заррасидан ҳосил бўлади.

МАСНАВИЙ

*Ҳар чи суврат мевасилат созадаш,
3-он василат баҳр дур андозадаш.*

ТАРЖИМА

*Ҳар нечук суврат агар у соз этар,
Ақл уни айлар ўзидан рад-бадар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар бир суврат ўз хоҳиши билан бошқа бир сувратга айланса, ёхуд бошқа бир шаклга ўтса, ақли кулл уни ўзидан йироқлаштиради.

ШАРҲ

Ҳар кимки ақл дарёси ҳукмини, руҳоний ҳақиқатни ва маънавий таъсиротларни ҳис қилмай, анвойи моддий мавжудият ва воқеликка ёхуд ёлғиз жисм ва модлага эътибор бери-са, бундай инсон ақл ва руҳоният дарёсидан маҳрум бўлади.

Ақли кулнинг қудратига кўни-киб, бора-бора ҳатто унинг борлигини ҳам ҳис қилмай қўйган инсон ақли жузъга бўлган эътиборини ҳам унутади. У ҳайвонсифат сезги - инстинкт ёхуд одат-кўникмалар ҳукми остида яшайди. Бугун Овру-понинг тенг ярмини тўфун босиб, қолган қисмига сел ёғса, бу инсон-

Давоми. Боши ўтган сонларда.

нинг ақли кулдан гофил эканини англатади. Зеро, эртага сайёралар ўз ўрнидан кўпиб, бир-бировининг ҳаракат ўзанига келиб қўшилса, мавжудот «Янги Нуҳ тўфони» остида қолса нима ҳам қила оларди?

Итдан қочгани жой тополмаганидек, бу оламшумул жазодан яширина оладими? Ақли куллни унутиб, ўзи билган сувратга кираётган инсон боласи эртага нима бўлишини билмайди-ку. Мавлоно ҳазратлари ақли куллни унутиб, ўзини ожиз ва хира ақлини «шамси олам» деб гумон этаётган инсонни оғоҳлантириб дейдики, сен ўз билганинчга иш тутиб, ақли кулл қонуниятларини топтасанг, ёхуд назар-писанд қилмасанг, у сени ўзидан йироқлаштиради.

МАСНАВИЙ

*То набинанд дил диҳанда розро,
То набинанд тийр дўрандозро.*

ТАРЖИМА

*Токи билмас дил ким у розлар берур,
Токи билмайдир камон отгани тийр.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўнгил роз соҳибни, ёхуд роз берувчи Ҳақ таъолони танимай қолади, камон ўқи камончини кўрмагани янглиг. Оллоҳ субҳонаху ва таъолонинг жалолияти ва ҳақиқатини унутган банд ҳам Ҳақдан олис-олисида, яъни гафлатлар ва жаҳолатлар қаърида қолиб кетади.

ШАРҲ

Руҳоният ва моддиейнинг ҳаракат ҳамда таъсироти Ҳақ амри билан рўй беришини кўра билмаган инсон нодондир. Зеро, Холиқи Лам-язал инсонга бир томондан ақл каби мунаввар нурни эҳсон этди. Бошқа томондан Ўз ҳақиқатининг таблиғи учун илм-урфон манбаъи бўлган пайгамбарларини юборди. Бу ҳақиқат

неъматига қарши борган мункирлар Кибриё адолати, саодат ва марҳамати доирасидан хорижда қолади.

Атрофимизда у йилдан бу йилга ўз Эгасини бир марта ёд этмаса-да, Қайсар ё Қорундек яшаётганлар бор. Ёлғон эмас, қаердан келиб, қаерга бораётгани тушига ҳам кирмаса-да, Мағриб билан Машриқни гир айла-ниб чиққанлар бор. Сиҳат-саломат, тўқ, лорсиллаб, бақувват. Ёлғон эмас. Буларнинг ҳаммаси рост. Аммо, энг даҳшатли рост шуки, бундай инсонлар ўз Эгасини унутган-лар. Ва Эга ҳам уларни унутган.

Бу Унинг илоҳий вадъаси...

МАСНАВИЙ

*Аспи худро ёва донад в-аз ситез,
Медаваод аспи худ дар роҳ тез.*

ТАРЖИМА

*Отини лоғар билар-да жаҳл ила,
Йурттирар йўларда, йўлар - сисила.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Гофил одам от устида экан, уни лоғар деб гумон этади ва шиддат билан йўрттиришга зўр беради.

ШАРҲ

Руҳоний таъсиротдан гофил, руҳониятга мункир ёхуд руҳнинг мавжудиятига қоил бўлса-да, ўзини илоҳий файздан бенасиб, деб гумон этган кимса, отга миниб олган ва оти йўқлиги даъвоси билан, ёхуд жониворнинг лоғарлигини баҳона қилибми уни зўрлаб олга қичиётган одамга ўхшайди. Бу кимса ўзининг ҳам руҳи боқий экани, бу руҳ во-ситаида ақл ва бадани ҳаракат эта-ётгани куёш каби равшан бўлса-да, руҳни инкор этади ёхуд руҳ хорижда (ташқарида) деб гумон қилади. Бундай нодонлик ва қабоҳат инсонни таназзул чоҳига итқатади, илоҳий ҳикматдан бенасиб қилади, охир-

оқибат маънан кўр, жисман абгор тарзда оламдан ўтиб кетади.

Ҳаётда биз сифинган «доҳийлар», «машҳур зотлар» ҳам ухлайди, чучкиради, ичбуруғ ёхуд бавосил бўлади. Улар ҳам оч қолиши, тушида босинқираши, зўр келганда ариллаб йнглаши мумкин. Бандадан санам ясагини оқибати хунук. Шу боисдан тиланчига ҳам Оллоҳнинг буюк бир кашфиёти деб қаралса ва унинг руҳий булоқлари кўзи очиб юборилса, у муҳтарам бир зотга айланади. Оллоҳ одамни баробарлик-тенглик асосида яратди. Ҳеч кимга икки бош, тўртта тил бергани йўқ. Бу либослар билан ҳашаматли тахтни одам ўйлаб топти. Модомки, одамнинг кўлида экан, уни ўзгартириш ҳеч гап эмас. Буни сиз ҳам қила оласиз. Айтايлик ўзингиз қаттиқ суяган либосларингизни қўчаниб нариги жибдаги чувринди «дўст»ингизга беринг. Хотинингиз, ўғил-қизингиз, қўшнингиз, умуман, ҳамма шу ишни қилсинчи!.. Сиз бу ишни қилоласиз... Мадрасамни, маориф тупрогини ялаган, олам ва уқбодан оғоҳ бир зоти киро мунинг қошида тин олиб, шайх Абутолиб Нахшабийдек оталарча бошини силаса, руҳониятининг милт-милт сунаётган филикларини тебратиб юбориб, уйғотса, унинг оламга нима сабабдан келганини пора олмасдан бир вайлиёсифат аңлатса, дунёда пасту баланд деган тшунча қоладими?..

МАСНАВИЙ

*Аспи худро ёва дондаи он жаваод,
Асп худ ўро кашон карда чу бод.*

ТАРЖИМА

*Отини лоғар гумон айлар у зот,
От эса элтар уни зўёки бод.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ўша жувонмард ва соддадил остидаги гулпорини лоғар деб гумон этади. Қолбуки шўриқ жонивор уни бод каби учириб борапти.

ШАРҲ

Бу байтда соддадил ва гофил бир инсоннинг ҳолати таҳлил қилинмоқда. Модомки руҳ ва унинг файзбахш неъматларини моддий жисм каби қўл билан тутиб кўришининг имкони йўқ экан, баъзи бир соддадил инсонлар уни ё мутлақо йўқ, ёхуд ўзига насиб қилмаган деган гоят бадин хаёл билан яшаб ўтиб

бироверадилар. Биз юқориди худди шу нуқтага тўхталиб, руҳи «пинҳон» кимсани ҳам «тириштириш» йўллари ҳақида гапирган эдик. Тарих қошида 1400 йил ҳеч гап эмас. 1400 йил, яъни «асри саодат»гача бўлган жоҳилият даврини эслайлик. Худонинг барҳақ расули мутлақо зулмат қарнида қолган инсонлар қошига нур олиб келгунга қадар бўлган давр манзараларини хаёлимизда жонлантирайлик.

«Курьони карим»да жоҳилият даври ҳақида шундай марҳамат қилинади:

«Зоҳарол фасадун фил барри вал баҳри бима касабат айдиннаси». Одамларнинг қилмишлари сабабли куруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) офат-балолар юз берди». (Рум, 41).

Бу оятни карима араб мушриклари, яҳудийлар ва насронийларнинг ижтимоий ҳаёт тарзини, ўша пайтлар дунёнинг ҳар томонида фасод ҳукм сурганини билдиради...

Ҳа, ер юзини зулмат эгаллаган, инсонларнинг руҳ, эътиқод ва хати-ҳаракатлари ҳам бузилган эди. Дунё зулм, истибод, жаҳолат дастидан инграрди гўё. Фақатгина араблар эмас, бутун инсоният моддий ва руҳий изтироблар ичида қийналар, қутилиш, нажот йўлини қидириш эди. Тарих ҳалигача фасод авж олган бундай бир даврни бошдан кечирмаган...» (Закои Кўнрапанинг «Пайгамбаримиз ва ашараи мубашшара» китобидан).

Жоҳилият даври одамлари ҳам ўзи минган отни лоғар деб гумон қилган ва дунёнинг сон-саноксиз кўча-кўйларига ўзини урган, омадсизлиги, ожизлигидан ғингишиб, ҳаммаёқни саситиб юрадиган «чавандоз»га менгазайди Ҳазрат Румий даҳоси нурлари билан ёришган инсон қисматининг бу хилват чоҳларини кўринг. Ақл том устида ё остида қолган эмас, руҳ қўшнингикада ё омборхонада эмас, вужуд даррахт шоҳида эмас, ўзимизда, фақат ўзимизда бўлгани ҳолда «тулпор»дан нолимоқ жоизми? Ҳеч бир тошу тарози билан ўлчаб бўлмайдиган, бутун дунё гавҳарлари эвазига ҳам сотиб олиш мумкин бўлмаган бу илоҳий неъматлар қадрига етамизми? Бошимизни сочлар даласига, вужудимизнинг тенг ярмини емакхонага, тенг ярмини емакхона хизматкори вазифасини бажарувчига айлантирсак, сўнг чет милларини шамол тезлигида ҳаракатга келтирсак, демак бутун умримиз (яъни, Худо берган бу буюк неъмат) фақат

бир марта соч қиртишламоққа ва бўкиб овқат емоққа етар экан, холос. Бу нечук девоналик бўлур эди...

МАСНАВИЙ

*Дар фиғону жуъстужуъ он хайрасар,
Ҳар тараф нурсону жуъан дарбадар.*

ТАРЖИМА

*Нола-ю афгон чекар у беҳабар,
Ҳар тараф ургай ўзини сарбасар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ўша гофил ва шошқин зот фиғону нола чекиб, ўзини ҳар томонга уради, дарбадарларча тентирайди.

ШАРҲ

Худонинг ерга муқтадир ва пойдор этиб юборган забардаст халифаси мустақийм ва ҳақ йўлдан чалғиб кетди. Дахшатли ўпқон ҳосил бўлди. Одам ва унинг муқаррам руҳи ўртасида «беғоналик девори» қад кўтарди. Пайгамбарона кудратга эга бўлиши мумкин бўлган. Ҳақ таяоло илоҳий ваъдаси билан муқаррам қилган Одам ночор ва нобакор махлуққа айланади. Аждолларини маймун қавми, ўзини қандайдир бир моддалар мажмуъи деб оҳу фиғон чекаётган ношуд кимса ҳар қандай тубанлик ва галамисликдан тап тортмайди. Руҳвужуд гориди пинҳон, ақл сунъий тўсиқлар ортига тшувовланган бир жонивордек ташлаб қўйилса, одам одамлигини унутади. Борди-ю, уни шу куйга солганлар одам эмаслигини ташкилласа бунга ҳам ишонлади.

Инсоният тарихида бундай ҳодисаларнинг саногй йўқ. Айтиш мумкинки, бутун тарих аини шундай ҳолатларнинг гоҳ у, гоҳ бу шаклда кўринишидан иборат. Одам тарих деган энг оғир бир дostonни бошлар экан «қуллик» даврига алоҳида тўхталлади. Бу шармандалик инсоният тарихий тараққийетида янги бир давр, деб эътироф этилади.

Мавлоно ҳазратлари асли ўзи ўзида бўлган, бироқ маънавий сўқирлиги боис ҳатто ўзини ҳам кўришга ноқобил бўлган зот ҳолатини гоят бадих ва сариҳ ифода этмоқдалар.

МАСНАВИЙ

*- Он ки дудид аспи моро зў, ки кист?...
- Ин чи зери рони туст, эй хўжа кист?..*

ТАРЖИМА

*- Отимизни ким ўғираб кетди, ҳей?
- Тигинг остиндаги недир, хўжам-ей?..*

«Отимизни ким ўғирлади?». Бу савол юқорида таърифи берилган бир гофил, худобехабар тилидан баён этилмоқда. Унга жавобан оқил зот дейди: «Пичогинг остидаги нарсанима?».

Ҳайвон остингда, яъни руҳ ичингда, ўзингда. Бироқ сен уни йўқ, деб гумон этаёсан. Ҳатто бунга ишонаёсан ҳам...

Шундай ўз-ўзича доврираб, ўзини ўзга ёқлардан беҳуда қидириб юрган кимсага бир ориф хитоб этиб дейди: «Сенинг тирикчилигига сабаб, яъни ҳаёт майдонида ушлаб турган, нуқд ва тафаккур баҳш айлаган Худонинг фаизи, яъни руҳи раван эмасми?»

«Саодат асри» қўешининг илк шуълалари эндигина Ҳиро (Нур) горига инган ва Осмон яна Ерни ўзи илора қилишга бошлаган кезлар. Юқорида таърифлаганимиздек, «қуллик»ни инсоннинг муқаррар қисмати деб билган Худонинг Зуайб исмли бир бандаси ногаҳон рисолатпаноҳ даъватларини эшитиб, иймон нури билан мушарраф бўлади. Иймон уни тирилтиради. Яъни, унда азалда мавжуд бўлган руҳ уйғонди.

Бошида қамчи уйнатган, муттасил яғир товон-тепкиси билан сийлаган, билгани бадмастлик, қўйни тўла чўри сайиллар ҳам унинг ўзига ўхшаган одам эканини, Оллоҳ сайидни ҳам, сайисни ҳам баробар қилиб яратганини англаб етди. Тўғриси, Оллоҳ қонунларини замин бўйлаб ёйишга бошлаган энг сунгги Элчи киприклари қовилган кўзини

очиб, лаби тушовлаб ташлаган тилини ечиб юборди. Бадани бўйлаб руҳ мавжлари шаффор сув пуркади. Зуайб Оллоҳни таниди. Зуайб Оллоҳга ошиқ бўлди.

Сиз ҳам, эй меҳмон, мудом сақич сотиб, тамаки ва талқон пуллаш учун келмагансиз!? Бинобарин, сиз сақич, тамаки, талқон учун яратилмагансиз.

Сиз ҳам, эй меҳмон, иззатингизни билинг. Иззатингиз - уч кун...

МАСНАВИЙ

- *Оре, ин асп аст, лекин асп ку?*
- *Бо худ ой, эй шаҳсувори айбжӯ?...*

ТАРЖИМАСИ

- *Тўғри, бу отдир ва лекин от қани?*
- *Шаҳсувор, ҳушёр торт, қўй нағмани?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

«Тўғри, бу от. Лекин у қаерда?». (Гофил кимса мажнунона кайфиятда ўз-ўзини инкор қилмоқда). «Эй моҳир чавандоз (дейти унга ориф), ҳушёр торт!..».

ШАРҲ

Сиз унга Руҳ, унинг ҳақиқати ҳақида гапирсангиз. У таслиқ этади, бироқ ниҳоят, руҳнинг ўзи қани, деб талмовсвиратади...

МАСНАВИЙ

Жон зи пайдой ва наздикист гум,
Чун шикма пуробу лаб хушке чу гум.

ТАРЖИМА

Жонки, пайдоеву явуқдир йўқдир,
Лаб курук, қоринда сув чун хумдир.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Одамий жон камоли зуҳур ва қурбатидан бизли ҳамда пинҳон. Одаийзот бир хум каби. Унинг ичи сув билан тўлдирилган, таши қурук.

ШАРҲ

Кўз ҳар нарсадан яқин экан, камоли қарибияти яқинлиги ваҳждан инсон уни, ҳатто кипригини кўролмайд. Бадан сув тўлдирилган хумга ўхшайди.

Унинг ичи тўла сув. Таши қурук. Бадан жоннинг ҳаётбахш суви билан тирик. Бироқ ботинлиги, яъни пинҳонлиги туфайли айрим гофил кимсалар зоҳирий жиҳатларгагина қаттиқ боғланиб қоладилар. Ақлий ва руҳоний басийрат моддиёт пардаси билан тўсиб қўйилади. Одам маънан кўрга айланади. Дунё ва ўқбосини барбод этади.

Моддапарастни ҳам тушуниш мумкин. У ботиний - яъни, пинҳона нарсани кўролмайд. У ҳамма нарсани, бор мавжудотни бармоқлари билан пайпаслаб, турткилаб, нуқиб кўриши керак. Бу ўринда, албатта, кўзлари, лаблари, яъни жамийки сезги аъзолари бир сира ўшал пинҳона нарсани, нима бўлишидан қатъий назар, том маънода ҳис қилиши, энг ками тасаввур этиши зарур. Ахир, у моддапараст-ку. У буни ҳеч



қачон инкор ҳам этмайди. Дунёда уларнинг ба сон, ба саноғи бор. Яъни, ҳамма давру замонларда зоҳирий инқилоблар тўзони одамзот боши устида тўзиб турган.

Энди, бундай совок ва қаттиқ ақл соҳиблари билан рухоният, ботиний ҳодисалар ҳақида баҳслашиб бўладими? Қўлингизда ашвёий далилингиз бўлмаса!

Бизнинг далилимиз - Қуръон. Бу буюк калом ўзининг биринчи саҳифаси, яъни иккинчи - «Бақара» сурасининг дастлабки оятларида жумбоқни ҳал этади. Чунончи, «Иўъминувна бил ғойба...» дейди ҳаммамизни - моддапарастни ҳам, руҳпарастни ҳам халқ этган Худойи таъоло. Яъни, «Ғайбага (пинҳон, яширин оламга) иймон келтирадилар...» Иймон келтирадилар. Анчайин ишондилар, гумон этадилар, маъқулайдилар, тўшиладилар, тасдиқлайдилар эмас, «иймон келтирадилар». Демак, Худойи таъолога инонган одам, ғайбга иймон келтириши муҳаққаж, Бироқ аслида «ғайбга иймон келтириш» учун яроғу аслаҳлар билан «ясаниб» курашиш шарт ҳам эмас. Қолаверса, бунинг учун унақа жуда теран ақл ҳам керак бўлмайди. Хўш, унда нима керак бўлади? Қандай қилиб, бир думалатиб, бутун башиариятни «руҳпараст» қилиш мумкин.

Жавоб жуда оддий. Бугун, яъни, ғоят оғир мафкуравий исёнлар ниҳоясида ҳамма, таъқидлайди, ҳамма оламу одамни яратган буюк бир Ақл - у Абсолют Онгми, Муғлақ Рўҳми, нима деб аталмасин - борлигини тан олади. Ҳа, тан олади. Борди-ю, яна қаёқдадир, кимдир тан олмаётган бўлса, нима қилардиқ, бундай зотга нисбатан шубҳа билан қарашдан бошқа чорамиз йўқ. Хўш, шу тан олишининг ўзиёқ ғайбга инонмоқдан бошқа нарса эмас...

МАСНАВИЙ

*Кай бубиний сурху сабуз фурро,
То набий пеш аз ин се нурро*

ТАРЖИМА

*Кўрмагайсан ол, яшил ҳам мурни,
Кўрмасанг ундан бурун гар нурни.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Авалло нур не эканини билмасанг, нурни аслида кўрмаган бўлсанг, қизил, яшил, қора ва ҳоказо ранглари қаёқдан кўра билардинг.

ШАРҲ

Ранглари кўриб турган кимса, агар у гоғил бўлса, ушбу ранглари

кўрмак учун куёш ёхуд оддий шам нурига муҳтож эканини билмайди. Рухониятдан беҳабар инсон рухоний, аялхусус, Худойи таъолонинг сон-саноқсиз моддий ва маънавий фазини кўриб турса-да, ҳечнинг қоронғулиги боисидан ҳеч нарсани англамайди. Албатта, барча яхшиликларни ё бирор «удуғроқ катта халқ»дан, ёхуд аммасининг эридан, деб билади-да, унинг оёғини яламоқдан беҳузур бўлмайди. Астойдил яламоқда бардавом бўлади.

Кудсий ҳадис. «Ябна Адама, асанука қод маллат мен наъмаи ва лисанука ла тамаллу шакваи». (Эй, Одам фарзанди, мен яратган неъматларни еб-еб тишларинг малоланиб чарчаб кетди-ю, лекин менинг шикоятимдан тилинг ҳеч чарчамайди).

Изоҳ: кудсий ҳадислар таржамаси уламоий киром Абу Муҳаммад Маҳбубий Марғилоний ҳазратлариға мансуб - тарж.

Бу самимий миннатни тингланг. Ётиб еб тоғларни чарчатдиқ, узаниб ичиб дарёларни қақратдиқ, минг турли маҳлуқнинг аксарият қисмини ҳам қилдиқ. Беминнат таом ҳазмида давом этаёғимиз. Бироқ бу неъматларнинг асл соҳибини бир бор бўлсин ўйлашга, унинг шукронаси учун бир неча лаҳза пешонамизни саждага босишга ярамаймиз. Бу ҳам етмагандек, ношукру ва носиполик қиламиз. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун қуллуқ қилишни удаласак-да бутун авлоду аждодимиз келиб, яшаб, тунаб яна шом қоронғусидами, субҳи содиқдами кетиб қолган муқаддас Мул ва унинг Моликини танимаймиз. Дарвозасини тепиб кирамиз-да тараққатиб ёпанча чиқиб кетаверамиз...

МАСНАВИЙ

*Лек, чун дар ранг кам шуд хуши ту,
Шуд зи нур он рангоҳ рўнуши ту.*

ТАРЖИМА

*Лек, чун ранг бирла учса ақлу ҳуши,
Нурни ранглар айлар охир пардаи ҳуши.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар борди-ю ранглар кўзларингни қамаштириб қўйсалар, ранглар ақлу хушдан мосуво этсалар, табиийки, бу ҳолат ҳақиқий нурнинг моҳиятини зоҳиран йўқ қилади.

ШАРҲ

Одам фарзанди зоҳирбин ва суваратпараст. Унда бутга мойиллик ҳам зоҳирбинлиқнинг оқибати. Бироқ жамийки маҳлуқотнинг Холиқи -

Яратгувчиси бўлган Зот унинг табиятини тўла-тўқис билади. Шундай оғоҳдантиради: «Я бани Адама, инний ла анзуру ила суварикум ва амваликум, бал анзуру ила қулубикум ва аъмаликум». (Эй Одам фарзандлари, мен силарнинг ҳусну суварларингга ва молу-дунёларингга боқмасман, балки дилларингга ва қилган амалларингга боқурман).

Мен ва сизнинг зоҳиримизга, яъни ташқи суваратимизга маҳлиё бўлмоғимиз маҳлуқнинг заиф ва гоғилона амали. Пасткаш зотлар ҳаммиша одамнинг ташқи боқибгина, ўз муносабатлари итига сўнғак ташлайдилар. Бу ит ё сизни гадо гумон қилиб қопади, ёхуд шоҳ гумон қилиб оёғингизга ётади.

МАСНАВИЙ

*Чунки шаб он рангоҳ мастур буд,
Пас, бидидий дидий ранг аз нур буд.*

ТАРЖИМА

*Чунки тунда ранглар мастурдир,
Ранг қаёқда, боққи аввал нурдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тун қуюлиши билан ранглар яширинди. Рангни кўра билмоқ учун нур, аввало куёш нури зарур экан.

ШАРҲ

Жамийки ранглар куёш шуъласидан ҳосил бўлади. Масалан, оқ рангли ашё моҳиятига кўра куёшни шуъласига таъсир эта билмайди. Аксинча, лозимича кўрсатади. Қора рангли ашё эса нурни тўса олади. Турли-туман ашёлар ўз табиатлариға кўра куёш шуъласининг анвоий тарзда кўрсатади. Чунончи, қирмизи, сариқ ва ҳоказо.

Энди байтнинг асл маъносига боқайлик. Улим келди ва вуҷуд куёши бўлган Рўҳ чекинди. Инсон ҳаётлик чоғида кўриб юрган рангларини кўролмай қолади. Ва ногаҳон бутун умри давомида ўзи инкор қилган ҳодисаларнинг ҳақиқат эканлигига гувоҳ бўлади. Дунёда Оллоҳ қаҳиқатини башар фарзандига етказиб турувчи набийлар нафаси етиб бормаган гўшалар ҳам бор. Илоҳий нубувватдан баҳрасиз қавмлар илоҳий ҳақиқатнинг асл гавҳарини том маънода илғаб олмасалар-да, борлиқ олам шак-шубҳасиз бир етук Қудрат тасарруфида эканини ҳис қила билдилар. Фозил зотлар бу ҳолни шундай таъриф этадилар: «Худонинг

борлиги исбот этиш номуздан кочдир. Чироқ ё шам билан истаб топилмас нарсамас офтоб». «Дарахларнинг кўм-кўк япроқлари ҳар Оқилга Худони танитур лафтар...»

Дунёнинг мувозанати, юракнинг бир меъёра уриши, кўёш, ой, кеча ва кундунинг ақали бир неча дақиқа тахир қилмаслиги, одамнинг яралиши, ҳаёт-момоти, тоғ ва дарёлар, умуман, моддий ва маънавий ҳодисаларнинг жамулжами Оллоҳга шаҳодатлардир. Оллоҳга гувоҳ берувчилардир. Пайгамбаримиз «Арофатул ашй биллаҳи», яъни Оллоҳ нури билан ашёнинг ҳақиқатини биддим, деганлар.

Эй зоҳирпараст! Бугун эгнингта илганинг ва баданингта уфурганинг фаранг матову латталарида гурурланма. Улар эрта кун тўзғийди. Яна Оллоҳ либоси - яланғоч тананг билан қолаверасан. Бугун қурган кўш-кўш ошёнли саройинг билан керилма, эрта кун улар тўзғийди. Кул-кукунга айланади. Сарой-ю кўшдан ер юзига тушиб келмаганинг каби яна саройю кўшкка бормассан, қаро ер қаърига - Оллоҳнинг «уй»ига борасан.

Эй зоҳирпараст! Сенинг дўконингдангина эмас, олам бозорларидан ҳам топилмайдиган, топилган тақдирда ҳам сотиб олмаққа қурбқудратинг етмайдиган бир қултум тоза ҳавонинг кўмматини ўлчамоққа тошу тарози борми? Эй Оллоҳ, ҳайриятки уни сўриб адо қилмоққа булар ожиздилар. Йўқса қаро ерни тақсимлаб, лахта-лахта қилиб, бўлиб олганларидек, ҳавони ҳам тақсимлардилар-да, бир соатнинг ўзидаёқ

башариятни қуритиб юборардилар. Ҳимматинг нақадар буюқдир Худо. Сен ҳавони уларга бермадинг. Бандаларга раҳм қилдинг!..

МАСНАВИЙ

*Нест дидй ранг бенури бурун,
Ҳамчунун ранги хаёли андарун.*

ТАРЖИМА

*Ташиқи нурсиз ранени кўрмассиз тақир,
Ҳам ҳаёт рангини кўрмоқдек, ахир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўёш ва шамънинг хорижий нурсиз зоҳирий - моддий ранглари кўриш мумкин эмас. Худди шунингдек, қалб ва ақлнинг рангини, хаёлни кўра билмак учун дохийли нур, раббоний нур лозимдир.

ШАРҲ


Кўёш ва ой каби ёруғ жисмлар ёхуд чироқ бўлмагунча мавжудотни мушоҳада қилмоқ, турли ҳодисларни фарқлашнинг имкони йўқ. Худди шунингдек, руҳсизлик, раббоний ҳидоят нурлари воситасида ёришмаган ақл ва қалб ҳам вужуд соҳибининг буюқ фожиасидир.

Қалбла, ботинда илоҳий нурни жилва этмоғи, ички зиёнинг янада порлоқ бўлиши Оллоҳга тобора жипсроқ бўлмоқ ила ҳосил бўлади. Оллоҳ ёдидан бегоналик одам ботинини куйган дарахт шаклига келтиради. Бу куйик тан бир умр ёниб яшайди, бироқ ҳеч қачон ботиний

ҳаловатга қовуша олмайди. Оллоҳ ҳамиша бандасини ўз зотиға ёвуқ бўлмоққа даъват этади. Банданинг «кар, соков, кўрлар» тоифасига мансуби бу даъватни тўлиқ англамайди ва даъват соҳибини моддий назаргоҳи майдонидаги моддий унсурлар доирасида қилира бошлайди.

Оллоҳ эса бандасини даъват этаверади: «Ябна Адама, иза аҳабба абдий лиқоий аҳабату лиқоаху ва иза қариҳа абдун лиқои қариҳту лиқоаху».

(Эй Олам фарзанди, қачон бир бандам менинг жамолимни кўришни



истаса, мен ҳам шу бандамни кўришни истайман, аммо бирор банд мени кўргиси келмаса, мен ҳам ул бандани кўришни истайман. Мени жаннатда кўриш мумкин, дўзахда ҳеч кимга кўринмайман).

«Я абдий, ин данавта илайи шиброн данавту илайка боан ва ин машайта илайи ҳарвалту илайка» (Эй бандам, менга бир қарич яқин келсанг, мен ҳам сенга бир қўлоч яқинлашаман. Агар менга қараб секин юрсанг, мен сенга қараб қаттиқроқ юраман).

«Ябна Адама, иза канал голибу адал абдил иштигалу бий жаалту бугятаху валаззатаху фий зикрий ва ашақаний ва ашақтуху сумма рафъатул ҳижоба фийма байний ва байнаху. Улаикал абтолу ҳаққон» (Эй Одамзот, агар бандга мени доим эслаб юришлик голиблик қилса, унинг талабини ва унинг ҳузур-ҳаловатини ўзимнинг зикримда қилиб кўяман, у менга ошиқ бўлса, мен ҳам унга ошиқ бўламан. Кейин у билан ўзимнинг орамиздаги пардани кўтараман. Кимда мана шу сифатлар мавжуд бўлса, у одамлар ҳақиқатан ҳам парадирлардир).

Зоҳирпараст тирноқ ва турли қимматбахо ашёларни кўзларини нақ йириб-йиртиб кўриб турганидек, Ҳақ сиймосини ҳам кўришни, иложини тополса бармоқлари билан нуқишни истайди. Ва табиийки, юқоридаги қаломлар фаҳмига етмайди. Руҳониёти теран, иймони собит зотларга ушбу қудсий ҳадисларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Аммо иймони қалқиб турган кимсаларга яна бир бор ушбу қудсий қаломни эслатмоқ жоиз кўринади:

«Ябна Адама, инний кунту канзан махфиййан. Фаарадту ан аърифа фаҳолақул холқо». (Эй Одам фарзанди, албатта, мен бир махфий кон эдим, бас, ўзимни ошкор этиб танилайин, деб ирода қилдим ва бутун халқни яратдим).

МАСНАВИЙ

*Ин бурун аз офтобу аз саҳо,
В-андарун аз акси анвори Худо.*

ТАРЖИМА

*Зоҳирий нур офтобу моҳдан,
Ички нур Оллоҳдан, Оллоҳдан!*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хорижий - ташқи нур қуёш, ой, юлдуз каби анвойи мунаввар жисмлардан вужудга келади. Ички нур,

ботин нурни Худо нурининг аксидир.

ШАРҲ

Зоҳирий нур зоҳирий сабаблардан. «Ботин нури «Асмои ҳусно» ва илоҳий васфлардан ҳосил бўлади.

Оллоҳ - замин ва осмонларнинг нуридир. Бу - илоҳий сифат, мажоз. Аслида ҳам шундай. Оллоҳ нури унинг зулматли кечаларида зулмоний нур сифатида тажассум топади. Сиз зулмат нуридан ҳадиксирайсиз, юрагингиз ваҳмдан ҳапrikaди. Бу қоронгулик тийрининг ваҳми Оллоҳдан кўрқувга менгзайди. Оллоҳ нури борлиқнинг жамийки унсурларида ўзига хос тусда ёғду таратади. Сокин ва мусавфо баҳор осмонинигина эмас, балки даҳшатли қалдиروқлар тоғларни ларзага солган тулларда ҳам илоҳий қудрат қаридан қарсиллаб учган ёғдулар бор. Қонда ҳам нур бор. Тупроқда ҳам нур бор.

Валий зотлар, аҳбоблар, уларнинг юз-кўзидан, бутун жисмидан таралиб турган нурини кўриш учун ботиний басорат керак.

Иблис қавми бу нурни суймайди. Иблислар замонлар оша бу нурни сўндирмоқ учун сиртмоқлар ясайдилар. Кунда ва болталарини пешлайдилар.

«Тағобун» сурасининг саккизинчи оятида буюрилади: «Фаамину биллаҳи ва росувиҳи ва нуриллазинг анзална». (Бас, иймон келтиринг Оллоҳга, унинг Расулига ва биз нозил қилган нурга).

Нур - Исломи дини. Олам ва одамни энг охириги бор огоҳлантириш, тозалаш ва сўнгги бор Ҳақиқатни англамоқ учун нозил бўлган нур.

МАСНАВИЙ

*Нур нури чашми худ нури дил аст,
Нури чашм аз нури диҳҳо ҳосил аст.*

ТАРЖИМА


*Кўзда нурининг нури дилнинг нуридир,
Нур, кўзнинг нури кўнгал қуридир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўз нурининг нури қалбнинг нуридир. Зеро, кўзнинг нури қалбнинг нуридан ҳосил бўлади.

ШАРҲ

Аслида ботиний бўлган қуёш нури ҳақиқатда зухур этгани каби, зоҳир нури ҳам дилдан ҳосил бўлади. Инсоннинг қалб ва димоғи ҳис қил-



магунча кўз ҳеч бир нарсани кўрмайди. Демак, кўз нури зоҳирий бўлиб, қалб ва димоғдан бошланади.

Байтнинг куйидаги маъноси ҳам бор. Олдий нигоҳ моддий ҳодисаларни кўра билади. Чунончи, куй Тож Маҳалга ёхуд кўтонига қараганидек. Қалб маънавий нур билан мунаввар бўлмагунча, ҳақиқий суратда ҳеч нарсани кўра олмайд.

Аммо олам суратга тўла. Банда сен яратгани мен ҳам яратаман, сендан қаерим кам, каби телбаларча иддао билан яшашни ҳақиқий ҳаёт деб билади. Ҳақиқат бор жонли мавжудотнинг тасвирини доғозга тушира олиши биланоқ Худодлик даъвосини қилади.

Унинг бу худбинлиги Ҳазрат Навоий истилоҳида «аноният» дейилади. Бу «худбинлик», «худпарастлик» дегани. Маънавияти қоронгу, қалби кўр кимсалар худбин бўлади. «Худбин» каломи ўзидан ўзгани кўра билмайдиган, ўзидан бошқани одам санамайдиган маъносини ифодалайди.

Ҳазрат Навоий «Ғаройибус-сиғар» муқаттаотининг сарсуханлари» деб аталгучи қитъаларининг бирида худбинлик балосидан халос бўлиш йўллари, бинобарин, ундан қутулув билан киши эришажак мақом ҳақида теран фикрни илгари суради.

Ҳайтовур, худбинлик асрида ҳазрат Навоийнинг сўзига диққат қилмоқ ва унга амал этмоқ ҳар бир зотнинг бир мараздан халос бўлмагига восита бўлади, деб умид қиламиз.

АНОНИЯТ УЙИН БУЗМОҚ БОВИДАКИМ, ФАНО ЗОВИЯСИН ТУЗМАҚДУР ВА ЎЗИН КАМ ҚИЛМОҚҚА ЎЗИН КЎРГИЗМАК

*Кимки уздук иморатин бузди,
Бўлди нафди фано анинг мўзди.
Ул иморатин бузмайин солик,
Бўла олмас бу нақдга молик.*

Анония - худбинлик уйин бузмок, кибер-гурур, манманлик, такабурликнинг қаттиқ гиштлари билан тикланган мажозий вужуд уйини кўпормоқдир. Бу иморат гишталарини кўчирмоқ, устунлари ва равоқларини синдириб ташламоқ катта захмат ва матонат талаб қилади. Аслида ким ҳам гўзал бир иморат-

дан, боз устига, бу иморат унинг ўзигагина қарашли бўлса, воз кеча олади.

Анония - худбинлик иморати бузилгач, унинг эвазига фано нақди ҳосил бўлади. Яъни, ўз «мен»идан қутилган одам, энг сўнгги мақсуд - фано мулкига эришади. Фано - бу моддий оламнинг барча кўнгилортар неъматларидан, ўткнчи ҳаётга қаттиқ боғлаб ташлагувчи воситалардан воз кечмоқ, фано - ўз нафсини унутиб, ўзга - аслида ҳақиқий Ўзига - Ҳаққа боғланмоқ. Одам ўз нафси жилваларига маҳиё бўлиб, янада ёруғроқ нурларни унутиб қўяди. Ҳолбуки, ўз нурининг асоси бўлмиш буюк Нур борлигини, ўз менидан юксакроқ «Мен» борлигини; бир қалқишда чилпарчин бўлиб кетгучи иморатидан ташқари буюк ва безавол бир олий иморат борлигини унутмаслиги керак. Ана шуни унутмаслик фонийлик. Фонийлик - қип-яланғоч ҳолатга келиб, култепаларда ваҳшийларча яшаш эмас, балки тўқлик ва мастлик орқали хорликка элтгучи зоҳирий шох-кўчалардан воз кечмоқ, бандаликка рози бўлмоқдир.

МАСНАВИЙ

*Боз нур нури дилу нури Худост,
К-ў зи нури ақлу ҳис поку жудост.*

ТАРЖИМА

*Нур - дилнинг нуридир, нури Худо,
У ақл-ҳис нуридан покдир, жудо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Нур кўнгил нуридир. У аслида Худонинг нури. Бу нур ақл ва ҳисдан покдир.

ШАРҲ

Инсон учун зоҳирий нур кўнгил нуридан ҳосил бўлмаги юқоридаги байтда баён қилинди. Қалб нури - Худонинг нури. Бу нур шу қалар олийдирки ақлу ҳисдан пок, зеҳнга тааллуқли турли тахминотдан айридир. Ақлий ва моддий нур жисмониятга кўра гоят олий бир ҳодиса бўлса-да хатога маҳкумдир. Яъни, хато қилиши мумкин. Худонинг нурига восил бўлмоқ учун инсон умр бўйи нурилик фикр ва нури аъмо, нури асос ва гоиларга салоқатли бўлмоғи лозим.

Илоҳий нур юз-кўзларига, оппоқ сочларига қўйилиб турган, сўнг бора-бора жисму жони нурга қорилиб,

нурга айлаган зотлар бор.

Аммо асло зоҳирий нури ботиний - илоҳий нур билан чалқаштирмагн.

Зотан, Худойи таъоло огоҳдантиради:

«Ябна Алама, иза кана қовлука малийҳан ва амалука қобийҳан. Фанта раъсул мунофикийна». (Эй Одам боласи, сўзинг ялтироқ-майин бўлиб, амалинг қабиҳ бўлса, унда сен мунофиқларнинг мунофицирманг).

«Ябна Алама, иза кана зоҳирука ҳасанан ва ботинука қобийҳан. Фанта аҳлакал ҳаликийна». (Эй Одам боласи, агар сенинг ташқи кўринишинг яхши бўлиб, ички дунёнинг ёмон бўлса, сен ҳалоқатга лойиқларнинг лойиғисан).

МАСНАВИЙ

*Эй, ки аз нури худо гофил шудӣ,
Дар замона ботилу отил шудӣ.*

ТАРЖИМА

*Эй Худонинг нуридан гофиллар,
Эй замон зоҳирлари, ботиллар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй, Худонинг нуридан гофиллар! Бу гафлат гуфайли дунё ва замондан бехабар қолдингиз!

ШАРҲ

Худонинг нури банданинг қалбида. Банда. Шох ташлаб юрмайди. Кўзида бадмастликнинг қуюқ мойи эмас, мўйсафиднинг оппоқ сочоқолига инган муборак нур. Банда бандалик қилади.

Ҳукмронлик қилмайди. У халифа бўлиб қолиши мумкин, эҳтимол ҳазрат Али ёхуд ҳазрат Умар Форукдек. Лекин энг аввал банда бўлади.

Нур. Барча нури бўлишни хоҳлайди. Бугун «нур» таратмаган заиф андом йўқ. Бу «нур»лар замонида Ҳақиқий одамий-илоҳий нури қандай қилиб фарқлаш мумкин?

Ҳазрат Навоий зоҳирий ранг-туснинг қанчалик фирибгар ва фасодкор эканини ушбу байтда ошкор ифода этади...

*Мутаржим - Асқар Маҳкам.
Мушорих - Обиддин Пошшо.*

Давоми бор.



Дилором УМАРОВА:

АЁЛ ВАРОСИ БИЛАЖ...

Аёл... Унинг гўзаллиги қошида ҳатто даҳолар ҳам бош эгшиган. Аёл - она, уй бекаси, ишчи, хизматчи... Қай бир корхонага борманг, қай бир жойда бўлманг, албатта куйди-пишиди, оқила аёлни учратасиз. Бугунги кун аёли қандай бўлиши керак, деб кўп ўйлайман ва хаёлан кўз ўнгимда унинг қиёфасини жонлантираман...

Сиз уни яхши танийсиз. Унинг мафтункор чехраси, ширали овозини сиз ҳам мен каби сўясиз. Мен у билан учрашишни кўндан орзу қилардим ва уни фақат гўзал аёл сифатидагина билардим. Лекин у билан ҳар сафар учрашганимда у ҳақдаги фикрларим тиниқлашиб, муҳаббатим орта борди. Чунки ҳар гал унинг янги-янги фазилатларини кашф этар ва бундан қувонардим.

Сўхбатдошим Ўзбекистон телевидениесининг суҳандони Дилором УМАРОВА.

- Дилором она, мен сизни бир мухлисингиз сифатида узоқ йиллардан буён кузатиб келаман. Экран қаршида ўзингизни тутишингиз, кўрсатувларни олиб боришдаги самимиятингиз мени ҳайратда қолдиради.

Таҳририятимизга келаётган кўплаб мактубларда ҳам Сиз ҳақингизда маълумот беришимизни сўрашади. Бишимча, бу йил телевидениеда меҳнат қилаётганингизга ҳам 20 йил бўлибди. 20 йил оз муддат эмас. Бу давр ичида янги туғилган чақалоқ тўй кўради. Айтиши мумкинки, Сиз ҳам камолот ёшидасиз. Ҳамма ҳавас қиладиган оилангиз бор. Бу йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилинган. Бизнинг бугунги суҳбатимиз ҳам оила, унинг муаммолари, аёл ва эркекнинг оиладаги ўрни ҳақида бўлсин.

- Оила - муқаддас даргоҳ. У катта давлат ичидаги кичик бир давлатдир. Истаймизми, йўқми оиланинг тиргақларидан бири аёл, бири - эркек ҳисобланади. Менимча, оилада эркек бош бўлгани дуруст. Эркек оилани

ҳам маънавий, ҳам моддий, ҳам жисмоний томондан ҳимоя қилувчидир. Аёл биринчи навбатда Она, хонадон фариштаси. Эрнинг топганини расамдли қилиб, жой-жойига қўйиш, борини ошириб, йўғини яшириб, оила тинчлигини ҳозирлаш - аёлнинг вазифаси.

Умуман, оилада ҳар бир фарзанднинг, оила аъзосининг ўз вазифаси бўлиши керак. Лекин эркек бош бўлгани билан бу, аёлнинг ўз фикрига эга бўлмаслиги керак деган гап эмас. Агар эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, мурося бўлса, бу оила - бахтли оила ҳисобланади. Ва бундай оилада тарбия қўрган бола улгайиб оила қурганда, ушбу меҳрни ўз оиласига олиб ўтади.

- Кейинги пайтларда аёллар тadbқор бўлиб, эркекларга нисбатан кўпроқ нул топадиган бўлиб кетишди. Фарзандлар тарбиясида Сизнингча ким масъул?

- Аёлларимизнинг тижорат билан шуғулланаётганларига

келсак, бунда айбни фақат аёлларга қўйиш нотўғри бўлса керак. Аёл тижоратга ўтдим, демак бунга сабаб бор. Умуман, аёл ўзини ҳақиқий аёл деб ҳис қилиши учун унинг ёнида ҳақиқий эркек бўлиши керак. Уни тушунадиган, яхши-ёмон кунларида шерик бўладиган, оилавий муаммоларнинг бир қисмини ўз бўйинга оладиган, керак бўлса тергайдиган, кези келганда мақтаб, кўнглини кўтарадиган.

Бу йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, чунки ҳамма нарса оиладан бошланади. Инсон тарбияси ҳам. Боланинг тарбиясига қараб оилага баҳо беришани. Фарзандлар нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиши шарт. Бунга эса Ота ва Она баб-баравар масъулдирлар деб ўйлайман.

- *Касбингиз ҳақида. Сухандон бўлиш учун қандай фазилатларга эга бўлиш керак?*

- Ҳар бир касбнинг ўз талаблари бўлгани каби бизнинг касбимиз ҳам бундан истисно эмас. Булар - ширали овоз, истарали қиёфа, аниқ талаффуз.

Иш юзасидан турли касб эгалари билан суҳбат қуришга тўғри келади. Демак, сиёсатдан ҳам, адабиёт ва санъатдан ҳам, ҳатто қишлоқ ҳўжалик соҳасидан ҳам хабардор бўлишимиз зарур. Диктор бўлиш учун ўта масъулиятли, изланувчан ва албатта, бироз актёр ҳам бўлиш керак. Лекин энг асосийси, касбни севиш керак. Умуман олганда, телевидениеда ишлаётган суҳандонларга қараб, телевидение ишини кузатиб, бизнинг халқимизга, диёримизга баҳо беришани.

- *Сиз нафақат телевидениеда, балки концерт залларида ҳам катта концерт дастурларини олиб борасиз. Ўзингизнинг ҳам сеvimли санъаткорларингиз борми?*

- Албатта. Мен, умуман, санъат аҳлини жуда ҳурмат қиламан. Лекин ҳар бир инсоннинг ўз дидига, феълига яқин

бўлган, севган санъаткорлари бўлади. Мен учун булар: Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззоқова, Муяссар Раззоқова, Муножот Йўлчиева, Мансур Тошматов... «Ялла» ансамблига эса ҳурматим ўзгача. Бунинг сабаби бор.

Бундан йигирма йил аввал эндигина телевидениега ишга келганимда мусиқий кўрсатувлар тахририяти «Ялла» ансамблининг концертини тайёрлаётган экан. «Янги диктор қиз келибди, дастурни шу олиб бора қолсин», дейишди. Чиройли шешъ ва сўзлардан тузилган концерт дастурини Шухрат ака Расулов билан бирга олиб бордик. Бу менинг - телевидениеда олиб борган биринчи концерт дастурим эди. Унинг муваффақиятли чиқиши эса менинг кейинги ишларимга ижобий таъсир кўрсатди.

- *Сиз бахтни қандай тушуна-сиз?*

- Инсон дунёга келар экан, албатта бахтли бўлишни орзу қилади. Яхши касб эгаси бўлиш - бахт, яхши инсон билан турмуш қуриш - бу ҳам бахт, оналик бахти, бекалик бахти... Лекин бундан кўп йиллар олдин мен чинакам бахт нима эканини аниқ англадим. Бу ота-оналаримизнинг ҳаёт эканлигидир. Менга баъзан томошабинлар: «Менинг 80 га кирган онам бор, сизни ҳамини дуо қилади», дейишса, мен шу кишига ҳавасим келиб, қандай бахтли инсон экан, дейман,

- *Ҳар бир инсонда орзу ҳам, армон ҳам бор.*

- Ҳа, армоним ота-оналарнинг бу дунёдан барвақт кўз юмганлари. Лекин менга бир нарса тасалли беради. Қайнонам Сурайё Мусаева ва қайнотам Муҳиддин Зайниддиновларнинг мени ўз қизларидек кўришлари. Ушбу хонадонга келин бўлиб тушганимга 18 йилдан ошди. Шу йиллар ичида улар мени ҳамини қўллаб-қувватлашди. Уй-рўзгор юмушларими, фарзанд тарбияси ёки бошқа ишларда бўлсин ёрдамларини аямайдилар.

- *Сизнингча, оила мустаҳкам*

бўлиши учун нима керак?

- Ишонч, меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат ва албатта, масъулият.

- *Сиз гўзал аёл деб қандай аёлни айта оласиз?*

- Аёл гўзаллиги ҳақида гапирганда, фақатгина ташқи кўринишни назарда тутмаслик керак. Аёл гўзаллиги бу ташқи кўриниш билан ички дунёси уйғунлигидир. Аёл қалби поклиги, хушфеъллиги, назокати, вафоси - бу гўзаллик. Аслида гўзалликин мен поклик деб айтгим келади. Шарқ аёлининг гўзаллиги бу унинг ҳаё-иффатидир.

- *Аёллар қандай кийиниши керак деб ўйлайсиз?*

Эшитишимча, Сиз ҳатто бийойдек чиройли кўйлақлар ҳам тикер экансиз?

- Менимча, ҳар бир аёл ўз дидига, имкониятига, ёшига қараб кийиниши керак. Аёлининг кийинишига қараб, у қандай касб эгаси, қандай оиландлигини билиб олиш мумкин. Энг асосийси, кийим озода, хушбичим бўлиб, аёлга ярашиб туриши керак. Ва ҳамма нарсада бўлгани каби кийинишда ҳам меъёр бўлиши шарт.

Менинг тикишимга келсак, ҳа, ҳақиқатан ҳам оила аъзоларимиз учун қўлимдан келганча тикиб тураман.

- *Оила аъзоларингиз тўғрисида...*

Турмуш ўртоғим - Зухриддин ака иқтисодчи, катта қизим Севарахон Жаҳон тиллари университетига, кичиги Элнорахон эса шу университет қошидаги лицейда таҳсил олмоқдалар.

- *Орзуларингиз.*

- Фарзандларимни бахтли-саодатли кўришни орзу қиламан.

- *Барча орзуларингиз ушалишида омад ва муваффақият ёр бўлсин.*

Суҳбатдош:

Маънура НАБИЕВА.

МАЪНАВИЯТНИНГ ҚУТЛУҒ ДАРГОҲИ

(Алишер Навоий номидаги давлат
миллий кутубхонасининг
раҳбари Абдусалом Умаров
билан мусоҳаба)

Мустақил республикада маънавиятни янада юксалтиришда, шубҳасиз, кутубхонанинг роли беқиёс катта. Халқимизга беминнат хизмат кўрсатётган бу масканда ҳозирги кунда аҳвол қандай? Қанақа муаммоларни ҳал қилишга тўғри келаяпти? Бу ҳақдаги фикрларни билиш учун Алишер Навоий номидаги давлат миллий кутубхонасининг директори, филология фанлари номзоди, доцент Абдусалом Умаров билан сўхбатлашдик.

- Абдусалом ака, тахририятимизга келаятган хатлардан билишимизча, журналхонларни кутубхона тарихи жуда қизиқтиради.

- Бу кутубхона нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки, бутун Марказий Осиёда энг йirik китоб хазинаси ҳисобланади. Кутубхонанинг иш бошлаганига бир асрдан ортиқ вақт ўтди. Аникрок қилиб айтганда, бу маскан 1870 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг фондида 5 миллионга яқин китоб, газета-журнал ҳамда қўлёзмалар мавжуд. Айни пайтда кутубхонамизда 18 та бўлим бўлиб, унда 280 га яқин ходим ишлайди. Хар бир бўлимнинг ўз режаси ва низоми ишлаб чиқилган. Бўлимлар таркибида 10 та кироатхона мунтазам ишлаб турибди. Кутубхонамизнинг ноҳир китоблар фондида нечача асрларни бошдан кечирган қўлёзма тоғосмаълардан тортиб, 1940 йилгача чоп этилган китоблар сақланади. Шу нарсага алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кутубхона хар томонлама аҳамиятга молик бўлган вазифани бажаради. Биринчидан, жуда кўп манбаларни архив сифатида сақлаб келади. Иккинчидан, ўзид мавжуд бўлган маънавий бойликларни сақлаш билан

бирга уларни намоиш ҳам этади. Учунчидан, маърифат маскани сифатида кўп сонли китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиради.

- Бошқа барча соҳалар қатори иқтисодий қийинчилик ва муаммолар сиз раҳбарлик қилаётган кутубхона-ни ҳам четлаб ўтмаётган бўлса, керак, албатта. Айни пайтда қандай муаммоларни ҳал этиш асосий вазифа бўлиб турибди?

- Табиийки, муайян қийинчилик ва муаммолар йўқ эмас. Китобларни нашр этиш, уларни тарқатиш, сотиб олиш муаммоси мавжуд. Буларни амалга ошириш иқтисодий маблағга бориб тақалади. Қийинчиликлар бўлишидан қатъи назар кутубхонанинг ролини оширишга интилишимиз керак. Китоб савдосида ҳам нарх-навоининг тобора кўтарилгани боис китобхонларнинг истаган асарларини сотиб олиш имкони қамайди. Ана шундай ҳолатда кутубхонанинг текис ва беминнат хизмат кўрсатиб, кўпчиликка қулайлик туеираётгани ҳаммага аён. Кутубхонамизда китобхонлар учун яна бир қулайлик, вақтли матбуот нашрларини мутлақ қилиш билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда газета ва журналлар нашр этиш олдинги даврлардагига нисбатан беқиёс даражада қўпайиб кетди. Уларнинг ҳам турли хиллиги, ҳам баҳосининг баландлиги сабабли буна бўлиш ёки харид қилиш қийин. Бизнинг кутубхонамиз эса республика ва вилоятларда чиқаётган вақтли матбуот нашрларининг деярли ҳаммасини олиб туради. Шу боисданми кутубхонамизга таширф буюраётган китобхонлар оқими ўтган йилга нисбатан анча ортди.

Ҳозир янгича қарашлар ва интилишларга эга бўлган ёшлар вояга етаяпти. Улар маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун кутубхонага

мурожаат қилишлари табиий ҳол. Китобхонларни кутубхонага жалб қилишнинг жуда кўп омиллари бор. Энг аввало, барча шароитлар етарли бўлиши керак. Афсуски, кутубхоналардаги аҳволни қониқарли деб бўлмайди. Айниқса, қишлоқ ва туманларда шароит кўнгилдагидек эмас. Қишда совуқ, ёзда эса дала ишлари кўпаяди. Хали республикада кутубхона ҳақида бирорта ҳам қонун қабул қилинмаган. Мажбурий дусха ҳақида ҳам қонун йўқ. Бундай қонун жуда зарур. Кутубхоналар билан ўзаро китоб алмашишни йўлга қўйиш ҳам асосий муаммо бўлиб турибди. Масалан, бошқа кутубхоналарда бор, бизда йўқ китобларни алмаштириш масаласи. Бу ишни амалга ошириш учун почта жўнатмалари жуда қиммат. Почта жўнатмаларини арзонлаштириш ёки текинга айлантириш учун махсус имтиёзлар керак. Марказ билан вилоят кутубхоналари ўртасида алоқа яхши йўлга қўйилса, маънавий бойликларни тарқатиш имкони янада кенгайди. Бу борада илғор мамлакатлардан анча орқадамиз. Масалан Америкада ва бошқа айрим мамлакатларда илмий манбаларни фақат мамлакат марказидан эмас, балки барча ҳудудларда тенг тақсимлаш сиёсати юргизилди.

Биз ҳозир очик демократик жамият қурмоқдамиз. Фақат давлат эмас, мутасадди ташкилотлар, ҳомийлар кучидан фойдаланиш даври келди. Агар аҳамият берган бўлсангиз, ҳомийлар ташаббуси билан фалон жойда фалон нарса қурилибди, ишга туширилибди деган гапни қўллаб эшитамиз, аммо янги кутубхона қурилиб, ишга тушибди деган гапни эшитмаймиз.

- Илгор мамлакатларнинг кутубхоналаридаги ўзиниёз яхши бўлган иш юритиш услуби билан бизнинг



кутубхоналар хизмати ўртасида фарқ борми?

- Бизда «отам замони»дан қолган қарточкалар, каталоглар тизими ҳамон давом эриб келмоқда. Бу ҳолат китобхонларга талай кейинчиликлар туғдиради. Дунёнинг илғор мамлакатларида ҳамма нарса компьютерлаштирилган. Бутун қарточкалар компьютернинг хотирасига сингдирилган. Кутубхона хизматини компьютерлаштириш бўйича Дания тажрибалари таҳсинга лойиқ. Шахсан ўзим бу мамлакатдаги бир нечта кутубхоналарда бўлдим. Уларнинг иш юритиш услуби билан танишдим. Шуни таъкидлаш жоизки, Данияда кутубхоначилик энг фахрли катэб ҳисобланаркан. У ердаги кутубхоналарда кузатганларимдан энг эътиборлиси, махсус табоқат кутубхоналарида ҳатто, фан докторлари кутубхоначи бўлиб ишлашади.

Кутубхоналардаги барча китоб, газета ва журналлар ҳақидаги библиографик маълумотлардан ташқари уларнинг матилари ҳам ўта кучли компьютерлар хотирасига жойлаштирилган. Китобхон кутубхона остоначисини ҳатлаб ўтиши билан улар учун ажратилган компьютер «буйруқ» беради. Бир зумда монитор экранида зарур ахборот пайдо бўлади. Ана шунда китобхон хоҳласа матини экран орқали ўқиб чиқиси ёки ундан ксеронусха олиши мумкин. Истаса, китобнинг ўзини «чақиради». Китоб ҳам кўп махтал қилмай ё лента орқали ёки кутубхоначининг аравасида пайдо бўлади. Хайратланарли даражада қулайлик!

Шунинг учун очик айтиш керакки, бу борада ҳали анча қолдик. Бизда ҳам айрим ҳаракатлар бўляпти, аммо ҳали бу ишларни амалга ошириш учун жуда кўп нарсалар талаб қилинади. Биринчидан, компьютерлаштириш дастурининг ўзи жуда қimmat туради. Кўп томчи компьютерлар керак. Давлат томонидан махсус маблағлар ажратилмаса, тез орада бу иш амалга оширилмайди.

Почта орқали дунё китобхонлари билан китоб алмашиш алоқаларини амалга ошириш ҳам асосий муаммолардан ҳисобланади. Масалан, Германияда бизнинг матбуотга қизиқиш жуда кучли. Аммо биз улар истаган газета ва журналларни жўнатолмаймиз.

Кези келганда хориж билан кутубхоначилик борасидаги алоқамиз хусусида ҳам қисқа тўхталиб ўтишга тўғри келади. Айни пайтда кутубхонамиз дунёнинг 24 та мамлакати билан алоқа ўрнатган. АҚШнинг «Конгресс», Франция миллий кутубхонаси, Британия, Қоҳира, Корея, Германия, Туркия кутубхоналаридан китоб ва газета-журналлар олиб турамыз. Хусусан,

1994 йилда Анкарада чоп этилган «Хофиз Хоразийнинг девонидан соғмалар» китоби, «Қардош адабиётлар» журнаlining катор сонлари шундай нашрлар жумласидандир. Яқинда кутубхонамиз Лондонда нашрдан чиққан яна бир бебаҳо китоб билан боғлиқ. «Ўзбек атласи» деб номланувчи маъмур китоб юқори савияда пишқилган. Унда халқимизнинг ўзлиги, миллийлиги суратлар асосида батафсил тасвирланган.

Афсуски, хориж билан алоқамиз ҳозирча бир ёқлама бўлиб турибди. Улардан кўплаб адабиётлар олаёмиш, бироқ ўз нашрларимизни уларга тўла даражада етказиб бера олмаётимиз. Ваҳолаки, хорижликларнинг нашрларимизга чанқоклиги йўллаган хатларидан маълум.

- *Кутубхона фонди ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.*

- Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, кутубхонамизда 5 миллионга яқин китоб ва бошқа қўлёзмалар сақланади. Шунингдек, тузилиши ва салмоғи билан киши ақлини шоширадиган, ноқир диний китоблар ҳам сақланмоқда. 1483 йилда Нюренбургда нашр этилган «Тўққизинчи немис инжили» китоби, 1969 йилда Ташкент трамвай депосининг беридан топилган, айни пайтда ЮНЕСКО назоратига олинган буйи 78 см, эни 50 см. ни ташқил этадиган Усмон Қуръони ҳамда ҳажми ниҳоятда кичкина Қуръон нусхалари нафақат бўлимининг, балки, кутубхонанинг ноқир бойликлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда китобларни сақлаш муаммоси асосий вазифа бўлиб турибди. Китоб тўзиши, намлик ва исциклик таъсирида ўз сифатини йўқотиши мумкин. Айниқса «китоб қурғи» минг-лаб китобларнинг ноқир бўлишига ёки яроқсиз ҳолга келиб қоллишига сабабчи бўлади. Бунинг учун китобларни сақлашга мўлжалланган алоҳида биналар зарур. Бундай бинамиз бор, аммо жами олти юз минг китобга мўлжалланган, ҳоло... Шунингдек, кутубхона янги-янги китоблар билан мунтазам тўлдириб борилади. Хуллас, кутубхона муаммоларини ҳал қилиш давлат ва умумхалқ ишидир.

- *Судхбатимиз якунида китобхоналарга қандай тилак ва истақлар билдирасиз?*

- Кўпчилик кинога, театрга пул тўлаб қиради. Кутубхона эса оддий халқ тили билан айтганда одамларнинг маънавий чаққонини текки қондирадиган даргоҳ. Кутубхонага келган одам юзта бўлади, битта бўладими руҳан тин олади, маънавий покланади. Шунинг учун истардимки, бу қутлуг ва савобли даргоҳдан китобхонларнинг қадами узилмасин.

Судхбатдош:
Сайёра ШОДИЕВА.

(Давоми. Боши 31-бетда).

лан шуғулланадиган маҳаллий бошқарма тузиш зарурлигини таъкидлайди.

Биз Туркистон мусулмонлари учун, деид Бехбудий, диний ва граждонлик бошқармаси сув ва нон каби зарурдир, чунки бузиб биз имконимизни йўқотамиз ва фалокатга гирифторм бўламиз.

Бехбудийнинг мақолалари ва ислох лойиҳаларида баён қилинган гоғлар жадидалар харакатининг асосий дастур ҳужжатлари, харакат қўлланмаси сифатида хизмат қилди.

Бехбудий Туркистон мухторияти қандай бўлишини шундай тўшунтиради: «Мухторият, биз Туркистон мусулмонлари истаймизки, Русия мамлакатига ёпишиб туриб, хорижий ва ишларга анинг ила бир бўлиб туриб, дохилди ишларни ва тирикчиликларимизни ўзимиз идора етсак...

Беш вилоятдан иборат Туркистоннинг хар бир шаҳар ва уезидан бир неча нафардан киши сайланиб Ташкентда катта марказ бир мажлисимиз бўлурки, барча олур-солук ва минбад жорий бўла турган конун ва низомномалари алар тузиб Туркистонда ижрий қилдилар.

Русия ҳукумати ила мусулмонлар орасида шул мажлис восита бўлур...

Ўзимизни муҳофазатимиз учун миллий жангларма, аскаримиз бўлур. Мамлакат хазинасидан бошқа миллий ва маданий ишларимизнинг маорифи учун ўзимизнинг алоҳида хазинамиз бўлур. Мақтаб ва мадрасаларимиз, вақф ва дорул-казоларимиз ўз қарамогимизда бўлур. Хулосан қалом, давлат ва сиесат ишларидан бошқа барча ишларимиз ўз ихтириямизда бўлур ва шунинг учун замонавий ва маданий низомнома ва конунномалар тахрир етмок лозимдур. Туркистонда, рус, яхуди, армени ва бошқалар бўлиб, алар ила муомаламиз тўғрисида яна янги ва замонавий конунлар керакдур».

...1917 йил 27 ноябрь куни IV ўлка мусулмонлари фауқуллода сьеэди ўтказилди. Сьеэд «Туркистон (Қўқон) мухторияти»ни эълон қилди. Бу Туркистон мустикалигини тиклашга қаратилган қурашининг дастлабки ифодаси эди.

Жадидалар бу сьеэда фаол иштирок этиб, Туркистон Мухториятининг ташқил топишига ўз хиссаларини қўшдилар. Бехбудий Туркистон халқига муурожаат қилди: «Туркистон халқи иттифок етса, қони тўқилмас. Ери ва амлоқи ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топур... Бутун Туркистон иттифок етса 15 миллионлик бир қувват имлоғга келурки, мунга ер титрайду. Агар сўзимни фахмлатарлан бўлсам ўзумни бахтли хисоблардим», деб ёзган эди.

Шундай қилиб, жадидалар Туркистонда миллий-озодлик харакатининг қучайишига ва унинг мафқурасини яратишига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшдилар.

Турк киноси тарихи, бутунги ижодий жараёни билан Европа ва Яқин шарқ мамлакатлари томошабинлари етарли даражада таниш. Собик СССР миқёсида бу жараён бўйича, жиддий киношунослик ишлари қилинмаган эди. У пайтлар Туркия республикаси хақида иложи борича кам ахборот берилар, ўшанда ҳам салбий воқеалар хақида гапириларди. Агар А. Гусейновнинг рисолаларини ҳисобга олмасак, турк киносига таъдлуқли бошқа тадқиқотлар топиламади.

Турк киносиди кенг тарқалган жанрлардан бири - мелодрамадир. Одатда мелодрама хақида гап кетганда бевосита хинд фильмлари ёдга тушади. Бундай хол табиий, чунки собик СССР кинопрокатини кўрганмизда, айниқса, 60-80-йиллар репертуарининг асосини хинд фильмлари ташкил этган. Шунингдек, хинд фильмлари, актёрлари, киноси хусусида кўп илмий ишлар, мақолалар ва китоблар чоп этилганди.

Турк киносининг мелодрама жанри 60-йилларнинг охирида бошланган. Турк эстрадасида етишиб чиқаётган янги хонандалар кўп ўтмай «юлдуз» ларга айланиб, кейинчалик кинога ўтиб, «янги» жанрнинг тувилишига ва ривожланишига асос солганлар. Турклар, бошқа Шарқ халқлари - араблар, хиндлар сингари хис-туйғуларга бой бўлганликлари учун севги изтироблари, кўз ёшлари, «ох-воҳ» лар асосига қурилган фильмларни эўр кизикни билан томоша қиладилар. Умуман севги сарғузаштлари, Шарқ халқларида азал-азалдан кенг тарқалган «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо», «Тоҳир ва Зухра», «Асли ва Карам» лар шулар жумласидандир. Бу севги жуфтликлари хақида Туркияда ҳам жуда кўп кишилар қўшиқлар, ашуларлар ёзишган...

Турк киносиди қўшиқлар ўзгача ўрин тутати. Мукамал мусикали фильмларда қўшиқлар драматургиани бойитиб, асар сюжетига янги, ўхшаш бўлмаган жихатлар киритади. Қўшиқлар руҳи, сўзлари фильм сюжетини тўлдиргани ва қахрамонларнинг характерларини, қиёфасини очиб беришда катта роль ўйнайди.

Мелодрама жанрнинг Туркияда тез ривожланишининг сабабларидан бири шундаки, томошабин ўз севган қўшиқчисини экран орқали ҳар хил шароитларда, юриш-туриши, ҳаракатлари ва кечинмаларини ўзи кўзи билан кўради, томоша қилади. Ахир, машҳур қўшиқчилар билан ҳаётда бундай яқиндан мулоқотда бўлиш мумкин эмас-да. Қолаверса, ҳар бири янги қўшиқ, аввало, фильмида ингайди, кейинчалик эса мамлакат бўйлаб, магнитофон тасмаларида, радио орқали тарқалади. Шунинг учун томошабин қўшиқнинг «туғи-

*Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли,
киношунос*

ТУРК КИНОСИНИНГ ОММАОБОП ЖАНРЛАРИ



лиши» ни кўради, санъаткор билан ҳамкорликни хис қилади

80-йилларнинг охирига келиб мелодрама турк киносиди ўз мавқеини йўқота бошлади ва қисман инкирозга учрайди: тонилган схемалар, йўллар қайтарилавериб, фильмлар бир-бирига ўхшаб қолади.

Киношунос ва драматург Турон Тунч шундай ёзади: «Томошабинлар бундай мелодрама лардан чарчади. «Юрак азувчи» қўшиқлар, камбағал, бечора қизнинг бой-бадавлат йигитни севиб қолиши ва қандайдир ташқи кучларнинг тўсиқлик қилишлари томошабинларнинг меъдасига урди. Эстрада юлдузларининг ўз сахналарига қайтиш вақти келди» («Фильм-маркет». Истанбул, 1984, 12.)

Жаҳон кинематографиясида мелодрама жанри Шарқ мамлакатлари - Хиндистон, Туркия ва Араб мамлакатларида мустақкам ўрин олгани маълум. Албатта, фильмлар бошқа-бошқа мамлакатларда суратта олиншига қарамай, сюжет талқинлари, қахрамонларнинг яққол салбий ва ижобий образларга бўлиниши, композиция қурилишларидаги ўхшашликни сезиш қийин эмас. Тўғри, баъзи бир фарқли томонлар ҳам мавжуд. Буни турк фильмларининг ўзига хослигида кўриш мумкин.

Масалан, мелодрама учун хос бўлган қўшиқлари олайлик. Хинд фильмларида бир қўшиқнинг ижроси жараёнида «қахрамон» кийимларини бир неча бор ўзгартириб, бемалол бир тоғда, бир боғда пайдо бўлиш мумкин. Яъни, қўшиқ сюжет чизигидан чиқиб, фильмидаги алоҳида «номер» га айланиб қолади. Турк фильмларида эса қўшиқлар ижроси сюжет йўналишидан ажралмаган холда воқеаларни янада тўлдириб, кийим ва пейзажлар табиийлигича суратта олинади.

Агар хинд фильмларида актёрлар қўшиқчиларнинг овозларига мослашган холда, фонограмма билан ижро этилса, турк фильмларида эса актёрларнинг ўзлари қўшиқларни ижро этишади.

Турк киносиди «юлдуз» деган тусунчанинг ўзгача маъноси бор. «Юлдуз» тусунчаси турк киносига 70-йиллар Фарбдан кириб келган. Мелодрама юлдузларининг барчаси эстрададан ўтган. Юлдузлар олдинга эстрадада машҳур бўлишгандан кейин сахна уларга торлик қилгандай, экранлардан жой оладилар. Кўп холларда хатто исмларини ҳам фильмларда ўзгартиришмайди. Бунга эстрада ва мелодрама юлдузлари - Иброҳим Тотлисас ва Ферди Тейфурлар ижоди мисол бўла олади.

Агар 90-йиллар турк киносига назар ташласак, психологик драма жанри сезиларли даражада ривожлана бошлаганини кўрамиз. 1997-98 йилларда режиссёр Ёвуз Туғрулнинг «Эшқийё» («Қароқчи») фильми турк киносини Европа ва Америка томошабинларига танитди. «Эшқийё» фильмининг «Оскар» мукофоти кўригига қўйилиши фильми дунё миқёсига чиқканидан далолат беради. Ёвуз Туғрул олган бу фильмининг воқеалари бугунги Истанбул кўчаларида бўлиб ўтса ҳам унда ифода этилган ор-номус, бурч, мардлик юзлари кейинги асрга иншора қилади. Фильм қисқа муддат ичида (19 ҳафтада) миллионлаб томошабинлар эътиборига тушади ва жуда ҳам катта даромад келтиради.

Демак, бугунги кун турк киносиди ҳамма жанрларда асарлар яратилмоқда, лекин томошабинларни психологик драма жанрида суратта олинган картиналар (тасмалар) кўпроқ кизиктирмоқда.

ТАСАВВУФ ИСТИЛОҲЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

В

ВАРАЪ - тарикат мақоми. Вараъ парhezкорлик, такводорлик маъноларини билдиради. Вараъ зинасида солиқ аввало ҳалол билан харомни фарқлайди ва харомдан парhez қилади. Парhez зохирий жиҳатдан кўз, кулоқ, қўл, оёқ, бурунни, ботиний томондан фикр ва қалбни тўлалигича камраб олади. Бунда энг муҳим парhezкорлик харом лўқма ва харом мол-мулкдан сакланишга қаратилади.

ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД - Аллоҳ ва оламнинг ягоналиги, бирлиги ва яхлитлиги ҳақидаги таълимот. Унга кўра, гарчи олам Аллоҳ томонидан яратилган бўлса-да бироқ барча яратилганларда яратувчининг ўзи ҳам зўҳур этади. Воқеан, машҳур луғатчи Муҳаммад Гийсиддин айтандек, тўлқин, қўпик, гирлоб, қатра, ёмғир, жала қабиларнинг ҳаммаси моҳиятан сўзга тегишли бўлгани каби оламдаги барча воқеа ва ҳодисалар ҳам аслида фақат Аллоҳ нури тажаллийнинг ранг-баранг кўринишларидир. Истилоҳдаги вужуд сўзи борлиқни, ваҳдат эса ягоналик, бўлинамслиқни ифодаглаб, у олам бир бутундан, яъни Аллоҳдан иборатдир, деган маънони билдиради.

ВАҲДАТ УЛ-МАВЖУД - моддий олам мавжудоти бирлиги. Урта асрларда юзага келган. Унга кўра, ҳаётий мавжудлик бор. Бу реал воқеликдаги моддий оламдир. Аммо ундаги барча нарса ва ҳодисаларда Аллоҳ тажассум этади. Шу сабабли зоҳиран нарса-ҳодисалар ранг-баранг шаклда намоён бўлишса-да, лекин ботинан улар илоҳий моҳиятга эга.

ВАҲДАТ УЛ-ШУҲУД - ягоналикни мушоҳада этиш. Тасаввуфда Ҳақни кўриш бўлиб, уни мушоҳада этиш ва унга етишиш йўлида солиқ олдида қандай тўсиқлар пайдо бўлса, улардан воз кечилди. Натияжада тўла таъвдик мақомига етиб, ҳамма нарсада Ҳақни

мушоҳада этади ва дунёвий интилишлардан узоқлашиб, нимага қараса, унда Ҳақни кўради.

ВОЖИБ УЛ-ВУЖУД - зарурий борлик бўлиб, у Аллоҳдир. Уни ҳеч қим ва ҳеч нарса яратмаган. У азалий мавжуд, унинг мавжудлиги ўз табиатидан, моҳиятидан келиб чиқади. Вожиб ул-вужуд-яратувчи. У яратган нарса-ҳодисалар ва умуман бутун олам мумкин ул-вужуд дейилади. Демак, мумкин ул-вужуд-яратилган мавжуд борлик бўлиб, у Аллоҳдан бошқа нарса-ҳодисалардир. Улар ўзи пайдо бўла олмайдди. Уларнинг мавжудлигига Аллоҳ сабабчидир. Чунки улар сабабсиз вужудга кела олмайдди. Мумкин ул-вужуд вожиб ул-вужуд нуридан юзага келади, муайян вақтдан сўнг бу нур яна бошланғич жойига қайтади.

«ВОЛИДИЯ» («Оталик») - Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Вали асар. Рисола тожикча бўлиб, насрда ёзилган.

Рисола бошдан-оёқ нақшбандийлик силсиласи масалалари шарҳи ва тарғибига бағишланган. Бу силсила шарият йўли билан борганили сабабли рисолада Аллоҳнинг яққалиги, азалийлиги, қудрати, унга ҳамшиша ишониш ва шак келтирмаслик, Қуръон ва суннат йўлидан юриш, шариятга риоя қилиш, ҳамшиша шукр этиш, нафсни тийиш ва пайғамбар каби факрни касб этиш ҳақида чуқур мантқиқий фикрлар юритилади. Шундан кейин нақшбандийлик ғоялари шарҳи берилди. Ҳожа Убайдуллоҳ юзада халқ билан, ичда Аллоҳ билан бўлиш масаласига тўхталиб, буни асарда икки руҳ бирлашувининг дастлабки асоси сифатида талқин этган.

ВУҚУФИ АДАДИЙ - санокдан огоҳлик. Бу солиқнинг қалимаи таййиб тақрорида ҳақиқатни англаш жараёни бўлиб, унда зикр саноғи хисобга олинади. Саноҳ Аллоҳнинг ўзи каби тоқ сондан иборат бўлиши керак. Гарчанд зикр бир нафасда учтадан йигир-

ма бир мартагача айтилиши талаб қилинса-да, бунда ҳузур завқи хис этилмаса, у бефойда хисобланади. Шунинг учун зикр аввало самар бағишлаганига интилиш лозим. Саноҳ эса ҳушёрликни саклаш асоси сифатида қўлланилиб бормоғи зарур. Шу сабабли Ҳожа Баҳоуддин ҳам зикр самарасига диққатни қаратиб, унинг адади қўп бўлиши асосий масала эмас, дея таълим беради.

Қалимаи таййибнинг ҳақиқати эса қўнғилни Аллоҳдан бошқа барча нарсалардан тозалашдир. Қўнғил ўзлик ҳавою ҳавасларидан тозаланиб, унда фақат Аллоҳ зухр этгач, у тўла покланади. Солиқ шу даражага етгач, нимага бокса унда Ҳақ зухурин кўради. Бугина эмас, ўзлигини фано қилиб, Аллоҳни қалбига жойлаган солиқ қалимаи таййибани тилга олиши билан завқ ва ҳузур туяди.

ВУҚУФИ ЗАМОНИЙ - вақтдан огоҳлик. Бу солиқнинг ҳамма вақт ўз фаолиятиндан огоҳ бўлиб туришидир. Огоҳ бўлиш учун у узлуксиз ўз амалларини назорат қилиб боради. Бунинг натижасида тўғри иш қилаётганили ҳам, хатога йўл қўяётганили ҳам аниқ бўлади. Огоҳлик худди шу ўринда кўзга ташланади. Аниқроқ айтганда, солиқ ўз фаолиятининг, ҳар бир нафасининг тўғри ёки хато бўлаётганини кузатиб, бундан Аллоҳга шукрона айтаётганили ёйинки тавба қилаётганидан огоҳ бўлади.

ВУҚУФИ ҚАЛБИЙ - қўнғил огоҳлиги. Бу дил уйроқлиги бўлиб, айтилган зикрдан қалбнинг ҳамшиша огоҳ бўлиб туришидир. Вуқуфи қалбий, биринчидан, «дил ба ёр» («Аллоҳ қўнғилда бўлсин») жумласини ифодалайди. Иккинчидан, қўнғилга Аллоҳни жойлаб, қўлни эса меҳнат билан банд этишни, яъни «даст ба қорни» акс эттиради. Учинчидан, зикрдан тўхтамаслиқни, бу билан эса дил бедорлигини таъминлаб, ақли дил қомиллари даражасига етиш учун

интилишни билдиради. Эрттиричидан, хамиша ватан такдиридан, эл холидан огох бўлишни ифодадалб, солиқни уларга бефарқ бўлмасликдан воқиф этиб туради. Бешинчидан, солиқ калб ниятининг ўзи томонидан назорат қилиб турилишини билдириб, унинг фаолияти тўғри бўлишига кўмаклашади. Олтинчидан, умрни ганимат тутишни, нафс йўлларини, кўнгилдан жой олишга интилувчи кибр ва риё йўлларини беркитишни, ҳар бир дақиқани Аллоҳ учун, шунингдек, эл-эрқ учун сарфлашни, ҳалол ва пок яшашни акс эттириб, солиқни хамиша хушёрликка, калб уйғоқлигидан гафлатда қолмасликка йўналиштиради.

Д

ДАЙР – бутхона, мажозан майхона ва дунё. Дайри фано-тасаввуфда ўзини фано этганлар дунёси. Дайр пирини ҳам тасаввуфда мажозан майхона бошлиғини билдиради. Танкили олим И. Ҳаққуловнинг ёзишича, дайр ва бутхонанинг тасавуфий маъносини орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан хузаurlанишни англатади. Бут тисмоли эса ишк ва ваҳдат рамзидир. Чунки ашёрлар борлиқнинг зуҳури экан, бут ҳам ўша ашёрлардан бири, ҳолос.

ДАРВЕШ – бу дунё неъматлари ва роҳатидан воз кечиб, ўзини Ҳаққа бағишлаган киши. Ҳақ ошиғи, ҳудожўй. Истилоҳнинг илк маъноси дарвоза-эшикка осилган демақдир. Қадимида дарвоза ёки эшикка гадолар учун осилган нон шундай аталган. Кейинчалик гадолик қилиб, эшик олдида туриб олувчилар ҳам дарвеш дейилган. Бу сўз изламок, истамок, сўрамок маъноларини берувчи дарюза истилоҳига ҳам ўзакдошдир. Умуман, дарвеш сўзида изламок маъноси кучли бўлганини сабабли, у асосан Аллоҳни изловчиларга нисбатан қўлланган. Чунки дарвеш ҳақ ошиғи сифатида машҳур бўлган. У ҳақиқат йўли, яъни тасаввуф тариқатларидан бирига кириб, чин ошиқ сифатида риязатга, азобларга чидаб Аллоҳга интилаган. Дарвешда илоҳий ишк кучли бўлади. Шу сабабли у ҳамма нарсани унутиб, фақат маъшук – Аллоҳ висолига интилади.

Ё

ЁДЛОШТ – ёдда тутиш. Бу Аллоҳни хамиша ёдда тутиб, ундан огоҳлик завқшавқини туёнишдир. Солиқ доимо Аллоҳ ёди билан юрса, унинг қалби нурга тўлади ва Аллоҳни мушоҳада этиш юзга кела бошлайди. Бу солиқда ёдлоштининг мукамаллашаётганини кўрсата-

ди. Ёдлошга асосий нарсa шуки, солиқ ҳамма вақт диққатини барқарор тутиши, кўнгил ва хаёли Аллоҳга қаратиши лозим. Хусусан, зикр жараёнда фикр бўлинмаслиги, қалимаи таййиба айтилиши билан «Ё Аллоҳ, мақсадим сен ўзингсан», дея юрак билан сидқу салоқат кўрсатиши зарур. Воқеан, ёдлошт нигоҳдоштининг тадрижи бўлиб, ўша жараёнда мустаҳкамланиб боради. Аслида эса ёдқард ҳам, боғошгит ҳам, нигоҳдошт ва ёдлошт ҳам бир-бирини инкор этмай, аксинча, бири иккинчисининг давоми бўлиб келиб, солиқ калбида Аллоҳ муҳаббатининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

ЁДҚАРД – эслаш, зикр этиш. Бу Аллоҳни тилда ёки дилда узлуксиз зикр этишдир. Зикр жумласи «ло илоҳа иллагаллоху Мухаммадуру расулуллох» дан иборат бўлиб, у нафас олинмай дилда такрорланиши керак. Такрорлаш бир нафасда уч мартагача бўлиши лозим. Зокир албатта унга чидаши керак, шундагина зикр завқини туйди ва Ҳақ жомолига етиш имкониятига эга бўла бошлайди. Зикр жумласи такрорланаётганда фикр ва дил тоза бўлиши, бошқа бирор бир нарсa ҳақида ўйламаслик лозим. Шундагина завқ пайдо бўлади, акс холда ҳеч қандай сурур бўлмайди. Қалимаи таййиба имон қомиллигини ҳам ифодалайди. Чунки у ҳам ҳоликка, ҳам махлуқка қаратилган бўлиб, унинг ло илоҳа иллагаллох қисми Аллоҳга, Мухаммадуру расулуллох бўлгани эса инсонга алоқадордир. Шу сабабли бу зикр жумласида дунёвий жиҳат ҳам бор. Унинг дунёвий мазмуни ўтган кунларни эслаш, дўстлар, қариндош-уруғ ва барча яқинларни унутмасликдан иборатдир.

Ж

ЖУНАЙДИЯ – тасаввуф силсиласи. Унинг асосчиси Абулқосим ал-Жунайид бин Мухаммад ал-Қаворирий ал-Ҳаззаб ал-Бағдодий (в. 910 й.) дир. Жунайидия силсиласида сукр-мастлик, ўзини унутишга қарши саҳв-хушёрлик назарияси яратилди. Унга қўра, сўфий хамиша хушёр бўлиши, ўзини бошқариши ва назорат қилиб борishi лозим. Шундай қилса, солиқ хамиша Аллоҳ билан бирга бўлади, уни унутмайди.

З


ЗИКР – Аллоҳни эслаш. Зикрга давлат Қуръонда бор. «Парвардигорингизни зикр қилинг» («Қаҳф» сураси, 23-24-оятлар). «Эй мўминлар, Аллоҳни қўп зикр қилинглар» («Азҳоб» сураси, 41-

оят). Зикрдан мақсад Аллоҳнинг номи тилдан қўймаслик ва уни кўнгилга жойлашдан иборат. Зикрнинг тилда бошланиши гафлатдан хушёрликка ўтиш бўлиб, дилгаги зикр эса Аллоҳни тўла калбга жойлашдир. Солиқ бу даражага етса, зикрда фанога эришади. Бунинг учун эса зикр доимий фаолиятга айланиши лозим. Зикр пайтида «ло-илоҳа иллагаллох», «Аллоху акбар», «ал-хамду лиллох», «субҳоналлох», «Е Раҳмон», «Е Карим», «Е Раҳим» сингари сўз ва иборалар қўлланади.

ЗУННУН МИСРИЙ (796-860) – тўла исми Абулфайз Савбон бинни Иброҳим. Илк Миср тасавуфий вакили. Мисрнинг Аҳимм шаҳрида туғилган. Коҳира, Макка, Дамашқ, Антиохида бўлган. Ундан ортик асар ёзганлиги маълум. Асарларидан айрим шеърий парча ва ўғитлар бизгача етиб келган. Шеърларида Аллоҳга муҳаббат, солиқ ошиқнинг илоҳий ишк йўлидаги азоблари тасвирланган. Зуннун Мисрий сўфийликда макомат ва аҳвол асосчиси ҳисобланади. Навоийнинг «Насомин ул-муҳаббат» асарига ёзилишича, тасаввуф, ундаги тариқат йўли, Аллоҳ васлига муридлик ҳақидаги илк фикрларни ҳам Зуннун Мисрий айтган. У айниса сўфий фаолиятининг маърифат босқичига алоҳида эътибор қаратади. Зуннун Мисрийнинг фикрича, сўфий маърифатга кўтарилмай туриб, Аллоҳга ета олмайдди. Чунки маърифат Аллоҳни идрок этиш илмидир. Агар сўфий ўзини ҳар жиҳатдан поклаб, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний мукамалликка эришса, унинг учун маърифат йўли очилади. Сўфий маърифатга кўтарилгани сари Аллоҳга яқинлашиб, уни аниқ мушоҳада эта бошлайди. Натижанда, сўфийда ваҳд ҳолати етилади ва у Аллоҳ билан бирлашиш имконига эга бўлади.

ЗУХД – такводорлик, тарки дунё қилиш. Зухд арабча уч харфдан иборат бўлиб, улар тарки зийнат, тарки ҳавою ҳавас, тарки дунё маъноларини англатади. Аммо бундаги тарки дунё ўзини бутунлай ўлимга маҳкум этиш бўлмай, балки шу дунё лаззатларидан воз кечишдир. Бошқача айтганда, зухд маънода бу дунё ноз-неъмат ва лаззатларидан воз кечиб, тоат-ибодат, сабр-тоқат, олижаноблик ва эзгу такводорлик билан шуғулланишдир. Унда парҳез ва тақвога қаттиқ риоя қилиш, Аллоҳ йўлида азоб-ўқубат тортишга розилик, қийинчиликларни миннатсиз, матонат ва ихтиёрий хушнудлик билан енгиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам зухд кейинчалик тариқат макомларидан бирига айланди.

(Давоми келгуси сонда.)



Эшик очилди-ю, хадеганда хонага ҳеч ким киравермади. Рўзнома муҳаррири ёзувдан тўхтаб, қараб турди. Шивир-шивир гап, енгилгина кулги. «Ўзинг кир, ўзинг кир» деган овозлар эшитилди-да, ниҳоят, олдинма-кейин икки йигит ичкарида пайдо бўлишди. Уларнинг биринчиси журналист, иккинчиси рассом эди. Рўзнома муҳаррири журналистни ҳам, рассомни ҳам яхши танирди. У одати бўйича ўрнидан туриб, улар билан бирма-бир сўрашди, ўтиришга таклиф қилди. Муҳаррир бир нарсга хайрон эди. Рассом йигит хонага негадир жуда тортиниб кирди, уялинкараб ўтирарди. Рўзнома муҳаррири унинг бу ҳолатидан хайрон эди. Чунки, рассом йигит авваллари бунақа уятчан эмасди. Хатто мана шу муҳаррир тенги ўрта ёшдаги ижодкорлар билан ҳам хушига ёкса салом-алик қиларди, гоҳо эса индамай ўтиб кетаверарди. Бир йигинда шу рассом йигит хақида: «Истеъдоди ёмон эмас-у, лекин ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйди», деган гап-сўз ҳам бўлиб ўтганди.

– Хўш, йигитлар, – деди муҳаррир йигитларга навбатма-навбат боқар экан, – келинлар.

Журналист рассомга қаради:

– Қани, бошла.

Рассом яна ҳам уялиб, бошини пастга эгди:

– Э, ўзинг айтавер, менга нукулай...

– Гап бундай, – деди журналист газета муҳарририга юзланиб, – яқинда бу оғайнимизнинг ижод эта бошлаганига ўн йил тўлар экан. Ўзи айтишга уялаётгиди. Ижодимнинг ўн йиллиги юбилейнамо қилиб нишонланса, деган нияти бор экан.

– Юбилей? – дея сўради рўзнома муҳаррири. – Ижоднинг ўн йиллиги ҳам юбилей қилинар эканми?

Рассом йигит чурк этмасдан ерга қараб ўтирарди.

– Ха, энди, ҳар қалай нишонлаш керак-да, – деди журналист йигит.

– Майли, нишонлаймиз, – деди рўзнома муҳаррири. – Лекин юбилей тарзида эмас-да. «Юбилей» эллик, олтмиш, етмиш ва ҳоказо ёшларда ўтказилади, юбилей деган мўътабар йигин... Майли ука, рўзномамизда янги асарларингиздан намуналар берамиз. Бирон киши, масалан, мана шу оғайнингиз табрик сўзи ёзсин, келгуси ижодингизга равнақ тиласин.

Рассом йигит бошини хиёл қўтарди-да, рўзнома муҳарририга нозуки қиёфада қараб қўйди.

– Асарларим ҳозир ҳам чиқиб турибди, – деди у. – Мен ўйловдим-ки...

– Нимани ўйловдингиз?

– Ижодим хақида каттароқ материал ташкил қилинса-ю, рўзнома-нингизнинг уч-тўрт сониде берилса, деб ўйловдим. Кейинчалик ўша мақола биронта рисолага асос бўлармикан, дедим-да...

– Майли, – деди рўзнома муҳаррири рассом йигитга синовчан тикилиб, – ўйлашиб кўрамиз. Бирор санъатшуноса мақола буюрармиз... Бўпти, бундан кейинги ижодингизга ривож тилаймиз, ука. Ижодингизга барака!..

Журналист билан рассом чиқиб кетишди. Рўзнома муҳаррири «Зап фельбетонбол нусха экансан-да» деди уларнинг орқасидан.

ВАҚТНИНГ ҚАДРИ

Ёзги ошхона ховлисида бир-бирига тиркалган иккита стол атрофида ўтирган ўн чоқли йигит – ёш ижод-

корлар турли мавзуларда суҳбатлашар эдилар. Қўпларга ўзини устоз санаб юрадиган ўрта ёшлардаги ижодкор тўсатдан пайдо бўлиб қолди-ю, уларга яқинлаша туриб:

– Э, жамоат жам экан-ку, – деди.

– Фақат биз кам эдикми?

– Келинг, фақат сиз кам эдингиз,

– деди стол атрофида ўтирган ёшларнинг ўқтамроғи. Ҳаммалари ўринларидан туриб, ўрта яшар ижодкорни ўтиришга таклиф қилдилар. Йигитлардан бири устозга хурмат юзасидан салкам югурганича ойнаванд би-

но ичкарисига кириб кетди-ю, қўп ўтмасдан бир коса лағмон келтирди. Ўрта яшар ижодкор лағмон ейиш санъати бўйича ўз маҳоратини намойиш эта бошлади. Ана-мана дегунча коса бўшади. Ўрта яшар ижодкор лабини, қўлларини қоғозга артди-да, нижимланган қоғозни косага ташлади.

– Қани, чойдан қуйинг, – деди у чойнак ушлаб ўтирган ёш ижодкорга. Бу орада ўз олдигаги косани стол ўртароғига суриб қўйди.

– Овқатни тез еяркансиз, – деди шогирднамо шоирлардан бири.

– Овқатни солдатчасига еймиз, – деди Ўрта яшар ижодкор ва каттик кекирди. – Шеърни эса навойичасига ёзамиз... Бугун иккита шеър ёзиб ташладим, тўрт кун аввал бошлаган дostonимни тугатдим. Тинимсиз ишляпман. Насрий асарларим уйида хирмондек уйилиб кетди. Ҳозир газета-журналларни лубой нарса билан таъминлашим мумкин... Ха, укалар, вақтнинг қадрига етиш керак. Жиндек бўш вақтим бўлса, дархол рубойи ёки туюк ёзишга тушаман. Вақт бекор кетмаслиги керак-да...

– Китоб ўқишга ҳам қўлингиз тегадими? – деб сўради ёш ижодкорлардан бири.

– Ха, китоб ҳам ўқиб тураемиз, – деди Ўрта яшар ижодкор гугурт чўпи билан тишини кавлай туриб. – Агар янглишмасам, ёзган китобларимдан ўқиган китобларим кўпроқ...

Ёш ижодкорлар бир-бирларига қараб олдилар.

Оқилжон ҲУСАНОВ.



Туман бўйича «Ибратли келинчақ» кўрик-танлови бўладиган, вақт тигиз. Нима қилиш керак?

Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Маҳбубахон Ҳатча холанинг келинини танлади.

- Сизнинг кўл-оёғингиз чаққонда. Ўйлаб-ўйлаб сизни танладим. Олий маълумотлисиз, яна репетиция қилиб Ўлимингизни анча ошириб оласиз. Ўзим бош-қош бўламан, - деди у келинчақка.

- Қайнонамни биласиз...
- Биламан. У кишига кейин айтаман. Ҳозир индамай турунг.

Шундай қилиб тайёргарлик қизгин паллага кириб кетди.

Мана туман бўйича кўрик-танлов бошланди!

Гулнозахон бешта шартни бажариб юқори балл олди. Айниқса, ўйинни қийиб кўйди. Маҳалладагилар ҳайрон, шу индамай шошиб-пишиб юрадиган келинчақ биринчи ўринни олибди-я!

Ҳатча хола бешик тўйидан келса, кўшини ўлтирибди:

- Табриклайман! Келинингиз "Энг ибратли келинчақ" деган ном олди, - деди у кўришаркан,

Ҳатча хола сипо-сир бермади. «Қаерда олди? Қачон? Нимага?» деб сўрамади ҳам.

- Ҳм, - деб кўя қолди.

Кўшини унинг бу муомаласини чарчаганга йўйиб чиқиб кетди. Бир пайт боғчадан болаларини эргаштириб Гулнозахон келди.

- Ҳай, келин, овқат қилдими?

- Олиб келайми?

- Нима овқат қилдиз?

- Ўзингиз ош қилинг, дедвиз.

- Қирлар ювилганми?

- Ювилган, дамзоллаб ҳам кўйганман.

- Сигир соғилганми?

- Соғилган. Сутни ярмисини пишириб қатиқ қилиб кўйганман. Олиб келайми?

Ҳатча хола ҳайрон бўлди. «Бу келин танловга борган бўлса, шунча ишга қачон улгурибди».

- Туман бўйича «Энг ибратли келинчақ» номини олибсизми? Кимдан сўраб бордингиз у ерга? Ибрат-

ли келинчақни қайнона биладими ё тумандагиларми? Яхшилигингизни ошириб, ёмонингизни яшириб... Ким испаранка берибди сизга ибратли деб?

- Ойижон! Сиз билан маҳалла «женсовет»и Маҳбуба опа гаплашаман девдилар, - шоша-пиша жавоб қилди келини.

- Мен ҳозир бораман ўша женсоветга, керак бўлса ҳоқимиятга, - қани сизни нимангиз ибратли экан?

- Ойижон...

Шу пайт эшикдан гул кўтариб Маҳбубахон кириб келди.

- Ҳатча опа, муборак бўлсин энди. Сизни келинингиз-да, Сизнинг. Доно одамларнинг келини ҳам доно бўлади-да.

- Келинг, - энсаси қотди холанинг, - ҳм, сиздан чиққан зақундир-да, ибратли келин-сибратли келин, деган гаплар. Сиз биласизми келинини, мен биланамми, ёмонини яшириб, яхчисини ошириб...

- Ҳм, аяжон, сизни ана шу донолингиздан мен сизни келинингизни танладим-да. Танлов голибига берилган телевизорни кўрдингизми?

Ҳатча хола бўшашиб: - Қанақа телевизор? - Келинига қарайди.

Маҳбубахон: - Вой, ҳали булардан хабарингиз йўқми? Биринчи ўринни олганига келинингизга телевизор, магнитофон, болаларга уйинчоқ, атлас, костюмлик, айтганча Сизга ҳам...қайнонаси яхши тарбиялагани учун деб мукофот беришди.

- Вой, менга ҳам... Ҳой келин, қани улар, қаерга яширддингиз. Ё уларни яшириб онангизга олиб бориб бердингизми?

- Вой, ойижон, ҳаммасини жавонингизга олиб кириб кўйибман.

- Вой, келинимдан айлана, тагли-золти келин-да, Маҳбубахон! Ҳа-а, қайнонали қарқара келин деб мени келинимни айтадилар, - деди совғаларни эшитган Ҳатча хола.

Учредитель:
Министерство по делам культуры
Республики Узбекистан.

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Х. ХУДОЙБЕРДИЕВА

Мусаҳҳиҳ
М.АБДУЛЛАЁРОВА

Компьютерчи ва саҳифаловчи
Нодира СОАТОВА

Мухарририят турар жойи:
700029, Тошкент – ГСП,
Булок Турон кўчаси, 41-уй.



Телефонлар:

Бош муҳаррир – 136-78-90

Бош муҳаррир ўринбосари – 133-07-94

Масъул котиб – 133-07-94

Расм ва мусаҳҳиҳ – 136-56-02

Босишга рухсат этилди
10.07.98 йил.

Қорғоз ҳажми 60x84 1/16
Офсет босма.

Шартли босма тобоғи 7.64.

Шарнёт ҳисоб тобоғи 9.88.

Шартли бўкеди нусха 18,5.

Буюртма №2586


4241 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нарх.

«Шарк» нашриёт-мағбаа концернининг босмахонаси.
700029, Тошкент шаҳри,
Булок Турон кўчаси, 41.

© «ГУЛИСТОН» 4, 1998.

Қутби НОСИР қизи.



Дурбек. «ЮСУФ ВА
ЗУЛАЙХО» достони.
Юсуфнинг қудуқдан чиқариб
олиниши. Миниатюра.
1998 йил.



Фирдавсий. «ШОҲНОМА».
Баҳодирлар суҳбати.
Миниатюра.




Мир Алишер
Навой.
«ЛАЙЛИ ВА
МАЖНУН».
Миниатюра.





Маҳмуд ҚОЗИЕВ. ЧОР МИНОР.
Мато, мойбуёқ. 1983 йил.



Дурдона ҚОЗИЕВА. НАТЮРМОРТ.
Мато, мойбуёқ. 1980 йил.

Тўқчилик

Ҳаваскорлик ижодий жамоалари рақс ургатувчиларининг республика семинар-кенгаши қатнашчилари.

